

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ
КАМОЛИДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК
ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

А.Л ТАБИБОВ О.С КАСИМОВ Д.Ш САИПОВА

**«ҚУРИЛИШ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ»
Ўқув қўлланма**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Maxsus таълим вазирлиги томонидан олий ўқув юртларининг архитектура-қурилиш ва техника соҳалари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия қилинган

Тошкент – 2018

Тузувчилар: А.Л.Табибов, О.С.Касимов, Д.Ш.Саипова

Такризчилар: Тошкент Архитектура ва Қурилиш Институти.
Архитектура тарихи ва назарияси кафедраси Архитектура доктори,
профессор **О.М.Салимов**

“ARH UNIQUE Projekt” фирмаси бош архитектори, профессор
Қ.Х.Мұхамеджанов.

Үқув қўлланманинг мақсади ва вазифалари: бино ва унинг элементларига қўйиладиган асосий талаблардан фойдалана олиш, бинолар юк кўтарувчи ва тўсувчи конструкцияларини лойихалаш умумий тамойилларини қўллаш, пойдеворлар конструктив ечимларини ҳал этиш, қаватлар аро ора ёпмалар ва том конструкцияларини ҳал қилиш кўникмасига эга бўлиши керак. Маълум ғоянинг эмоционал таъсирини, бадиий образлигини қоғозга тушириш ва образни буюртмачи ёки истеъмолчиларга етказища “Қурилиш конструкциялари” фанидан бериладиган назарий билим ва кўникмаларни эгаллаш, эгалланган тушунчаларни сайқаллаш ва замонавий дизайн соҳасида қўллай билиш ушбу фаннинг асосий вазифасидир.

Фаннинг ўқув дастури Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ўқув-услубий кенгашида муҳокама қилиниб, тасдиқлашга тавсия қилинган. (201_ yil «_____» _____ даги «_____» - сонли баённома).

СЎЗ БОШИ

Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти бакалавр таълим босқичиларининг йўкув режаларида акс этган фан бўйича профессор-ўқитувчининг дарс жараёнига йўкув-услубий тайёрлигини тасдиқловчи энг муҳим мезон, йўкув-услубий қўлланмадир.

Мақсад – авваломбор фаннинг ўқитувчиси, худди шунингдек талаба учун, фанни ҳар томонлама сермазмун, чуқур назарий, услубий ва амалий тарзда етказиш (талаба учун – ўзлаштириш) учун ягона йўкув-услубий ва ахборот-ресурс манбанин яратиш ҳисобланади.

Ўқув қўлланма Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти бакалавриат таълим йўналишлари учун мўлжалланган бўлиб, у жумладан қуидаги таркибий тузилишга эга:

- *фаннынг меъёрий-услубий таъминоти,*
- *фаннынг мазмуни ва ахборот-ресурс таъминоти,*
- *илғор педагогик технологиялар,*
- *қўшимча электрон таълим ресурсларини* ўз ичига олган.

Илғор хорижий тажриба билан узвийлик.

Мазкур қўлланма илғор хорижий тажрибани кенг ўрганиш, умумлаштириш ва ундан таълим ва тадқиқотлар жараёнида самарали фойдаланиш маҳсулидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 майдаги қарорида олий йўкув юртлари “жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидағи етакчи университетлар ва олий йўкув юртлари билан қалин ҳамкорлик доирасида кенг қўламда иштирок этган ҳолда 2016/2017 йўкув йили бошлангунга қадар барча йўкув режалари ва дастурлари тубдан қайта ишлаб чиқилишини ниҳоясига етказишни таъминласин, фанларни ўқитишининг эскирган, умрини ўтаб бўлган ёндашув ва услубларидан батамом воз кечишини, бакалавриат ва магистратурада жаҳон фани ва илғор педагогик технологияларнинг замонавий ютуқларига асосланган янги йўкув режалари ва дастурларини жорий этишини, шунингдек, таълим жараёнида уларни амалга ошириш ҳамда олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш учун етакчи хорижий олимлар ва ўқитувчиларни жалб этишини назарда тутсин”¹ деб алоҳида таъкидланган.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 майдаги “2016/2017 йўкув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ти қарори. “Халқ сўзи” газетаси, 2016 йил 27 май, №103 (6538). Б. 1

Ушбу қарорда белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида таълим ва тадқиқотларнинг мазкур ахборот-ресурс манбани ишлаб чиқишида етакчи хорижий университетлар бой ижобий тажрибасидан самарали фойдаланилди.

“Қурилиш конструкциялари” ўқув қўлланмада, фуқаро ва саноат биноларининг асосий конструкциялари ёритилган. Дизайннинг “Интерьерларни лойихалаш” ва “Архитектуравий муҳит дизайнни” турлари бўйича билим олаётган талабалар учун мўлжалланган бўлиб, бўлажак дизайнер – архитекторларга қурилиш санъатининг асослари, биноларининг айrim қисмлари ва конструктив элементлари, уларнинг вазифалари ва ўзъаро боғлиқлиги, архитектуравий ечимлардаги роли ва аҳамияти, бинолардан фойдаланиш, аниқ шароитларда уларга қўйиладиган талаблар ҳақида билим берилади.

Ҳозирги кунда юқорида қайд этилган дизайн турлари бўйича “Лойихалаш” фанидан ўқитиш жараёнида керакли техник фанлар, жумладан “Қурилиш конструкциялари”га оид масалаларни ҳал этишга тўғри келади. “Қурилиш конструкциялари” фани барча босқичларда “Лойихалаш” “Интерьерни лойихалаш” ва “Архитектуравий лойихалаш” фани билан узвий боғлиқдир.

Ушбу фандан олган билимлар, бадиий лойихаларни бажаришда конструктив жиҳатдан асосланган архитектуравий ечимларни қабул қилишда ёрдам беради. “Қурилиш конструкциялари” фанини ўқишига киришишдан олдин бўлажак дизайнер – архитекторлар уларнинг ижодий ғоялари моддий шаклда, яъни аниқ бир қурилиш материалларидан тайёрланган конструкцияларда амалга ошишини тасаввур этишлари лозим. Бинонинг қандай материалда (ёғоч, тош, фишт, металл ёки темирбетон) бажарилишига қараб, уни архитектуравий кўриниши, дизайнни, конструктив ечими, баҳоси, шарт-шароитлари ва ундан фойдаланиш муддати ўзгаради.

“Қурилиш конструкциялари” фанининг асосий вазифаси бинонинг архитектуравий – қурилиш қисмини ва уларнинг таркибий элементларини мухандислик ҳисобларсиз лойихалашга ўргатишидир.

Фаннинг мақсади ва вазифалари: бино ва унинг элементларига қўйиладиган асосий талаблардан фойдалана олиш; бинолар юк кўтарувчи ва тўсувчи конструкцияларини лойихалаш умумий тамойилларини қўллаш; пойдеворлар конструктив ечимларини ҳал этиш; қаватлар аро ораёпмалар ва том конструкцияларини ҳал қилиш кўникмасига эга бўлиши керак.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Ўқув жараёни билан боғлиқ таълим сифатини белгиловчи ҳолатлар қўйидагилар: юқори илмий-педагогик даражада дарс бериш, муаммоли маърузалар ўқиши, дарсларни савол-жавоб тарзида қизиқарли ташкил қилиш, илғор педагогик технологиялардан ва мулътимедиа воситаларидан фойдаланиш, тингловчиларни ундейдиган, ўйлантирадиган муаммоларни улар олдига қўйиш, талабчанлик, тингловчилар билан индивидуал ишлаш, эркин мулоқот юритишга, илмий изланишга жалб қилиш.

“Курилиш конструкциялари” фани олий ўқув юртларининг меъморчилик-курилиш, техника ва дизайн соҳаси бўйича умумтаълим дастурига киради ва меъморчиликнинг қисқа тарихини, шаҳарсозликни, биноларни лойиҳалаш асосларини, уларнинг конструктив схемаларини, элементларини ва асосий ҳажмий-режавий ечимларини ўрганишни ўз ичига олади.

Ўқув қўлланманинг кириш қисми Меъморчилик тарихидаги қурилиш конструкцияларининг билими, унинг ривожланиш жараёни қонуниятларини кўришга имконият беради. Ушбу ўқув қўлланмада ҳажми чекланган ҳолда қурилиш конструкциялари энг ёрқин ва характерли мисолларда бунёд бўлиши, ривожланиши ва дизайн билан боғлиқлиги талабалар тасаввур эта оладиган даражада кўрсатилган.

Ўқув қўлланманинг кейинги қисмида бино ва иншоотларни лойиҳалаш асосларига бағишлиданади. Бинолар ҳақида умумий маълумот, уларнинг синфланиши, уларга қўйилаётган замонавий талаблардан ташқари, бу қисм конструктив схемаларини кўриб чиқиши ва бинолар асосий элементларини, уларни ҳажмий-режавий ечимларини ва шунингдек бино ва иншоотларнинг архитектоник ўзига хосликларини меъморий композиция “мантикий жойлашув шаклланиш”нинг муҳим воситаларидан бирини ўз ичига олади. Ушбу билим маълумотлар талабаларда турар – жой ва жамоат биноларининг замонавий ҳажмий-фазовий ва режавий схемаларини ва улар элементларининг ўзъаро зич боғлиқлигини аниқ тасаввур этилишларини шакллантириш учун зарур.

Ўқув қўлланманинг вазифаси – талабаларга қурилиш конструкцияси асосида (маълумотлар, наъмуналар қўргазмали чизмалар ва энг зарур қоида меъёрларни) етказиб беришдан иборат. Шу фанни чукур ўрганишни истовчилар учун эса қўлланма охирида тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати келтирилган.

КИРИШ

Архитектура – (лотинча *architectura*, грекча *architektion* – қурувчи) – бунёдкорлик, бино ва иншоотлар тизими, инсон ҳаёти ва фаолияти учун фазовий муҳитни шакллантирувчи ва шунингдек ушбу бино ва иншоотларни гўзаллик қонунларига мувофиқ яратиш санъатининг ўзидир. Меъморчилик зарурий ишлаб чиқариш воситалари қисмини (саноат – завод ва фабрикалар, электр ишлаб чиқариш бино ва иншоотлари ва х.к.) ва одамлар жамоалари ҳаёт кечириши учун моддий воситалар (фуқаролик, турар – жой, жамоат биноси ва бошқалар) унинг бадиий образлари жамият маънавий ҳаётида сезиларли ўрин тутади. Архитектуранинг функциявий (бажарадиган вазифаси), конструктив ва эстетик сифатлари (фойдаси, мустаҳкамлиги, гўзаллиги) ўзъаро боғлиқдир.

Меъморчилик асарлари, ички фазолари ташкиллаштирилган бинолар, бинолар ансамбли ва шунингдек иншоотлар ҳисобланади, очик фазоларни шакллантириш учун (монументлар, терассалар, соҳил бўйлари ва шунга ўхшаш) яхлит мақсадга йўналтирилган аҳоли жойларини ташкиллаштириш ҳисобланади.

Архитектура – сунъий фазовий муҳит яратиш вазифасига эга бўлган шундай фаолият соҳасики, бунда жамият ва одамларнинг барча ҳаётий жараёнлари оқиб ўтади (садир бўлади) – меҳнат, хўжалик, маъданият, муносабат, хордик ва бошқалар. Моддий ишлаб чиқариш соҳаси каби, архитектура қурилиш техникасига таянади, моддий муҳит каби – жамиятнинг ижтимоий шароитини акс эттиради, санъат каби – чукур ҳиссий таъсир кўрсатишга қодир.

Биноларни иншоотларни ва улар мажмуасини меъморий лойиҳалаш бино вазифаси талаблари, физик қонунлар ва гўзаллик қонунларига мувофиқ амалга оширилади. Бир вақтда бадиий ва техник ижод маҳсулоти бўлган архитектура бадиий ва техник муаммоларни ўзъаро узвий боғланган ечимини талаб этади. Меъморий асарлар мазмуни кўп қиррали, ижтимоий – функционал, ҳиссиёт – туйғули ва бадиий томонларга эга, моддий – фазовий шаклларда ифодаланган. Фазо ва меъморий – конструктив шакллар уларни ташки муҳит таъсиридан ҳимояловчи ички фазолар қобиқлари, меъморчилик санъати воситаларидир.

Архитектура жамият хаётий фаолиятининг моддий муҳитини моддий – техник ва иқтисодий имкониятларига талаблари эҳтиёжлари билан монан шакллантиради. Бошқа санъат асарларидан фарқли равища меъморий асарлар уларни амалга оширишда катта моддий харажатларни талаб қиласди.

Конструкция ва меъморий – бадиий образнинг ўзъаро боғлиқлиги – бутун меъморчиликнинг ривожидаги муҳим муаммолардан бири. Конструкция (тоза техник тизим) агар у аниқ функционал ва эстетик вазифаларга мувофиқ қўлланилса, меъморчилик асари элементи аҳамиятини олади. Кўринадиган моддий – фазовий асар тизимини яратишида конструктив шакл маълум ҳис – туйғули ифодаланадики, усиз меъморий образни тасаввур этиб бўлмайди. Нисбатли ҳажмий – фазовий ва монанд ифодаланиши конструктив шаклни бино ва иншоотнинг ўзига хос техникасини (архитектоника) ташкил этади–меъморий композициянинг (жамланиш, ифодали) муҳим талабларидан бири. Шундан келиб чиқиб меъморчиликда “тектоника” ибораси (термин) ўз аҳамиятига эга, меъморий масалани хал этишида конструктив тизимни (структурани) маълум бадиий ечимда ифодалайди.

Хар бир аниқ тарихий даврга тааллуқли умумий йўналиш тектоник фикрлаш ўзига хосликлари, яратувчи меъморларнинг давр услубини белгилаб оладиган бадиий дунёқарашига бевосита боғлиқ. Бундан тектоник ўзига хосликлар қурилишнинг техник даражаси билан бирга, шунингдек ўз даврининг эстетик идеалларига бевосита боғлиқдир.

Илмий – техник жадал ўсиш, жамиятдаги майший – маънавий гоявий муаммолар мураккаблашиши ва ўткирлашиши билан боғлиқ ҳолда замонавий меъморчиликда юқоридаги фикрлар аҳамияти ортди.

Шаҳарсозлик – бу назария ва амалиёт шаҳарларни ва аҳоли жойларини режалаш ва қуриш бўйича ижтимоий – иқтисодий, санитария – гигиеник, техник – қурилиш, транспорт ва меъморий бадиий масалалар, лойиҳалаш ва қурилиш билан комплекс хал қилинадиган масалалардир.

Ижтимоий – иқтисодий масалалар аҳолини жойлаштириш тизимини танлаб олинаётганда хал қилинади, шаҳар ёки қишлоқни келгусидаги ривожини хисобга олган ҳолда, табиий ва худудий ресурсларни иқтисодий самарали фойдаланиш, аҳолини ўсиши ва аҳолига маданий – майший хизмат кўрсатиши демакдир.²

Санитария – гигиеник масалалар аҳоли ҳаёти учун соғлом шароит яратиши назарда тутади, саноат ва истиқомат худудлари орасида санитария – химоя худудларини белгилашни баъзи касалликларга қарши ишлов бериш худудларини, кўкарамзорлаштириш бўйича тадбирлар ўtkазиш, шовқинга қарши курашиш ва тупроқ, хаво ва сув ҳавзалари ифлосланишига қарши курашиш демакдир. Иссик иқлим туманларида санитария – гигиена

² Ренч Х. “История архитектуры”, Книга, Москва. 2003 г.

масалаларининг муваффақиятли ечимиға ташқи муҳитда юқори даражада микроиқлим яратиб инсоляция ва шунингдек ёқимли шамол йўналишидан фойдаланиб эришиш мумкин.

Техник – қурилиш масалалари аҳоли жойлари қуришга танланган худуд инженер – геологик шароитларини ўрганиш билан замонавий қурилиш воситалари техникасини аниқлаш, рационал транспорт ва пиёдалар алоқаси тизимини хал этиш, худудда инженерлик тайёргарликларини ўрнатиш ва инженерлик ободонлаштириш (совуқ сув, оқава сув (канализация) иссик, совуқ, газ ва электр таъминоти, телефон алоқаси)дан иборат.

Маъмурий – бадиий масалалар аҳоли яшаш жойлари қурилиши учун танланган худудни мухандис – техник ҳолатини ўрганиш, шаҳарнинг умумий меъморий – режавий тизимини аниқлаш билан унинг магистрал тармоқлари ва кўчалари, шаҳарнинг алоҳида қисмларининг функционал қурилишини шунинг ичида марказ композициясини ҳам жойнинг табиий – иқлимий хусусиятларини (рельеф, ландшафт, сув ҳавзалари, яшил массивлар ва хоказо), миллий – рўзгор анъаналарини, халқнинг тарихий ва маданий ёдгорликларни хисобга олиб шаҳарнинг умумий меъморий – режавий тизимини аниқлаш билан боғлиқ.

Шаҳарсозлик масалаларини комплекс ҳал қилиш мажбурий шартdir. Комплекс ёндошмаслик шунга олиб келадики, яъни сунъий яратилган муҳит шаҳарда ахолининг меҳнат қилиши учун, турмуши ва дам олиши учун меъёрий шароитлар яратишни йўққа чиқаради.

Дастлабки йилларда меҳнатни жамоавий бўлиниши натижасида, инсоният фаолиятида касбни алоҳида соҳага ажралиб чиқиш даврида харбий истеҳкомлар (укрепления) ва савдо аҳоли жойлашуви шаклланди. Улар душман хужумидан химояланиш (қалъа – шаҳарлар) ёки савдога ва мол – ашё алмаштиришга қулай жойларда жойлашганлар.

Шаҳарлар тарихан ривожланган, жамиятнинг аниқ эҳтиёжига мос равишда вақт ўтиши билан кўринишини ўзгартирган ташкил топган шаҳар ўз навбатида жамият ҳаёт тарзи кучи уни аҳолиси дунёқарашига таъсир кўрсатган.

Шаҳарнинг шаклланиши шароитига ижтимоий ва функционал ҳолатлар билан бир вақтда географик муҳит ва иқлим ҳам муҳим аҳамиятга эга. Жамият жараёнининг табиий асоси сифатида географик муҳит, инсоният жамиятига доимо таъсир этади, лекин табиий шароитларнинг турлича характеристи уни ривожланишини тезлаштириб ёки секинлаштириб муҳитни шакллантиришга сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин.

Шаҳарнинг бунёд бўлиши – фақат аҳоли жойлашиш жойи эмас, бу ижтимоий, илмий – техникавий, иқтисодий, иқлимий ва бошқаларни жавоб

берадиган сифат жиҳатидан янги ва мураккаб функционал ташкиллаштириш тизими.

Замонавий шаҳарларда жуда катта микдордаги инсоният эгалик қилаётган моддий ва маънавий бебаҳо бойликлар тўпланган. Шаҳар ва моддий маънавият ўзъаро чамбарчас боғланган ва бугун, бизнинг дунёда, кейинги юқори ўсиш ва индустирлашиш жараёни содир бўлмоқда, нафақат шаҳарларни тез ўсишига олиб келувчи, уларда моддий ва маънавий бойлик-қадриятлар тўпланадиган, шунингдек барча турдаги замонавий коммуникацияларни шиддатли жадаллашуви кетмоқда.

Режа

Меъморлик ва ундаги конструкциялар ҳақида тарихий маълумотлар

Фуқаро бинолари ҳақида умумий тушунчалар

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

I. Илк меъморлик

- 1.1 Илк меъморлик ҳақида тушунча
- 1.2 Иншоотлар конструкцияси ҳақида маълумот
- 1.3 Лойиҳалаш ҳақида умумий маълумотлар

II. Фуқаро бинолари ҳақида умумий маълумотлар

- 2.1 Жамоат бинолари
- 2.2 Туаржой бинолари

III. Бинонинг конструктив элементлари

- 3.1 Ҳажмли элементлар ҳақида умумий маълумот
- 3.2 Конструктив элементлар ҳақида умумий маълумот

IV. Биноларнинг классификацияси ва уларнинг конструктив схемалари

- 4.1 Биноларнинг классификацияси
- 4.2 Биноларнинг конструктив схемалари

V. Биноларга қўйиладиган талаблар

- 5.1 Бинонинг функционал вазифаси
- 5.2 Муҳит параметрлари
- 5.3 Бинога ташқи таъсирлар

VI. Индустрιаллаштириш ҳақида тушунча. Қурилишда “стандартлаштириш”

- 6.1 Қурилишни индустрιаллаштириш
- 6.2 Қурилишда “стандартлаштириш”

VII. “Модул” тизими, конструктив элементларини жойга боғлаш қоидалари. Конструктив элементларни деворлар ўқ чизиқларга боғлаш

7.1 Модул тизими

7.2 Конструктив элементларни ўқ чизиқларга боғлаш

VIII. Туаржой уйлари ва уларнинг мажмуаси

8.1 Туаржой уйлари турлари

8.2 Туаржой уйлари (хонадонлар)ни лойихалаш

IX. Коридор ва галерея типидаги туаржойлар

9.1 Коридор типидаги туаржойлар

9.2 Галерея типидаги туаржойлар

9.3 Режалаштиришнинг секцияли тизими

9.4 Режалашнинг анфилада тизими

9.5 Режалаштиришнинг залли, атриумли ва аралаш (комбинацияланган) тизимлари

X. Қўргон туридаги туаржой уйлари ҳақида маълумот

10.1 Қўргон туридаги туаржой уйлари

10.2 Мансардали бир хонадонли қўргон типидаги туаржой

XI. Пойдеворлар

11.1 Темир – бетон остидаги пойдеворлар

11.2 Деворлар остидаги пойдеворлар

11.3 Қозиқли пойдевор

XII. Туаржой биноларининг конструктив схемаси

12.1 Каркасиз бинолар схемаси

12.2 Каркасли бинолар схемаси

XIII. Фуқаро биноларининг конструктив элементлари. Асослар ва пойдеворлар

13.1 Асослар ва пойдеворларнинг конструктив схемаси

13.2 Пойдеворларнинг конструктив ечими

XIV. Табиий асослар ва сунъий асослар

14.1 Табиий асослар қуриш учун шароитлар

14.2 Сунъий асослар қуриш учун шароитлар

XV. Пойдеворларни ва ертўлаларни заҳдан муҳофаза қилиш

15.1 Пойдеворларни заҳдан муҳофаза қилиш

XVI. Деворлар ва устунлар

16.1 Девор ва устунлар ҳақида маълумот

XVII. Балконлар, лоджиялар, эркерлар

XVIII. Пардеворлар, Ораёпмалар

18.1 Пардеворлар

18.2 Ораёпмалар

XIX. Поллар

19.1 Қатламча

19.2 Пүкакли қопламалар

XX. Деразалар ва эшиклар

20.1 Деразалар

20.2 Эшиклар

XXI. Томлар ва устёпмалар

XXII. Бинолардаги коммуникация воситалари

22.1 Горизонтал коммуникациялар

22.2 Вертикал коммуникациялар

XXIII. Жамоат бинолари конструкциялари

23.1 Жамоат бинолари ҳақида умумий тушунчалар

23.2 Тоносли конструкциялар

23.3 Замонавий стадионлар

Меъморлик ва ундаги конструкциялар ҳақида тарихий маълумотлар

Икки дарё оралиғи шахарсозлиги

Шарқнинг энг қадимги тарақкий этган жойларидан бири – икки дарё Титр ва Ефрат дарёлари (Месопотамия) оралиғида эрамиздан аввалги V-IV асрларда қулдорлик давлати мавжуд бўлган. Уларнинг асосий қурилиш объектлари фаолияти – сув иншоотлари ва мудофааланган шахарлар бўлган. Қадимий Месопотамияда қурилиш ашёси тош ва ҳом ғишт бўлган. Эрамиздан олдинги III минг йиллик бошларида ғиштларни ёғоч қолипларда тайёрлай бошладилар, Қадимий Вавилон ғишти бошланишида узунчоқроқ (20x30x10 см), кейинроқ квадрат (31x34x10 см) шаклда ишлатилган.



Қадимги Месопотамия

Ғиштни ихтиро қилиш натижасида, аркасимон конструкциялар вужудга келди, ва бу дунё архитектурасини ривожида жуда катта роль ўйнади.

Хом ғиштдан оммавий тураг-жойлар ва монументал иншоотлар бунёд этилди. Пишган ва сайқалланган – сирланган ғишт асосан пардоз ашёси сифатида хизмат қилган ва анча кам қўлланилган. Барча конструкциялар асосини бақувват кўп метрли деворлар ташкил этган.

Қадимий Мессопотамия қурилишларида битум боғловчи ва сув ўтказмас (гидроизоляцион) материал сифатида кенг ишлатилган. Хом ғишт териш қориши маси одатда лойдан, баъзан битум ва кул аралашмасидан ташкил топган. Худди шундай 5-13 қатордан кейин битум эни бўйлаб қўйиладиган қамишларга ҳам битум шимдирилган, намдан сақлаш ва девор мустаҳкамлигини ошириш мақсадида. Палма дараҳти қурилишда кам ишлатилган, чунки унинг сифати қурилиш учун етарли эмас. Кейинроқ иншоотларни оралиқ ёпмалари учун тўсинларга сосна ва кедр дараҳтлари ишлатила бошлаган.

Ёғочни тежаш мақсадида қозиқсимон аркалар ҳом ғиштдан айланмаларсиз амалга оширилган.

Мессопотамия иншоотларида ҳом ғиштни жуда кўп ишлатилиши бир қатор композицион кўринишларни пайдо бўлишига олиб келди. Ғиштларни кирган –чиққан жойлари ритмик кўринишлар шуларга мисол бўла олади. Шумер ва Вавилон архитектурасининг асосий томони – оддий хажмлар, асосан куб ва паралелепипедлар ва деворларни вертикал қисмларга бўлиниши бўлган.

Қамишдан уйларнинг тўсиқ конструкцияси сифатида фойдаланилган ва лой билан сувалган.

Иншоотларга ҳозиргина қолипдан чиққан нам ҳом ғиштни деворга қориши масиз қўйиб (пахса девор каби) у қурий бошлагач қўйма – монолит ҳолдаги массага айланган. Месопотамияда гидроизоляция сифатида қурилишда табиий битумдан фойдаланилган. Битум ғишт теришда боғловчи модда сифатида ҳам ишлатилган, бўяш ва деворлар чўкмаслигини ошириш, ҳамда асфальт поллар учун қўлланилган.

Қадимги Миср шаҳарсозлиги


Нил дарёсининг хосилдор, жуда узун ва энгиз, иккала томонидан йўл билан ўралган воҳасида, қадимги дунёning энг сезиларли ва ўзига хос маданиятига тааллуқли цивилизация ривожланди.



Қадимги Миср давлати

Қадимги Миср тарихи бир неча минг йилликни қамраб олади – эрамиздан олдинги V минг йиллик охиридан эрамизнинг IV асртага. Шунчалик сезиларли вақтда Қадимги Миср катта миқдорда ажойиб қурилишлар, ҳайкаллар, рангтасвир, (живопис) декоратив-хунар (декоративно-прикладное) санъати асарлари яратилди. Уларнинг кўпи буюк маҳорат ва ижод илхомининг қайтарилимас намунаси бўлиб қолади.

Қуи ва юқори Миср қабилалари бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўзига хос архитектуранинг асосини яратдилар. Унинг ривожланишини бир неча улкан даврларга бўлиб ўрганилади.



Қадимги Миср қурилиши

Эрта шоҳлик даври (эрамиздан аввалги XXX – XXVIII асрлар) биринчи фараонлар вактида архитектурада ҳам образли ва тасвирий воситалар ва меъёрлар, маросимий қоидалар ўрнатилди.

Камбағаллар уйлари, аввалгидек лой ва қамишдан қурилар эди, таниқли шахслар уйлари – ёғоч ва ҳом ғиштдан бўлиб, планда бурчакларида тўғрибурчакли қилиб қурилган. Қадимий шоҳликлар даврларида, тахминан эрамиздан олдинги 2700-2200 йилларда монументал эхромли иншоотлар қурилиши бошланади: фараонлар ва таниқлилар мақбаралари – мастаба, лотоссимон, пальмасимон, папируссимон образли қўринишда колонналар билан. Рельеф санъати ривожланиши юзага келди.

Мастаба (арабча – ўриндиқлар (скамья)) оддий монументал мақбара иншооти бўлган ва одатда кесилган пирамида шаклига эга бўлган ва икки қисмдан ташкил топган: ер устки, бунда бир ёки икки маросимий вазифадаги хоналар ва ер остки қисмда склет (герметик майит (мурда)) жойлашган. Мастабалар қўпинча пирамидалардан узоқ бўлмаган ҳолда бунёд этилган. Бундай хил иншоот Саккарадаги Джоссер зинасимон пирамидасидир (эрамиздан олдинги 2800-2780 й.)||



Саккарадаги Джоссер мақбараси

Джоссер пирамидаси 15 гектар жойни эгаллаган ва у мемориал ансамблнинг доминанти (ўзаги – эътиборни тортувчи) хисобланади.

Гизадаги пирамидалар комплекси ичida энг каттасининг баландлиги – Хеопс – 150 м атрофида, квадрат асоси томонидан – 233м., майдони 52900 м².

³ Herbert Kurth und Aribert Kutschmar “Baustilfibel” Berlin 1984



Пирамидалар Гиза шахри

Ҳаммаси бўлиб унинг қурилишига 2,5 млн.³ тош талаб қилинган. Тош боғловчи ашёсиз, қуруқ, зич тақалган сариқ оҳактош (известняк) блоклардан қуйилган (хар бири 2,5 тоннадан), блоклар ўлчами пирамида тепаси томонга кичрайиб боради (блоклар баландлиги асосда – 1.5 м., чўққисида – 55 см.). Бошидан Хеопс пирамидаси ташки девори оқ тош билан қопланган (облицован), асоси эса гранит билан терилган. Блоклар чиқариб ёпилган қия йўл фараоннинг катта бўлмаган марказий дафн камерасига олиб боради.

Қадимий Грецияда шаҳарсозликнинг ривожланиши

Қадимий Грек ижодиёти кейинги жаҳон архитектураси ривожига кучли таъсир кўрсатди – Уйғониш давридан то XXI асргача. Бу таъсирнинг турғунлиги сабаби шундаки, ўша вакт қурилишининг юқори касбий даражадалиги, мантиқийлиги, антик давр иншоотларининг ҳақиқатгўйлигидир.

Қадимий юононлар ижтимоий ғоясида дин катта ўрин эгаллади. Худоларнинг ҳаёти ва уларнинг юришлари афсоналарида, юононларнинг ўзлари ҳаётларидан турмуш сюжетлари (лавҳалари)га ечим топилади. Аммо шу билан бирга одамлар уларнинг қудратига ишонганлар, уларга курбонниклар қилганлар ва эҳромлар курганлар.

Юонон архитектурасининг энг аҳамиятли томони диний қарашлар меъморчилик билан уйғунлашиб кетади.

Эрамиздан аввалги – архаик давр (қулдорлик демократиясининг таниқли уруғларга қарши кураш, қутб – шаҳарларнинг пайдо бўлиши – оддий аҳоли худудидан ажралган); – классик давр эрамиздан аввалги V–IV асрлар (грек – форс урушлари, маданият гуллаган даври, уфқлар (полисов) иттифоқининг тарқалиши); эрамиздан аввалги IV аср – I аср бизнинг эрада эллинистик давр (Александр Македонский империясини яратилиши, юонон маданиятини

тарқалиши ва кичик Осиё колонияларида (қарам давлатларида) даврларини ўз ичига олади.

Гомер даври меймандилиги (ХІІІ-ХІІ асрлар э.а.).

Қадимий Греция тарихининг илк даврини Гомер даври деб қабул қилинган, шунинг учун уни ўрганишга Гомер поэмалари “Иллада” ва “Одиссея” асосий ёзма манба бўлиб хизмат қилади. Бу давр архитектураси крито – микен анъаналарини давом эттиради, тураг – жойлар ҳом ғиштдан ёки катта тош – мегаронлардан терилиб, айланган деворга эга бўлган. Каркас (синч) қолипда шаклланган ғишт ва йўнилган стандарт (маълум) ўлчамдаги йўнилган тош блокларни киритилиши, режада бинонинг тўғри бурчакли шаклга олиб келди.

Архаик давр архитектураси (эрамиздан аввалги VII – VI аср)

Эллин шахарларининг бирлигини мустаҳкамловчи шакллардан бири Олимпия ўйинлари, биринчи бўлиб, Пелопонес ярим оролида, илохий Крон тоги ёнида эрамиздан аввалги 776 йилда ўтказилган ва бизнинг эрамизнинг 393 йилигача доимий равишда хар тўрт йилда ўтказилиб келган.

Архаик даврда қурилишлар ҳом ғиштдан, тошдан теришга ўтилди, грек эхромлари юзага кела бошлади.



Архаик давр архитектураси

Антахдаги эхром мегарон шаклини қайтаради. У режада тўғри бурчакли хоналар целлалар ва портиклардан ташкил топган. Эхром ўзининг номини олдинга чиқиб турадиган девор портик – антлар сўзидан олган.


Классик давр архитектураси (эрамиздан аввалги V-IV аср).

Эрамиздан аввалги V асрдаги юон – форс уруши юонлар ғалабаси билан тугади, анча илғор юонларнинг прогрессив иқтисодий ҳаёти

устунлигини мустаҳкамлади. V аср биринчи ўн йиллигидаги яратилган санъат ва архитектура ижод намуналари, айниқса рассомлар ҳайкалтарошларнинг асарлари таҳсинга лойиқ бўлди. Бу давр классикаси деб атала бошланди. (лотинча *classicus* – биринчи тоифа) деган маънони беради.

Илк классик архитектурага Эгина оролидаги катта бўлмаган Афайи эҳроми ажойиб мисол бўла олади, бунда юононларнинг ватанпарвар ғоялари в тушунарли, уйғун нисбатларда амалга оширилган.

Мармар ҳайкалларни (доира ҳайкални, рельеф, меъморий иншоот безакларини) аввалгидек бўяганлар. Олимпиядаги Зевс эҳроми (468-456 йиллар эрамиздан аввалги, Либон), форслар устидан қозонилган ғалаба шарафига қурилган. Унинг нисбатлари классик мукаммалликкача етказилган. Унинг интерьерларида Зевснинг (баландлиги 13 м.) ҳайкали ўрнатилган. Ушбу ҳайкални буюк грек ҳайкалтароши Фидий яратган.



Олимпия. Зевс ибодатхонаси. Милоддан аввалги V аср.

Денгиздан узок бўлмаган Афинани йўл билан Пирея – Гавана шахри билан боғлаган. Йўл ва шаҳарнинг ўзи қўрғон девори билан ўралган. Афинада водопровод, канализация тизими ишлаб турган. А ф и н а акрополи грек архитектураси асарлари ичida энг яхлит ва уйғун (гармоничний) яратилган деб ҳисобланади.



Афина акрополи

Хар бир грек шахри театр иншоотига эга эди. Грек архитектурасининг энг буюк ёдгорликларидан бири кеч классиканинг – Галикарнасадаги мавзолейи – ажойиб мақбара (гробница) катта бўлмаган Карий давлати пойтахтида (Кичик Осиё жанубий-шарқи) эрамиздан аввалги 4 асрда қурилган. “Дунёнинг етти жўъжизаси”дан бири ҳисобланади. Мавзолей (эрамиздан аввалги 377-353 йиллар) давлатни бошқарган Кари Мавсол буйруғи билан қурилган. У тириклик чоғидаёқ Галикарнаса бу мавзолейни ўзи ва ўзининг хотини Артомиси II учун қурдира бошлаган. Иншоот натижада мавзолей деб атала бошланди (грекча Mausoleion) бу қирол Мавсол номи билан боғлиқ. Қиролнинг ўзи қурилиш тугагунча яшамади.


Эллинистик давр архитектураси.

Бу давр Александр Македонский ҳокимияти таназзулга учрагандан кейин бошланди (эрамиздан аввалги IV асрнинг охирги учдан бир қисмida) Гречия ва Миср давлатлари Рим томонидан бўйсундирилиб, (ғалаба қозонгунча) давом этди (эрамиздан олдинги 30-чи йилларгача). Бу давр архитектурасига шаҳарлар режасини доимий ривожланиши характерлидир. (Милет, Делос, Эфес), Бой услублашган туарар-жойлар, сувоқларга расмлар чизиш, иншоотнинг янги хилларини яратиш – монументал мажмуалар (алтарей) шулар жумласидандир.

Пергамедаги Зевс алтари энг таниқлиси бўлиб, (180 йил эрамиздан аввалги). баландлиги 9 м. Альтар мармарли хайкалли горельефли (рельеф, горельеф тасвирий хайкаллар ишланаётган юзадан маълум даражада озрок ёки бироз кўпроқ бўртиб чиқади) фриз билан тасмаланган (опоясан), худолар ва баҳайбатлар жанги тасвирланган. Эллинизм даври архитектураси ўз услубини яратмади, аммо Рим ва Византия архитектурасига таъсир кўрсатиб, Грек архитектурасини тарғиб қилди.



Олимпия. Зевс



Пергамедаги Зевс алтари Эр.ав.180 йиллар

Қадимий (антик) Римнинг архитектура ва шаҳарсозлиги

Юқори такомиллик, юқори меъёрлар ва меъморий намунага антик даврда, Қадимий Римда эришилди. Грециядан фарқли равишда Қадимий Римда асосий эътибор эҳромларга эмас, балки жамоат иншоотларига қаратилди.

Бу биноларни бунёд этиш учун, шу дамда улкан ўлчамларга етган, алоҳида маҳсус техникани ишлаб чиқиши керак эди.

Италия тоғлари қурилиш учун ўрмон ва тошларга бой бўлиб, у ерларда базальт, туф, йирик ғовакли оҳактошлар топилади. Боғловчи қоришмаларга табиий қотиувчи қўшимчалар асосида – вулқон кули (пуццоланлар) – бу ерда биринчи маротаба қурилиш бетони ишлатила бошланди. Қоришма устига териш Рим қурилиш техникасини грекча қуруқ теришдан фарқ қилиниши, тез қуришга имкон берди.

Қадимий Италия архитектурасининг бошқа маҳсус эътиборга моликлиги, худди шундай қоришмада теришни қўллаш билан боғлиқ, аркали ва сводли конструкциялар, таянчлар орасидаги масофа – олти-еттидан йигирма беш метргача узунликка чўзилди.



Колизей Рим

Аркалар ва сводлар турғунлиги инженерлик, ҳамда режавий усуллар билан таъминланган. Горизонтал силжиб кетишини йўқотиш учун аркалар массив деворларга ёки контрфорсларга таянтирилган. Аркали кўприклар ва акведуклар дарё ёки даранинг нишаб қирғоқларига тиralган.

Қадимий Римликлар истеъдодли инженерлар, топқир қурувчилар бўлган, биноларни сейсмик ҳимоялаш муаммоларни нафақат устун – балка тектоникаси билан, ҳамда конструкциялар билан ечиш мумкинлигини кўрсатдилар.

Византия архитектураси

Византия архитектураси христиан фалсафаси таъсири остида ва антик бунёдкорлик анъаналари асосида ривожланди. Византиядаги саройлар, кўприклар қуришди, аммо асосий бино тури черковлар бўлиб қолди.

Асосий қурилиш ашёси плинфа бўлган – квадрат ёки тўғри бурчакли яхши пиширилган, қалинлиги 4-5 см ли ғишт бўлган. Теришни оҳакли қоришмада олиб борилган, фасадлар сувалмаган.


Шакллар антик архитектурадан ўзлаштирилган, Византия бунёдкорлари (зодчество) доим уларни кўринишини ўзгартирган ва V аср давомида кўпроқ эҳромларга оид, иншоотлар турини, план бўйича ва барча конструктив тизими қадимий христиан базиликлари туридан сезиларли фарқ қиласиган иншоот турларини ишлаб чиқкан:

Унинг асосий ўзига хослигини гумбазни бинони ўрта қисмини ёпишга қўлланишидадир. (марказий – гумбаз тизими).


Гумбаз Рим тилида хам, худди Шарқдаги каби, масалан Суриядаги, аммо кўп ҳолларда айлана асосда жойлашган; агарда асоси квадрат ёки кўп қиррали бўлса, улар гумбаз орлиғида ётувчи органик боғловчи мавжуд бўлмаган. Византияликлар биринчи маротаба гумбазни квадрат ва умуман тўртбурчак режа устига парус ёрдамида муваффақиятли жойлаштирганлар.

Шундай қилиб, V-VI асрларда Византиядаги эҳромнинг қовурғали – гумбаз тури (крестово-купольного) шаклланди. Бундай эҳромда тўрт таянчда турувчи аркалар паруслар гумбазни ушлаб туради, аркаларга тўрт томондан мустахкамлигини таъминловчи цилиндрик сводлар туташади.

Қовурғали – гумбаз тизимидағи энг аҳамиятли ёдгорлик – Константинополдаги Муқаддас София собори (532-537 йиллар, Анфимий ва Исидор)



Муқаддас София собори тархи



*Муқаддас София собори
Роман услуги*

Капитализм даврининг архитектура ва шаҳарсозлиги


Капитализмнинг ривожланиши билан (XIX аср ўртаси) архитектура ва шаҳарсозликда чуқур ўзгаришлар содир бўлди.

Илмий техник кашфиётлар саноат ишлаб чиқаришида, темир йўллар курилишида, шаҳарлар транспорт тармоғини тартибга келтириш, кўча ва майдонларга тош қоплаш – мустаҳкамлаш, кўча ёритилиши шаҳарни янги тизимини излашга олиб келди.


Шаҳарларда бино ва иншоотларнинг янги турлари юзага келди: фабрикалар, заводлар, электр станциялари, маъмурий бинолар, банклар, биржалар, даромадли уйлар, вокзаллар, спорт иншоотлари, намойиш заллари, савдо бинолари, театрлар, музейлар ва ҳоказолар. Классицизм услуги бундай хилма –хил қўйилган масалаларни қониқтира олмади, энди унинг ўрнига эклектика – “тарихий” меъморий услугларни элементларидан фойдаланиш бошланди.

Янги қурилиш ашёлари катта аҳамиятга эга бўла бошлади: темир, ойна, кейинрок – темир-бетон, цементларни турли маркаларда бўлиши. Буларнинг барчаси қурилишни ривожлантириш учун янги имкониятлар очади.

Янги конструктив ашёлар билан қурилишни енгиллаштирувчи янги усуллар пайдо бўлди. Чўян колонналар, стропила, оралиқ ёпма, ғишт ва ёғоч деворлар билан мувофиқлаштира бошладилар. Биринчи марта метални конструктив ойна билан бирлаштирадилар: усти ёпиқ бозорлар, вокзаллар, универмаглар, металл сводли ёпмалар билан. Архитектурани ривожланиши учун дунё техник ютуқларини намойиш ва тарғиб қилувчи бутун дунё саноат кўргазмалари катта аҳамиятга эга бўлди. 1851 й Джозеф Пакстон Лондонда кўргазма зали учун “Биллур (хрустал) сарой” – Кристалл – палас метал ва ойна биносини кўтарди.



Кристалл – палас



Кристалл – палас. Лондон

Ойна билан ёпилгани бинони максимал табиий ёруғлик билан таъмин этади, сунъий ёритиш маблағини тежаган ҳолда вентиляция панжаралари

ҳаво оқимини бошқаради. Янги қурилиш усуллари бу улкан бинони тўрт ойда кўтарилишига имкон берди.


XIX асрнинг 30-йилларидан бошлаб биноларнинг композициялари ва бадиий пардоз учун услублаштириш (стилизация) (ўтмиш услубларига тақлид) ва эклектика характерли эди. Эклектика – турли услугуб шаклларини аралаштириб кетиши – меъморий нусха ва конструкция, функция оралиғидаги боғланишни бузилишига олиб келди. Ола – була (пестрый) эклектик ишлов билан даромадли бинолар, банклар, вокзаллар ажралиб турган. XIX аср 90-йиллар бошланишида Белгия, Франция, Голландия, Австрия, Германияда деярли бир вақтда эклектикага реакция сифатида янги услугуб – модерн (“французча – замонавий”) келиб чиқди, дунё санъатида тарихий қўлланилишликни узди. Иншоотлар қурилишида янги ашёлардан фойдаланиши бошланди ва бу ўз навбатида симметриядан, классик шакллардан, шу жумладан ордерлардан воз кечишга олиб келди.

Совет архитектураси ва шаҳарсозлиги

Совет архитектурасининг ривожланиш даврларини ўрганиш, уни келишмовчиликлари билан бирга турли тенденциялар, оқимлар, йўналишлар курашишида намоён бўлиб, совет архитектураси эволюциясини кўрсатиши имкониятини беради. 1917-1932 йиллар.

Революцион ўзгариш билан архитектурада қатор бинолар вазифаси ўзгартирилди: саройларда муассасалар жойлаштирилди, маҳсус уйларда – ишчи клублар; болалар боғчалари ва ҳоказолар, кўп квартирали даромадли турар уйларда – меҳнаткашлар жойлашади.

Революциядан кейинроқ Москвани ва Петроградни таъмирлаш (А.Шусев, И.Жолтовский ва бошқалар) ва келажак шаҳарлари лойиҳалари яратилди.



Кремль. Москва

Архитектурадаги муаммоларни ечишнинг янги йўлларини излаш турли йўналишларда олиб борилди: шаҳарсозлик, стандартлаштириш ва

турлаштириш (типизация), авж олди. Баъзи архитекторлар И.Жолтовский (1867-1959 йиллар) ортидан классик архитектурани доимилигини тарғиб қилдилар ёки И. Фомин (1872-1936 йиллар), классик меросни “реконструкцияси” усулларини ишлаб чиқдилар, бошқалар, масалан Элисицкий, И.Голосов, К.Мельников архитектурани романтик шаклларда ифодаладилар.

Йирик конструктив йўналишдаги архитектура асарига принципиал янги хилдаги – дома-коммуны биноси киради, бир хажмий-фазовий композицияда индивидуал тураг-жой ва жамоат-турмуш муассасаларни бирлаштириш принципи асосида: талабалар дом коммунаси (1929-1930 йиллар, И.Николаев), Москвада Чайковский кўчасидаги дом-коммуна (1928-1930 йиллар, М.Гинзбург ва И.Малинис) иқтисодий тежамкорлик илиа режалаштирилган квартиralар ва умумжамоатлашган хизмат кўрсатиш масканлари.

Лекин ашёлар ва қурилиш ишлари сифати янги меъморий ғоялардан орқада эди.

Ўз имкониятларини рўёбга чиқара олмаган совет архитектураси учун 30-йиллар ўтиш даври бўлди. Мамлакатда бошлиб юборилган жараёнларни уруш (1941-1945 йиллар) узиб қўйди.

Урушдан кейин шаҳарларни тиклаш, қуриш ва реконструкция қилиш туманни режалаш ва схемалар ишлаб чиқиш улкан ҳажмдаги лойиха-режалаш ишларини илмий асослашни талаб қиласар эди. 50-йилларни биринчи ярмидаёқ бузилган шаҳарлар ва қишлоқларни урушдан сўнг янги меъморий кўринишини шакллантириш қисқа муддатда олиб борилди.

Феодализм даврида Марказий Осиёning меъморчилик ва шаҳарсозлиги

Олимларнинг сўнгги ўн йилликдаги изланишлари феодализм даврида Ўрта Осиё архитектураси ва шаҳарсозлиги юқори даражадалиги ҳақида ва у ўрта асрлардаги шарқ маданиятининг мухим марказларидан бири бўлгани ва унинг роли ҳақида гувоҳлик берувчи кўп ёдгорликларни очди.

Илк феодализм даври, тикланиш жамият хаётининг ўрта асрлар тарзи ғалаба қилгунча характерланади ва 10 асргача чўзилди. Ўрта Осиё тарихида сўнгги минг йиллар давомида феодал муносабатлар хукмонлик қилиши 16-17 юз йилликни ўз ичига олган. Феодал давр охири ишлаб чиқариш кучларининг ва мамлакат иқтисодиётининг пасайиши, доимий хонликлар ўртасида низо, келишмовчиликлар билан характерланади.

Илк феодал боғ-уйларига (усадбы) Хоразмдаги Яккапарсанг уйини мисол қилишимиз мумкин. Бино атрофидан девор кўтарилилган, учта

концентрик жойлашган квадрат ташкил этувчи, бинога яқин девор минора билан кучайтирилган.

Феодал муносабатлар ривожланиши билан эски шаҳарлар ўзгариб янги турдагилари юзага келади. Одатда режада тўғри бурчакли, тўғри жойлашган кварталлар билан қулдорлик давридаги шаҳарлардан фарқли равишда илк феодал шаҳарлар ҳимоя девори билан ўралган, ички фазоси тарқоқ, 2-3 қаватли массив бинолар билан қурилган бўлиб, бой оиласлар алоҳида уйларда истиқомат қилганлар.

Илк феодализм даврида хом ғиштдан қурилишларда фойдаланилган. Монументал қурилишларда ғишт билан бир қаторда пахса деворлар билан қуюқ (кўлга ёпишмас даражадаги) лойдан фойдаланилган, йирик блок қилиб қирқиладиган деворлар (70-80 см баландликда керакли баландликкача бир неча қатор, хар қатори озроқ қуритиб, устма-уст урилади) кўтарилади.

Бу даврдаги архитектура ёдгорликлари кам сақланиб қолинган, аммо улар 9-10 юз йилликдаги Ўрта Осиё архитектурасининг юқори даражадалигидан гувоҳлик беради. Турли хил усулдаги аркасимон теришлардан кейин гумбазли ёпмалар ва улар боғлиқ конструкциялар аркали трамплар ривож топади. Бу давр қурилиш техникаси ривожидан Қадимий Термиздаги IX асрда қурилган шаҳар ташқарисидаги сарой ёки катта Қирққиз карvonсаройи гувоҳлик беради.

Тадқиқотчиларни викрича исломнинг биринчи асрларидаёқ Ўрта Осиё бунёдкорлари гумбазли мачитларни қура бошладилар. Бунга мисол қилиб, Бухорода сақланиб қолган, IX-X асрлардаги энг ажойиб бунёдкорлик намунаси Сомонийлар мақбарасини келтиришимиз мумкин.

Сомонийлар инқизози Ўрта Осиёда турк сулолалари Қорахонийлар ва Салжуқийлар билан янги катта давлатлар яратишга олиб келди. Ижтимоий – иқтисодий муносабатлар ривожланиши шаҳарлар кенгайиши, маданият ўсиши билан бирга кузатилди. Катта меъморий қурилишлар, қурилиш билан машғул бўлиб, ўзининг шогирдлик тизимига эга бўлган хунармандлар устахоналари (цех) пайдо бўлишига олиб келди. XI–XII асрлар бунёдкорлиги ривожланиши келгусида свод ва гумбазлар конструкциясини ривожлантириш билан боғлиқ бўлиб, ҳамма жойда пишган ғишт қўлланилган.

Бу вақт меъморчилигига феодализмнинг келгуси даврларига бутунлай характерли бўлган монументал қурилишлар турлари тўпланади. Тураг жой уйлари, аҳоли ва эътиқодий иншоотлар қурилишлари жадал олиб борилган.

Шаҳарларни ўсиши, шаҳар аҳолисининг кўпайиши, ички ва ташқи халқаро савдонинг кенгайиши карvon йўллари бўйлаб кўп сонли карvonсаройларни қурилишига сабаб бўлди.

Аммо мўғилларнинг истилоси (завоевание) вақтинча ўлка (регион) халқларининг киритаётган маданият ва санъатдаги ривожланишини тўхтатди, XIII асрдан бошлаб деярли юз йил Ўрта Осиё Чингизхон ўрдаси истилочисига чидаб келди. Фақат XIV аср биринчи ярмида босқичма—босқич бузилган ёқилган шаҳарлар ва қишлоқларда қайта уйғониш бошланди, яна хунармандчилик ва савдолар ривожлана бошлади, бу эса меъморий—курилиш фаолиятининг кўтарилишига имконият берди.

14-юз йилликнинг 70-йилларида Ўрта Осиё, Темурнинг улкан империяси маркази бўлди. Темур шаҳарлари архитектуруси – унинг жамияти турмушини амалга ошган қўриниши: қалъалар мустахкамлиги – бу давлат қудрати, саройлар – хокимият эгаларининг ярқираши, исломнинг маросимиий бинолари—мусулмон ғоясининг тантанаси, бозор қурилишлари—хунармандчилик ва савдонинг роли (аҳамияти, ўрни), зич тураг-жой – турмуш қурилишлари – бу мураккаб шаҳар хаёти маҳсули ва кони бўлган.

XIV – XV асрларда меъморчилиқда сезиларли бадиий ютуқлар намоён бўлди. Темур забт этган Эрон, Озарбайжон, Афғонистон ва бошқа вилоятлардан келтирилган усталар билан бирга ишланган. Биринчи маротаба кенг миқёсда йирик ва мураккаб ансамбллар қурилиши бошланиб кетди, улар шаҳарларнинг меъморий марказлари бўлиб қолди. Ижодкорларнинг ансамбл устида ишлаши кўп янгиликлар киритди, композицион фикрларга, анъанавий меъморий шакллар ва усулларни фикрлаб кўришга мажбур этди. Монументал меъморий асарларда, ҳали анча масофаданоқ ўзининг декоратив хушсуръатлигини лол қолдирувчи ранго-ранглиги, нақшлар жойлашувидағи маълум тизимнинг аниқ намоён бўлиши билан ажралиб турди. Безакларни бойлиги пилонларда ва порталлар аркаларида ва бино интерьерларида яқиндан қўриниб турди.

XIV – XV асрларда Марказий Осиё меъморчилигига энг мукаммал меъморий-қурилиш ва декоратив шакллар яратилган эди.

Ўрта Осиёда шаҳарсозликнинг гуллаб яшнаши XV аср давомида асосан Амир Темурнинг невараси машхур Улуғбек хукмронлик қилган даврда давом этди.

Амир Темур ва Улуғбек даврида яратилган энг аҳамиятли бинолар орасида – Темурийлар авлоди мақбараси Дорус–Сиадат ва Оқ–Сарой Шахрисабзда ва Самарқанддаги Биби Хоним, Гўри Амир ва катта қурилишлар қисми Шоҳи–Зинда, Улуғбек мадрасалари алоҳида ажралиб турди. Темурийлар даврида боғ-парк санъати катта ривожланишга эришди, унда кўкаламзорлар, сув ва меъморчилик мутаносиблиқда бўлган.

XVI-XVIII асрларда меъморий-қурилиш фаолияти йирик шаҳарлар—Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва бошқа шаҳарларга қаратилди. Келгусида

туар-жой турлари, саройлар, бозорлар ва карвон – сарой ва ҳоказолар ривож олди. Ўрта Осиёнинг XVI-XVII асрлардаги яхши сақланиб қолган дунёга машхур ансамбллари: Самарқанддаги Регистон, Бухородаги Калон майдонидаги минораи Калон ва Лаби Ҳовуз, Қўш мадрасаси, Улуғбек мадрасаси ва Абдулазизхон мадрасалари ва бошқалар бўлди.

XVIII аср ўрталарида Хива ўзига хос қўриқхона шаҳар бўлиб қолди. Бу шаҳарнинг меъморий ёдгорликлари орасида Тошҳовли (1830-1838 йиллар), Мухаммад Аминхон мадрасаси (1851-1855 йиллар), Калта – Минор минораси (1855 йил) ажралиб туради.

XIX-XX аср бошларидағи ўзбек халқи яшаш жойлари архитектураси қизиқарлидир. Унда кўп асрлардан буён мураккаб табиий-иклимий шароитларда ишлаб топилган Ўзбекистоннинг алоҳида шаҳарлари ва туманларининг ўзига хос аниқ хусусиятлари акс этган халқ тажрибаси амалга оширилган.

Хива уйларида қулай микроиклим яратишга шамолга очилган кўтарилигани айвон (терасса) улуғ-айвон имконият беради. Фарғона уйлари учун суриладиган деворлар ва қўйилмалар (ставни) безакли девордаги тахмон–токчалар (ниши) ганч ўймакорлиги ва шифтга ранг бўёқда нақшинкор чизмалар характерли (урф) бўлган.

Ўзбекистон халқи турар жойи интерьери жуда оддий, аммо ундаги хамма нарса самарали ва ўзига хос бўлган. Халқ усталари авлоддан – авлодга ўзларининг билимлари ва тажрибаларини авайлаб бердилар, XIXаср Ўзбекистон меъморчилигига Европача доимий шаҳарсозлик принципларини жорий эта бошладилар. Янги турдаги бинолар – банклар, мактаблар, гимназиялар, ўқув юртлари, универсал магазинлар ва ҳоказолар пайдо бўлди. Асосан пишган фиштдан қалин деворли ва контрафорсли (тиргак устунли) ер кимиirlашда мустахкам турғунликни таъминлаган конструкциялар фойдаланила бошлади.

Фуқаро бинолари ҳақида умумий тушунчалар.

Бино билан иншоот ўртасидаги фарқ шундаки: иншоотда хоналар бўлмайди ва улар асосан техник мақсадларда қурилади. Масалан: (кўприклар, плотиналар, денгиз ва дарё қирғоқлари, домна печлари ва ҳоказо). Энди биноларга келсак, улар хар бири алоҳида ўзининг конструктив элементига эгадир, Уларга фундаментлар, деворлар, устунлар, ораёпмалар, деразалар, эшиклар, зиналар, томлар кирадилар. Ҳоналар ҳақида қисқача тушунтириб берилади.

2. Бинолар классификацияси, бинолар ва уларнинг элементларига қўйиладиган талаблар.

Бинолар ўз вазифалариға қараб асосан уч турға бўлинади:

- 1. Фуқаро бинолари**
- 2. Ишлаб чиқарувчи бинолар**
- 3. Қишлоқ - хўжалик бинолари.**

Ўз навбатида фуқаро бинолари иккита асосий турларга бўлинади, булар: туар жой бинолари (яъни: кўп қаватли хонадон уйлари, кам қаватли хонадонлар, ётоқхоналар ва меҳмонхоналар) ва жамоат бинолари (яъни: администрациялар, боғчалар, мактаблар, театр, кинотерлар, савдо бинолари, касалхоналар ва х.к. Ишлаб чиқарувчи биноларга (заводлар, фабрикалар, цехлар ва х.к) шулар жумласидандир.

- Қишлоқ-хўжалик бинолариға асосан қуйидагилар киради: 1. молхоналар, қўйхоналар, чўчқаҳоналар, отхоналар, товуқхоналар, ем ишлаб чиқарувчи цехлар, ва ошхоналар, иссиқхоналар, дон сақланувчи омборлар, дехқончилик маҳсулотлари сақланадиган омборлар, қишлоқ-хўжалик машиналарини сақловчи ва таъмир қилувчи жамланмалар шулар жумласидандир.

- Бундан ташқари бинолар ўзларининг деворларига ишлатиладиган ашёларга қараб қуйидагиларга бўлинади: ғиштдан, бетондан, темир бетондан, ёғочдан, лойдан (пахса, гувала, хомғиши ва бошқалардир.) Яна курилиш ашёларининг катта-кичиклигига қараб, улар бир неча турға бўлинади. Масалан: майда элементлардан, йирик блоклардан, йирик панеллардан, яна моналит бетондан, йиғма темирбетонлардан иборат. Юқорида келтирилганларга алоҳида таъриф бериб чиқилади.

- Қаватлар бўйича фуқаро бинолари қуйидагиларга бўлинади: Паст қаватли бинолар (3- қаватгача), кўп қаватли бинолар (5-8 қаватгача), баланд қаватли бинолар (9-25 ва ундан юқори). Қават одатда бино атрофидаги тратуардан паст бўлмаган ҳолда ҳисобланади. Ундан пасти "цокольный" (ярим подвал) ва подвал деб ҳисобланади.⁴

Биноларга қўйиладиган талаблар

Хар бир бино унинг олдига қўйиладиган бир қатор талабларга жавоб бериши керак: Вазифаси жиҳатидан, мақсадга мувофиқлиги, мустаҳкамлиги, пишиқлиги, ёнғинга нисбатан ҳавфсизлиги, узоқ вақтга чидамлилиги, унинг архитектуравий композицион ечими ва бошқалар. Шу билан бирга унинг географик ҳолати, иқлими, зилзилага нисбатан чидамлилиги, санитар-гигиеник ҳолатга жавоб бериши шулар жумласидандир. Биноларга

⁴ Убайдуллаев Х.М., Абдурахманов Ю.И., Сейтмаматов М.Б. "Жамоат бинолари типологияси", Дарслик, Тошкент. 2002.

қўйиладиган асосий талаб бу одамларга юқори даражадаги қулайликни яратишдир.

Бинонинг ёнғинга чидамлилиги

Бинонинг ёнғинга чидамлилик даражаси унинг ўзидағи қурилиш материалларининг ёниш даражасига боғлиқдир.

Курилиш конструкциялари ёнғинга чидамлилик даражаси бўйича учта асосий турга бўлинади:

1. Ёнмайдиган конструкциялар қуидагилардан иборат - ғиштли деворлар, темирбетон ораёпмалар, фундаментлар шулар жумласидандир.
2. Қийин ёнувчи конструкциялар қуидагилардан иборат: фибролитлик юпқа деворлар, гипс картонлар, азбез материаллар ва бошқалар.
3. Ёнувчи конструкцияларга қуидагилар киради: Ёғоч ва ундан тайёрланган ашёлардан тайёрланган конструкциялар.

Ғишт деворнинг ёнғинга чидамлилиги чегараси беш ярим соат, химояланмаган темир конструкцияларнинг ёнғинга чидамлилиги ўн беш минут. Ёғинга чидамлилиги бўйича бинолар 5 та даражага бўлинади.

I, II, III даражага эга бўлган бинолар ғишт, бетон, темир бетон деворлардир. IV даражадагилар икки томондан сувалган ёғоч деворлар. V даражадагилар факат ёғоч деворлар.

Бинонинг чидамлилиги ундаги конструкцияларнинг узоққа чидамлилигига боғлиқ.

Курилиш нормалари буйича бинонинг узоққа чидамлилиги асосан учта даражага бўлинган: I даражага камида 100 йил, II даражага камида 50 йил, III даражага камида 20 йил.

Фуқаро биноларининг хизмат килиш даражаси унинг ичидаги хоналарига, уларнинг мажмуасига, майдонига, сувоқ сифатларига, инженерлик ускуналарига ва бошқаларга боғлиқ.

Шунинг билан бирга бинонинг ташқи деворлари об-ҳавонинг иссиқ-совуғига, ёғингарчиликка чидамли бўлмоғи лозим.

Талабларни умумлаштириб айтганда биноларнинг узоққа ва ёнғинга чидамлилиги бўйича тўрт классга бўлинади: I класс юқори чидамлиликка эга бўлган бинолар IV чидамлилиги жуда паст бинолар.

Курилишда индустрлаштириш, бир хиллаштириш, стандартлаштириш тушунчалари бор. Курилишда индустрлаштириш деганда биз асосан катта ўлчамли элементларни яни заводда тайёр ҳолга келтирилган элементларни ийғиб бинони тайёр ҳолга келтиришга айтилади.

Бундай ҳолат қурилиш майдонини монтаж майдонига айлантиради. Бу эса ўз навбатида ишчи кучини камайтиришга ва оғир қўл меҳнатидан кишиларни кутқаришга олиб келади.

Бирхиллаштириш "тиปизация" дан асосий мақсад, қурилишда ишлатиладиган хар хил конструкциялар ва кўп ишлатиладиган конструктив қисмларни лойиҳалар ва чизмаларни энг яхши тарафларини хисобга олиб кўп марта ишлатиш мумкин бўлишидир.

Стандартлаштиришда қурилишда кўп ишлатиладиган хар хил конструкциялар ва конструктив деталларни стандартлаштиради. Яъни стандартлаштирилгандан сўнг бу конструкциялар албатта заводга тайёрлашга ва қурилишда ишлатишга мажбурият пайдо бўлади. Стандартлаштирилган элементлар давлат назоратида бўлади, яъни ГОСТдан ўтади. ГОСТ бўйича бинонинг тархлари ва ўлчамлари қуйидагича бўлиши керак. Яъни тархдаги деворлар, юпка деворлар қалин яъни 1 мм қалинликдаги чизик билан чизилиши керак, Эшиклар, деразалар, зиналар умуман қирқимга тушмайдиган чизиклар 0,3 мм қалинликда чизилиши керак ва ўлчам чизиклари, ўқ чизиклар ва бошқа ёрдамчи чизиклар 0,1 - 0,2 мм қилиб чизилиши керак. Одатда ўлчам чизиклари учтадан иборат бўлади: Биринчи ўлчам чизифи бино тархидаги барча ўлчамлар яъни, деворларнинг яқинлиги, эшик-деразалар, девордан эшик-деразаларгача ва улардан деворларгача ва бошқа деталларнинг ҳаммаси ҳисобга олинган ҳолда чизилади, ўлчовлари ёзилади, иккинчи ўлчам чизигида факат ўқ чизигидан ўқ чизикгача бўлган ўлчамлар чизилади ва ўлчовлари қўйилади, учинчи ўлчов чизигида эса бинонинг бошидан охиригacha бўлган ўлчов чизилади ва ўлчами ёзилади ва охири хар бир ўқ; чизикқа алоҳида кичик доира чизилади ва унга унинг номлари ёки харфи ёзилади.

Туаржой бинолари ва уларнинг турлари

Ҳаммамизга маълумки, туаржой биноларининг энг кўп тарқалган хиллари бу секцияли, кўп қаватли ва бир - икки қаватли туаржой биноларидир.

Секцияли туаржой бинолари

Секцияли уйлар шундай уйларки, уларда бир гуруҳ квартиralардан иборат секциялар бир зина атрофига жойлаштирилган бўлади ва улар хар қаватда бир хил қайтарилади. Одатда хар бир қаватда 3-4 квартира жаойлаштирилган бўлади.

Бир — икки қаватли шахсий туаржой бинолари

Бундай уйлар одатда уй эгасининг ҳохишига қараб 3-4 гоҳ_о 5-10 хоналардан иборат бўлиб, 8, 6 ёки 4 "сотих" майдонга қурилади.

Квартиralар ва улардаги хоналар мажмуаси

Квартиralар, улар ҳоҳ кўп қаватли секцияли, ҳоҳ шахсий бир-икки қаватли бўлишидан қатъий назар улардаги хоналар қуйидагилардан иборат

бўлади: Умумий хона, меҳмонхона, ётоқхона, болалар ётоғи. ошхона, овқатланиш хонаси. айвон ёки балкон, кабинет, ванна хонаси, ҳожатхона шулар жумласидандир.

Фуқаро биноларининг конструктив элементлари

Асослар ва пойдеворлар

Табиий асослар

Асос деб биз пойдевор остида жойлашган ерни айтамиз, Ўзидан юқорида турган юк оғирлигини кўтаришга мажбур ва бу унга қўшимча сиқилишга ишлашга ва "деформация" га чидашига олиб келади. Одатда бинолар табиий ёки сунъий асосга ўтказилади. Табиий асос деганда ернинг табиий ҳолда яхши сақланиб турганлигига айтилади. Агар табиий асоснинг мустаҳкамлиги етарли бўлмаса, сунъий асосларга мурожаат қилинади. Яъни уни сунъий йўл билан мустаҳкамланади. Табиий асос деб ҳисобланган ерларни тўрт тuri бўлиб улар қўйидагилардир:

1. Қоятошли асослар.
2. Йифма бўлакчалардан иборат асослар
3. Қумли асослар
4. Тупроқли асослар

1. Қоятошли асослар, булар (гранитлар, кварцлар, қумтошлар) катта майдонни эгалловчи, сувга чидамли, эзилмайди. Агар ёриғи, катта тешиги бўлмаса у асослар ичida энг мустаҳками ҳисобланади.

2. Йирик бўлакчалардан иборат асослар, булар бир-бирига боғлик; йирик бўлмаган майда тош бўлаклари бўлиб, уларнинг ўлчами 2 мм дан катта бўлмайди.

3. Қумли асослар асосан майда 1,5 мм гача бўлган юмaloқ шакли заррачалардан иборат асослардир.

4. Тупроқли асослар, булар боғловчи асослар бўлиб, уларнинг заррачалари 0,005 ммдан катта бўлмайди. Улар жуда юмшоқ бўлиб қуриётганда кичрайдилар ва намланганда катталашадилар. Тупроқ қуруқ ҳолда жуда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қиласди.

Сунъий асослар

Бундай асосларни одатда юмшоқ ва бўш асосларни мустаҳкамлаш ҳисобига ёки бўлмаса юмшоқ асосларни олиб ташлаб, ўрнига сунъий асосларни қўйиш ҳисобига қилинади.

Юмшоқ ерларни одатда шиббалаб қаттиқланади, яъни шиббаланади. Ёки оғирлиги 10т бўлган юмaloқ хажмларни юмалатиш ҳисобига шиббаланади. Бундан бошқа усуллари ҳам мавжуд.

Пойдеворлар

Албатта пойдеворлар жуда мустаҳкам бўлиши керак ва узоққа чидашлари керак. Ишлатилаётган материалларига караб пойдеворларни қуидагиларга ажратадилар: йирик тошлардан (бутовые), йирик тош ва бетонли (бутобетонные) ва темир бетонли. Характери бўйича улар икки хил бўладилар, яъни: Қаттиқ, пойдеворлар, улар сиқилишга ишлайдилар ва эгилувчан - эгилишга ишлайдилар. Қаттиқ пойдеворларни асосан табиий ва қирралироқ тошлардан (бутовый) ёки ғишт ва бетондан ҳамда бетоннинг ўзидан тайёрлайдилар. Эгилишга ишлайдиган пойдеворлар темир бетондан тайёрланади. Конструктив жихатдан пойдеворлар 4 - хил бўлади булар:

1. Узун ёки "Ленточный" пойдеворлар
2. Устунли пойдеворлар
3. Бир текис "сплошной" пойдеворлар
4. Қозик "свайный" пойдеворлар

Узун ёки "Ленточный" пойдеворлар узилмаган, узун деворлар кўринишини эслатади. Устунли пойдеворлар алоҳида устунни эслатувчи пойдеворлар бўлиб, улар асосан алоҳида темир бетон устунлар, темир ёки ғишт устунлар тагига ташланади. Бир текис пойдеворлар бинонинг умумий майдони остига кўйилади. Қозик пойдеворлар асосан асос бўш ёки нам бўлган "изза" ёки ботқоқ, ахлатли жойларга қошиш йўли билан ўрнатилади.

Хар қайси пойдеворнинг чуқурлиги қандай бўлиши "Давлат нормативларида яъни СНИП" ларда кўрсатилган.

Пойдеворларни ва ертулаларни захдан, намдан ва сувдан муҳофаза қилиш (Гидроизоляция)

Одатда пойдеворлар табиий асосларга ўрнатилганда намланадилар. Улар табиий қор ва ёмғирдан сўнг шимилган нам ҳисобига намланадилар ва кучсизланадилар, шунинг ҳисобига пойдевор устидаги деворлар шурланади. Бундай ҳолларда пойдеворлардан деворга зах ўтмаслиги учун, зах ўтказмайдиган материаллардан фойдаланилади. Яъни пойдевор устига икки қават қилиб "толь" қофоз ёки бўлмаса қуюқ қилиб сақич суртилади. Шундан сўнг девор уриш бошланади. Нам ўтказмайдиган қаватни тротуардан камида 150-250 мм юқоридан қўйиш тавсия қилинади.

Деворлар ва устунлар Умумий тушунчалар

Деворлар асосан юк кўтарувчи ва тўсувчи хизматини ўтайди. Бинонинг ҳамма деворлари шу бино умумий нархининг 25-30% ташкил этади. Албатта деворлар мустаҳкам, бақувват бўлиши ва иссиқни сақловчи, овоз ўтказмайдиган бўлиши керак.

Майда блоклар ва ғиштдан қурилган деворлар

Ғишт деворларни одатда, ғиштларни горизонтал ҳолатда орасига қоришка солиши орқали ва чокларини чалиштириш орқали терилади. Монолит деворлар эса қурилиш жойларини ўзидагина опалубкага бетон қориши масини суюқ қилиб қувиш орқали амалга оширилади.

Деворлар қуийдаги архитектуравий Конструктив элементлардан иборат:

1. "Цоколь" деворнинг энг қуи қисми, айнан пойдевор устига жойлашган.
2. "Проём" деворда дераза ва эшиклар учун қолдирилган бўшлиқлар.
3. "Перемычка" дераза ва эшиклар устидаги юк кўтариб турувчи конструкция.
4. "Простенки" дераза ва эшиклар орасидаги девор қисмлари.
5. "Карниз" деворнинг энг тепасида, тугалловчи ва бўртиб турувчи элемент.
6. "Конрофорс" деворнинг вертикал ҳолда бўртиб турувчи қисми.
7. "Парапет" унча баланд бўлмаган, томнинг атрофини ўраб турувчи девор.
8. "Пилястра" деворнинг ингичка вертикал ҳолатдаги бўртиб турувчи қисми бўлиб, баланд деворларни мустаҳкамлигини кучайтиради.

Девор учун энг кўп тарқалган қурилиш материали бу тупроқдан лой қилиб, шу лойдан ясалган ва пиширилган ғишт бўлиб, унинг ўлчами 250x120x65 мм .

Ғишт терилган деворларнинг қалинлиги: 1; 1.5; 2; 2,5; 3 ғишт бўлиши мумкин. 10 мм қалинликда солинган қоришка орқали терилган деворнинг қалинлиги 1-250 мм, 1,5-380 мм, 2-510мм, 2,5-640 мм, 3-770 мм бўлади. Горизонтал ҳолдаги ғиштлар орасини 12мм олинса 13 қатор терилган деворнинг баландлиги 1м бўлади.

Устунлар

Қурилишда уч хил устунлардан фойдаланилади.

1. Ғишт устунлар, уларнинг қалинлиги 380x380 мм. Юк оғир бўлса 510x80 мм.
2. Темир бетон устунлар, уларнинг қалинлиги 380x380 мм.
3. Темир устунларнинг қалинлиги бинонинг ўзига қараб танланади.

Ораёпма ва поллар.

Умумий тушунчалар. Ораёпмалар асосан пол ва шифтдан таркиб топган, юк кўтарувчи ва ўз оғирлигини деворларга берувчи конструкциялардир. Ораёпмаларнинг нархи бино умумий нархининг 20%ни ташкил киласи.

Хозирда катта қурилишларда. кўп қаватли биноларда албатта кўп бўшлиқлик темир бетон "плиталар" ишлатилади.

Ўзбекистон иқлим шароитида фуқароларнинг шахсий уйларида асосан ёғоч тўсинли ораёпмалар ишлатилгани мақул.

Темир бетонли ораёпмалар

Бундай ораёпмалар ўзининг қатор афзалликларига эга бўлиб, уларнинг энг асосийси унинг мустаҳкамлиги, узоққа ва ёнғинга чидамлилигидир, Йиғма темир бетон ораёпмалар учта асосий гурухга бўлинади:

1. "Плита" (настил)
2. "Крупнопанельный"
3. "Балочный"

"Настиллар" билан бутун бошли хоналарни ёпиш мумкин. Энг кўп тарқалган "плита"лардан бири бу кўп бўшликли плитадир. Унинг ўлчами узунлигига қараб хар-хил бўлади. 4 метрлик плитанинг қалинлиги 160 мм, 4 метрдан узун плиталарнинг қалинлиги 220 мм. Бундай плиталарнинг думалоқ шаклга эга бўлган бўшликлари бор.

Поллар

Полларни одатда тўғридан - тўғри ораёпма устидан ва яна ерни устидан, масалан, ертўлаларда, биринчи қаватда, ҳаммомларда ва шунга ўхшаш жойларда жойлаштирадилар. Полларнинг нархи бутун бино нархининг 6-10% ни ташкил қиласди.

Полларни ерга ётқизилаётганда, олдин бир қават бетон ёки цемент қоришма ётқизилади. Полларни ораёпмага ўрнатилаётганда унга цемент бетон қоришмали қават ётқизилиши шарт эмас. Фақат пол ётқизишдан олдин овоз қайтарувчи қават ва иссиқ ва нам ўтказмайдиган қаватлар жойлаштирилади.

Хоналарнинг нимага мўлжалланганлигига қараб, поллар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1. Бақувват ва чидамлилиги бўлиши керак, яъни хар-хил механик таъсирларга қаршилик кўрсата олиши керак.
2. Оғирликларга эгилиб кетиши керак эмас, уни устида юрганда овоз чиқармаслиги керак:

Фуқаро биноларида асосан икки хил пол қўлланилади булар: "Монолит" (яхлит) поллар ва донали поллар, айрим холларда рулонли поллар ҳам ишлатилади.

"Монолит" (яхлит) полларга қуйидагилар киради:

- 1) цементли поллар
- 2) терракияли поллар
- 3) асфальт поллар
- 4) ксилолит поллар
- 5) мастик - қўйма поллар

Цемент поллар одатда цемент қоришимасидан бетонли асос устига 1:2, 1:3 микёсда қуйилади. Террацияли полни аввал 1 қават 20-25 мм ли цементли қоришка билан, 2- қаватда эса яна цементли қоришка мармар увоғи билан 20-25 мм қалинликда қуйилади. Ксилолитли полларни қуйидагиларнинг ийғиндисидан қилинади:

- 1) кадетк магнезит
- 2) хлор магнийнинг сувдаги қориши
- 3) ёғочнинг майдо қипиклари

Бундай поллар одатда 2 қават бўлиб, уларнинг умумий қалинлиги 25 мм. Пастки қават кўпроқ ғовакли бўлиб, 16 мм , тепа қават зичроқ бўлиб, 9мм ни ташкил қиласди.

Мастикли қўйма поллар суюқ дастали айразол усулида сепиш йўли билан бир ёки икки қаватли қилиб ёпилади. (2 дан 4,5 мм гача)

Доналик полларга қуйидагилар киради:

- 1) плиталик
- 2) тахталик
- 3) паркетлик
- 4) қипикли (ДСП)
- 5) таркетлик
- 6) ва бошқалар

Плитали поллар учун 10 ва 13 мм лик сопол плиталар тайёрланади. Бундай поллар бетон асосли жойга цементли қоришка билан қилинади. Қоришка 1:3 қилиб, 10-15 мм қалинликда сурилиб устидан плиталар ётқизилади. Ҳозирда бундай плиталарнинг хар-хил ўлчамдаги хиллари кўп Тахта полларни одатда икки хил усулда коқадилар. Биринчисида тахтани тўсинлар устидаги ётқизилганларга 29 мм лик икки ёнида ариқчаси бор тахталарни қоқиш йўли билан амалга оширилади. Иккинчисида эса пол икки қаватли қилиб қоқилади. Бу қуйидагича амалга оширилади. Биринчи қават қоралама пол деб аталади ва ва унга 25 мм лик рандаланмаган тахтани диагонал ҳолатда қоқилади, иккинчи қаватдагиси эса рандаланган икки ёнида ариқчаси бор тахтани бир-бирига сиқиб қоқилади.

Паркет поллар одатда тахта бўлаклари ва қолдиқларидан ясалади. Паркетларни бетон устига ёки тахтали асосга ҳам жойлаштирса бўлади. Охирги йилларда бир неча паркетни бирга плита қилинган ҳолда ишлаб чиқарилмоқда.

Юпқа деворлар.

Катта элементлардаи иборат юпқа деворлар.

Юпқа деворларнинг майдони уйнинг майдонидан 2 марта катта бўлади. Унинг нархи уйнинг нархининг 7-10% ташкил қилади.


Юпқа деворларнинг оғирлиги кам бўлиши керак, чунки унинг оғирлиги айнан ораёпмага тушади. Юпқа деворлар уч хил бўлади: хоналар орасидаги, квартиralар орасидаги, ванна ва хожатхоналар орасидаги. Хоналар орасидаги юпқа деворларга нисбатан квартиралар орасидаги юпқа деворларнинг қалинлиги қалинроқдир, сабаби уларда овоз утказмаслик қобилияти кучлидир. Ошхона ва ванна - хожатхоналар юпқа деворлари намга ва сувга чидамли бўлиши керак.

Томлар ва ёпқичлар


Томлар биноларни хар-хил табиий ҳолатлар (ёмғир, қор, шамол, қуёш) дан муҳофаза қилиш учун мўлжалланган. Ўз оғирлигини юк қўтарувчи деворларга берувчи ва томнинг оғирлигини қўтарувчи конструкциялар, ёғоч, бетон, темир бетондан иборатdir.

Томни ўраб турувчи кийим бу ёпқичлардир. Улар тунукадан, шифердан, черепицадан, руberoидлардан ва бошқа замонавий материаллардан иборат бўлади.


Томларни ёпишда олдинига оддий, кейинроқ эса мураккаб конструкциялар вужудга кела бошлади. Бундай мураккаб конструкцияларни амалга оширишда албатта математика, физика, геометрия фанлари катта ёрдам беради. Бунда том шаклларини ўзгариши қизиқарли, гўзал композицияларни пайдо қилибгина қолмай, балки материалларни улкан ҳусусияти ва имкониятларини кўрсатади.




Hyperbolical paraboloids may be used in a variety of combinations. Four identical paraboloids form a corner-supported roof covering a rectangular area, one of the most commonly used combinations of this surface.




Two hyperbolic paraboloids may be combined to form a north-light conoidal roof or a cantilevered shell. Four paraboloids supported on a central column form an umbrella roof. When the angle between the two planes of its two translating parabolas is not a right angle, the hyperbolic paraboloid is called skew, and may be used to cover nonrectangular areas.



The elementary, geometrically defined surfaces of the previous section may be combined in any number of ways to obtain more complex surfaces. Two cylindrical shells may be intersected at right angles to cover a square or a rectangular area.




Parallel cylinders with curvatures alternately upward and downward create an undulated roof similar to a folded plate.




Scalloped ringed roofs may be obtained by joining sectors of cones with curvature alternately upward and downward.




Moreover, any of the elementary forms may be scalloped to obtain more playful and, at times, more efficient structural shells. An ellipsoid may be scalloped to give it curvature towards the supported edge.



A parabolic cylinder may be undulated to transform it into a surface with curvatures in two directions rather than in one, thus stiffening it.



Spherical domes may be undulated for the same purpose.



The structural efficiency of plates can be increased by stiffening them with ribs , thus removing some of the material from the neighborhood of the unstressed neutral plane of the plate. The same result may also be achieved by folding the plate. A sheet of paper, held along one side, cannot support its own weight, because its minute thickness does not give a sufficient lever arm to the bending stresses. A. Folding the paper sheet brings the material of the cross-section away from its "middle plane" and increases the lever arm of the folded strips. B. In fact, two plates at an angle are equivalent to a rectangular cross-section beam with a depth equal to the depth of the plates, and a width equal to the combined horizontal width of the two plates.C.⁵

Бундан қўриниб турибдики, ҳар қандай мураккаб шакллар асосида оддийлик ётади. Ўша оддийликни тушунмай туриб, ҳеч қандай мураккаб шакллар ва композицияларни яратиш, ҳамда уни ислоҳ қилиб бўлмайди.

Зиналар
Зиналар хақида умумий тушунчалар.

⁵ Salvadori and Heller “Structure in Architecture” New Jersey

Зиналар шу зинадан чиқаётган инсонларнинг бир қаватдан иккинчи қаватга чиқаётгандаридан чарчаб қолмасликларига, зина хоналарнинг гигиеник ҳолатига ва ёнгин хавфсизлигига жавоб берни керак. Зинанинг асосий қисмлари бу - қия ҳолдаги поғоналардан иборат маршлари, уларни ушлаб турувчи тўсинлари (косоур) ва қўл ушлагичи бор бўлган панжара ва яна этажлар ва хар маршдан кейин қўйиладиган дам олиш майдончаларидир. Ўз вазифаси бўйича зиналар асосан уч хил бўлади. Булар:

- асосий зина
- ёнгин вақтида ишлатиладиган қўшимча зина
- авария вақтидаги зина

Асосий зина хар куни, инсонлар қаватлараро чиқишилари учун фойдаланилади. Ёнгин вақтидаги зиналар бинонинг шундай жойида бўлиши керакки, ундан ўт ўчириш ходимлари бинонинг хар бир қаватига бемалол чиқишилари мумкин бўлиши керак.

Авария вақтидаги зиналар ҳам бинонинг ташқи тарафида жойлашган бўлиши керак ва улар одамларни тезда "эвакуация" қилишга мос жойда бўлиши керак. Зинанинг қалинлиги асосан 1:2 бўлиши керак.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 майдаги "2016/2017 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги қарори. "Халқ сўзи" газетаси, 2016 йил 27 май, №103 (6538). Б. 1
2. Убайдуллаев Х.М., Абдурахманов Ю.И. Сейтмаматов М.Б. "Жамоат бинолари типологияси" Дарслик, Тошкент. 2002.
3. Тўйчиев Н.Ж. "Фуқаро ва саноат бинолари конструкциялари" Дарслик Тошкент.2006.
4. В. В. Ермолова "Инженерные конструкции" М. 1991 г.
5. Н.М. Убайдуллаев, М.М. Иногамов "Турар жой ва жамоат бинолар лойиҳалаш типологик асослари" Т. 2009 й.
6. Salvadori and Heller "Structure in Architecture" New Jersey
7. Herbert Kurth und Aribert Kutschmar "Baustilfibel" Berlin 1984

Қўшимча адабиётлар

8. Благовещенский Ф.А., Букина Е.Ф. "Архитектурные конструкции" Учебное пособие, Москва. 1985г.
9. Ермолова В.В. "Инженерные конструкции", Учеб. пособие, Москва. 1991 г.

10. Бюттнер О., Хампе Э. “Сооружение – несущая конструкция – несущая структура”, Учебное пособие, Москва. 1983 г.
11. Дыханичный Ю.А., Максименко В.А. “Сборный железобетонный унифицированный каркас”, Учебное пособие, Москва. 1983 г.
12. Бартонь Н.Э., Чернов И.Е. “Архитектурные конструкции” Учебное пособие, Москва. 1986 г.
13. Казбек З.А., Казиева М. “Архитектурные конструкции”. Учебное пособие, Москва. 1989 г.
14. Ренч Х. “История архитектуры”, Книга, Москва. 2003 г.
15. Шимко Т. “Архитектурно – дизайнерское проектирование”, Основы теории, Москва, 2004 г.
16. Уайт Э., Б. Робертсон. “Архитектура. Формы, конструкции, детали”, Учебное пособие, Москва, 2005 г.

Интернет ва ЗиёНет сайплари

e-mail-mail@vgik.info

www.pencil.hm.ru

artinst@mail.ru

www.msus.org

www.alobuild.ru

www.nopriz.ru

www.kurganmetiz.ru

www.books.totalarch.com

www.gk-drawing.ru

www.studme.org

www.miit.ru

I. Илк меъморлик

Режа

1.1 Илк меъморлик ҳақида тушунча

1.2 Иншоотлар конструкцияси ҳақида маълумот

1.3 Лойиҳалаш ҳақида умумий маълумотлар

Калит сўзлар: *Архитектура, конструктив, иншоот, неолит, полеолит.*

1.1 Илк меъморлик ҳақида тушунча

Қурилиш инсон фаолиятининг энг қадими турларига таалукли бўлиб, кўп минг йиллар олдин меъморчиликнинг келгусидаги ривожи учун асос қўйилган. Тарих даврини инсонлар турли хил ашёларни қўллаши сабабли, куйидаги даврларга бўлиб ўрганилади. Тош асли, Бронза асли, Темир аср.

Шу билан бирга уларни чегарасини аниқ белгилаш жуда қийин, чунки инсоният жамият ривожланиши доимо нотекис бўлиб келган.

Сақланиб қолган одам танасининг қолдиқлари, ер шарининг турли туман жойларида инсоният тарихининг турли даврларида турлича хаёт тарзи мавжуд бўлганидан дарак беради.

Кўпроқ булар ертўлаларда, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (СНГ) худудларининг турли регионларида қўп сонда топилган. Масалан: Украина чап қирғоғи, Днепр бассейни, Брянск, Воронеж, Иркутск туманлари, Марказий Осиё региони ва бошқалар. Худди шундай палеолит даври охирларида узунроқ ва ўлчамлари сезиларли катталашган турар жойлар мавжуд бўлган, худди овалсимон ертўлалар бир неча тўп ўчоқ билан бир – бирига тақаб қурилгандек. Палеолит сўнгида мавсумий туриладиган, яъни овчилар вақтингачалик турар – жойлари юзага келди. Ертўла, ярим ертўла ва ер усти яшаш жойларидан ташқари, йирик ҳайвонлар суюкларидан, вақтингачалик турар – жойлар ва чайлалар қурилди.

Неолитда “тош болта” деб аталадиган даврда уйлар, ярим ертўлалар, турар – жойларни, дараҳтдан, қамишдан ва лойдан қура бошладилар. Неолит даврининг энг ривожланган қурилиш тuri – қозикли қурилмалар – бинолар, ёғоч қозикларга таянувчи, яъни одатда кўл, дарё устида, ботқоқ жойларда қурилган. Бундай хил қурилишлар тарқалиши ҳимояланиш мақсадида бўлиб, сув ҳавзаларида балиқчилик соҳасини ривожланишига қулайлик яратди. Қозикли қурилмалар турли худудларда яратилган, масалан Марказий Европада, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги худудларида, бу эса жамоат уйи деб аталган. Яқин вақтларгача Америка ҳиндуларида (индейц) мавжуд бўлган бундай хилдаги яшаш жойи – “пуэбло” деб аталган.

Ер шарининг баъзи худудларида силлиқланган тош болталардан фойдаланилган. Ташқаридан кириб бўлмас берк туташган (замкнутые) турар – жойлар қурилган. Асосий қурилиш ашёси ёғоч бўлган. Таъкидлаб ўтиш керакки, катта турар – жойларда марказлашган режада бир неча майший қисмлар жойлашган бўлиб, улар марказида битта маросимхона бўлган. Кейинчалик эса алоҳида жойлашган маросим иншоотлари – алтарлар ва хоналар – эхромлар қурилган.

Шимолий Италияда ўзига хос хусусиятга эга яшаш жойлари топилган (тажминан эрамиздан аввали 1800й.) устунларда доира бўйлаб майдончалар қилинган, уларда хужралар жойлашган. Қишлоқ атрофида дараҳтли тўсиқ яратилган ва чуқур қазилган сув билан тўлдирилган.

Анатолида қадимий мустахкам аҳоли яшаш жойлари топилди, (Чатал Хюйзек, Мерсин, Хасилар). Фақат эрамиздан олдинги уч ярим минг

йилликдан бошлаб неолит маданияти Эгей вилоятларидан шимолий ва гарбий Европага табиий йўл билан тарқала бошлайди.

Меъморлик санъат сифатида кўрина бошланиши, қурилишда нафақат қурилиш қонунлари эмас, балки гўзаллик ҳам намоён бўла бошлади. Бронза даврида эрамиздан олдинги иккинчи минг йиллик ўрталарида амалда Европанинг барча ерларида (Хозирги Испания, шимолий Европа, Ирландия, Шотландия, Греция, Бельгия худудларида), Хитой, Корея, Ҳиндистондаги каби Ўртаер денгизи соҳилларида, Тунис, Мисрда ва бошқа кўп мамлакатларда жуда катта тошлардан – менгиrlар, дольменлар, кромлеҳлар, циклопик қалъа ва катта шахар – магалитик архитектура (грекча мегас – катта + литхос – тош) деб аталадиган монументал тош иншоотлар қад кўтарди. Бу иншоотларнинг вазифаси диний маросимлар ва хотиравий воқеалар билан боғлиқ бўлган. Менгиrlар – бу тик қўйилган, одатда ишлов берилмаган катта баландликка эга тошлар, маросимий ёдгорликлар ёки монументлар улар билан жамоат тадбир – маросимлари жойи белгиланаарди. Менгиrlар якка ёки гурух ҳолда қўйиларди, баъзи ҳолатларда узун қатор бўйлаб (Британияда менгиrlар “аллеяси”). Баъзида менгиrlар чўққиси бош тасвири билан тугайди. Менгиrlар хатто 20 метр баландликка ва 300 тонна оғирликка етган. Баъзан менгиrlар дольменлар билан биргаликда хамоҳанг ҳолда учрайди.

Дольмен одатда қўпол ишлов берилган горизонтал тош плитани ушлаб турувчи ёнма – ён турган икки ёки тўрт тик турган катта тошдан ташкил топади (Дания, Бретань). Дольменлар дастлаб катта бўлмаган ўлчамда бўлган – 2м атрофида узунлиги ва 1,5м баландлиги, кейинчалик уларга катта ўлчам бериб, баъзан уларга бориш йашлларини тош галереялар кўринишида қилинган. Улар шундай ўрнатилганки, узун йўлак кўринишидаги фазони ташкил этган. Долменлар кўпинча саркофаглар бўлиб, улуғ шахслар қабри ва шу билан бирга унинг устидаги ёдгорлик тоши сифатида хизмат қилган. Кромлеҳ, мегалит иншоотларнинг энг мураккаб тури, улар айлана бўйлаб жойлаштирилган тик тош устунлар ёки плиталар бўлиб, ўзъаро устига қўйилган харсанг тошлар билан туташган. Бундай хилдаги тенгсиз иншоот жанубий Англиядаги Солсбери яқинида Стоунхендж хисобланади, кўринишига қараганда эрамиздан олдинги иккинчи минг йиллик ўрталарида яратилган. Бу кромлеҳ, эҳтимол содда (примитив) эхром ёки театр бўлган. У катта 4 метрли ва 8 метрли тик қўйилган 30 метр диаметрли тошлар бўлиб, улар композиция марказини ташкил этган. Ичида катта бўлмаган тошлардан икки халқа, уларни Стоунхенджнинг устунлари ўраб турибди, бир неча концентрик доира хосил қилувчи: бири – катта бўлмаган менгиrdан, бошқаси, марказий – катта харсанг, жуфт – жуфт тош

блоклар билан ёпилган. Меъморий композиция маркази түғри бурчакли плита. Тош блоклар (харсанглар) хафсаласи билан тош қуролда ишлов берилган, бу ўша вақтдаги одамларнинг сезиларли даражада ривожланганлик даражасидан ва усталикларидан хабар беради, уларда фазовий композиция (жойлаштириш) хиссиёти мавжудлигини билдиради. Стaунхенджнинг вазифаси тўлиқ аниқланмаган. Эҳтимол ўрта қисми илоҳий хисоблангандир, марказий тош плита альтар бўлгандир. Ёдгорлик атрофида оммавий кўмилганлар топилган. Бу кромлехни астрономик мақсадларда фойдаланганлиги тўғрисидаги тахминларни юзага келтиради, композицияда маълум қонунларга риоя қилинган, астрономияга боғлиқ бўлган, кўпинча қадимий асрлардаги меъморчиликда учраган (Миср, Марказий Америка). Икки концентрик тош доиралар марказ атрофидаги илоҳий қисмдан олиб ўтувчи йўл хисобланади. Тахминларга кўра улар от мусобақалари ўтказиш учун мўлжалланган. Кесилган қурилмалар алоҳида эътиборга лойик (эрэмиздан олдинги иккинчи минг йиллик иккинчи ярми биринчи минг йиллик бошларида кенг тарқалган) хусусан – кўрғонлар, - меъмориал характердаги иншоот тури кенг тарқалган. Кесилган турар – жой уйлари улар образига ўхшаш эди. Кўрғонни кўтаришда аввал чуқурга бақувват дараҳт – хода солинади ёғоч поли билан, ичига эса қабр хонаси (камера) хонадан қути (яшик) жойлаштирилади. Баъзан икки камера оралиғи фазоси тош билан тўлдирилган. Камералар ходалар билан беркитилган, усти (береста – шоҳшабба) пўстлоқ билан қопланган. Сўнгра тупроқ солинган, кўрғон тепалигини бунёд этилган. Кесиб қилинган яшаш жойлари, кесилган ёғочдан қурилган ер усти қурилиши йўлидаги биринчи қадам бўлди, Болтиқ бўйи аҳолиси, фин ва турк қабилалариdek кенг тарқалган эди. Агар тош ва тупроқ лойли уйлар одатда режада доира шаклида қурилса, узун ходалардан горизонтал қўйилганда, кўп қиррали қурилма хосил бўларди, булар вақт ўтиши билан бир хонали уйга айланган. Ўртада ўчоқ жойлашган, тутун эса тепада жойлашган томдаги туйнукдан чиқкан. Кириш олдида кўпинча (передняя) айвон – дахлиз қилинган. Ўрта Европа қазилмаларида бундай уйларнинг фақат асослари топилган. Бундай турдаги қурилмалар натижада “Мегарон” деб аталган ва у юонон меъморчилигига ва шу билан бирга юонон эхромига асос бўлди.

Меъмориал ва маросимий қурилмалар қаторида дастлабки жамоавий ривожланиш даврининг охирларида, меъморий иншоотларнинг янги тури – тош ва ёғочли қалъалар юзага келди. Деворлари каттакон харсанг тошлардан терилган циклоник қалъалар деб аталадиган иншоотлар ўша даврда характерли бўлган. Тошлар камроқ лекин ўрмонга бой туманларда, аҳоли жойлашиши – (“городиша”) “шахарлар” деб аталиб, ходалар билан ўралган

экин майдонларига эга бўлган. Дастреб қалъалар бир ҳимоя деворига эга эди, кейинроқ қалъа ичида цитадел – қабила бошлиғи ва таниқли уруғлар яшайдиган жой бўлиб, атрофида иккинчи девор қад кўтарган. Бунга Темир даврида қурилган (эрмиздан олдинги биринчи минг йилликда) скиф давлатининг Неаполь Скифский шахри мисол бўлади.

1.2 Ишоотлар конструкцияси ҳақида маълумот

Устунли – тўсинли (ёки синчли), унда горизонтал элемент тўсин эгилишга ишлайди;

Гумбазсимон ва аркли конструкцияда материал сиқилишига қараб, юкланишни ва ўзининг оғирлигини юқори элементлардан қуий элементларга узатади;

Осма, бунда горизонтал элементлар чўзишишга ишлайди.

Ҳар бир тизимга ўзига хос материал ишлатилади.

Устунли – тўсинли тизимда ёғоч конструкциялар қўлланилган: эгилишга яхши ишлайдиган ёғоч тўсинлар 10м гача бўлган катта оралиқларга қўйилган. Бу тизим асосида Қадимги Грецияда З та асосий ордер вужудга келди. Булар ионик, дорий, коринф.

Кейинчалик вужудга келган гумбазли ва аркли конструкцияларда асосий материал тош бўлди, у сиқилишига яхши ишлаб, аммо букилишга ёмон ишлар эди, у фақат 3,5 м гача бўлган оралиқларни қоплашни таъминлар эди.

Аркнинг девор терилиши билан қўшилиши яримциркуль (архиволт) кўринишга эга ёки териш билан боғланиб кетади. Аркларнинг товонлари устунларга антамблемент (импост) орқали ёки устунларга таяниб, арк устунларини (аркадаларни) ҳосил қиласди. Арк тизимларининг бурчак таянчлари устун тирагичлар (контрафорслар) билан кучайтирилган. Арк тизими учун материал аввал тош, кейинчалик ғишт бўлган. Қадимда тошдан жуда катта оралиқка эга буюк аркали ва гумбазли бинолар барпо этилган эди. Масалан, Римдаги Пантеон гумбазининг диаметри 43,5м га teng. Темирбетоннинг қўлланилиши гумбазлар ва равоқларнинг барпо этилишини енгиллаштириди.

Юпқа деворли темир-бетон қобиқларнинг конструкциялари ва уларнинг бошқа турлари – бурма сиртлар (бурамалар) ишлаб чиқилган.

Архитектурага металл конструкциялар жорий қилингандан сўнг учинчи тизим – осма тизим қўлланила бошлади. Трослар тизими ёрдамида тортиб туриладиган ёки ушлаб (тутиб) туриладиган байтли қопламалар шакли бўйича турлича бўлиши мумкин.

Замонавий оммавий қурилишда катта оралиқларни ёпиш талаб этилмайди, шунинг учун асосан устун – тўсин тизимининг учта схемасидан фойдаланилади:

- кўтарувчи ташқи ва ички деворлари бўлган (бўйлама ва қўндаланг) синчсиз, бунда бўйлама деворлар, қўндаланг деворлар ёки ҳам бўйлама, ҳам қўндаланг деворлар кўтарувчи бўлиши мумкин;
- синчлари тўлиқ бўлмаган: ички синч ва ташқи деворлари кўтарувчи;
- синчли (тўлиқ синчли), яъни вертикал ўрнатилган устунлар ва уларга тирадиб турувчи тўсинлар (прогонлар)дан иборат бўлган алоҳида таянчлари кўтарувчи.

Конструкциянинг вертикал ва горизонтал элементларини биректириш бир элементнинг бошқасига нисбатан айланишига имкон бериши мумкин; бирекманинг геометрик шаклини ўзгартиришга имкон берувчи бундай биректириш шарнирли биректириш дейилади.

Агар горизонтал ва вертикал элементларнинг бирекмаси конструкциянинг мустахкамлигини орттириш мақсадида қимирамайдиган қилиб қотирилган бўлса, у ҳолда бундай биректириш бикир бирекма дейилади. Бу ҳолда тизим устун – тўсин тизимидан ромнинг бикр узеллари бўлган ромли тизимга, тўсин эса – ромнинг ригелли горизонтал элементига айланади. Конструкциянинг мустахкамлигига бикр текисликлар – бикирлик диафрагмаларини киритиш билан эришилади.

Устёпмалар плиталари ригелларига тирадиган ҳолда ригеллар (устёпма тўсинлари) билан биректирилган алоҳида таянч (устун)ларнинг қўйилиши катта масофадаги фазони ёпиш имконини бериб, уларнинг ичида парлеворларни, конструкция тўсиқларини суреб (жойини ўзгартириб) хоналарнинг ўлчамларини ўзгартириш мумкин бўлади. Шу тарзда мослашувчан режалаштириш тушунчаси – бинодан фойдаланиш жараёнида хоналарнинг жойлашишини ва ўлчамларини ўзгартириш имконияти пайдо бўлади.

Синчли бинолар замонавий қурилиш талабларига тўлиқ жавоб беради, синчсиз бинолар эса асосан турар – жой бинолари ва унча катта бўлмаган жамоат ҳамда саноат биноларида қўлланилади. Синчсиз бинолар ишончли ва оддий бўлиб, бироқ камчиликлари бор: устёпмаларнинг 6 м дан ошмайдиган чекланган узунлиги туфайли плиталар тирадиб туриши учун деворлар қуриш керак бўлади, шунинг учун бу схема бўйича катта ўлчамдаги бўш хонани лойихалаштириш мумкин бўлмайди.

Материалига боғлиқ ҳолда бинолар ғиштли, бетонли, темир-бетонли, ёғочли ва бошқа турларга бўлинади.

Донали элементлардан, йирик ўлчамли элементлардан (блокли ва панелли) йиғма, шунингдек монолит материаллардан қурилган бинолар фарқ қилинади.

Кўтариб турувчи деворлари бўлган биноларга материаллар ҳажми кўп сарфланади. Бундай конструкцияларни енгиллаштириш ва арzonлаштириш учун каркасли (синчли) – панелли бинолар қўлланилади, улар йиғма темир – бетон синчдан (устунлар, ригеллар, бикирлик деворлари), устёпмаларнинг темир – бетон панеллари, йиғма зинапоялар ва тўсувчи конструкциялар – керамзитбетон ёки кўп қатламли панеллардан иборат. Девор панеллари синчга осилади ёки улар ўзини – ўзи қўтарадиган бўлади.

1.3 Лойиҳалаш ҳақида умумий маълумотлар

Бино ва иншоотларни барпо этишдан, шунингдек аҳоли турар – жойларини қуришдан аввал лойиҳалаштириш босқичи–зарур чизмаларни, хисоб–китобларни бажариш ва ҳ.к.лар амалга оширилади. Қурилишни индустрялаштиришнинг замонавий шароитларида бино ва иншоотларни, ҳамда шаҳарларни лойиҳалаш, меъморнинг турли ихтисосликдаги лойиҳаловчилар жамоаси билан биргаликда амалга оширилади. Лойиҳалараро режалар ва қирқимлар, фасадлар, интеръерлар ишлаб чиқилади, мазкур иншоотнинг вазифасига, техник–иктисодий талабларига, худудий ва иқлим шароитларига мос келувчи қурилиш материаллари ва конструктив тизимларнинг қўлланилиши олдиндан белгилаб олинади.

Меъморлар ва муҳандисларнинг лойиҳада ифода этилган ғоялари, фикрлари қурилиш жараёнида амалга оширилади. Қурилиш усуллари ва услублари қурилиш саноатининг ижтимоий–иктисодий шароитлари ва ривожланишига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Лойиҳанинг сифати бинолар ва иншоотлардан фойдаланиш жараёнида намоён бўлади.

Янги ҳаётий талаблар янги кўринишдаги ва турдаги бинолар ва иншоотларни лойиҳалашда ва қуришда зарур эканлигини вужудга келтиради. Бунда турли синфлар, ижтимоий гурухлар, аҳолининг эҳтиёжлари жамиятда амалда бўлган ижтимоий – иктисодий қонунларга мувофиқ ва қурилиш техникасида эришилган даражага боғлиқ ҳолда умуман қониқтирилади.

Лойиҳани ишлаб чиқиши ягона давлат меъёрлари ва стандартлари асосида олиб борилади. Лойиҳалаш – мураккаб жараён бўлиб, унинг пиравард натижаси лойиҳа хисобланади.

Лойиҳа – бу бинолар ва иншоотларни, шунингдек улар мажмуаларини натурада (аслида) барпо этиш учун зарур бўлган техник хужжатлар тўпламидири.

Бино ва иншоотнинг лойиҳасини ишлаб чиқиш учун топшириқ бўлиб, уни буортмачи лойиҳалаш ташкилоти билан бирга тузади. Бино ва иншоотни лойиҳалаш топшириғида иқлим, ҳавонинг хисобдаги ташқи температураси, лойиҳаланаётган бинонинг тавсифи, лойиҳалаш муддатлари, қурилиш муддатлари ва ҳ.к.лар қўрсатилади. Лойиҳалаш топшириғи буортмачи томонидан тасдиқланади.

Ишлаб тайёрланаётган лойиҳа амалдаги қурилиш меъёrlари ва қоидалари (СНИП, ҚМК, ШНК) талабларини қаноатлантириши керак. Бино ва иншоотлар қурилишини умумий ва якка тартиbdаги лойиҳалар бўйича амалга ошириш мумкин.

Фақат битта маълум бир бино ёки иншоотни барпо қилиш учун мўлжалланган лойиҳа якка тартиbdаги лойиҳа дейилади. Якка тартиbdаги лойиҳалар бўйича хусусий уйларни, саройларни, театрларни, алоҳида уйни, спорт иншоотларини ва ҳ.к.ларни қуриш мумкин.

Кўп карра фойдаланиш учун мўлжалланган лойиҳа умумий лойиҳа деб аталади. Оммавий қурилиш бинолари (турап – жой уйлари, мактаблар, касалхоналар ва ҳ.к.) умумий лойиҳалар бўйича қурилади. Умумий лойиҳа режалаштириш ва меъморий – конструктив ечимга нисбатан янада мукаммал, шунингдек қурилишнинг тежамкор бўлиши талабларини қониқтириши керак.

Умумий (намунавий) лойиҳа қурилиш жойининг хусусиятларини хисобга олмаган ҳолда бажарилади, шунинг учун у маълум бир аниқ участкага боғланган бўлиши керак. Шу мақсадда бўлажак қурилиш амалга ошириладиган участка тўғрисида маълумот (тупроқнинг тузилиши, жойининг рельефи, хисобдаги қишки температуралар, қор ва шамол юкламаси) тўпланади. Танлаб олинган умумий лойиҳани маҳаллий шароитларга мослаштириш зурур. Хусусан аниқ участканинг бош режасида бинони жойлаштириш, деворларнинг қалинлиги ва иссиқлик изоляция қатламларини аниқлаштириш; муҳандислик коммуникацияларининг маҳаллий тармоқлари (водопровод, канализация, электр таъминоти ва ҳ.к.)га улаш, пойдеворнинг ётқизиши чуқурлигини конструктив ечимларини, ўлчамларини, гидроизоляциясини аниқлаштириш керак.

Маҳаллий шароитлар билан боғлиқ ўзгаришлар асосан “нолинчи” циклда акс эттирилади, “ноль” белгисидан юқори эса ўзгармас хисобланади. Умумий лойиҳаларнинг қўлланилиши бир хил шаклдаги конструкцияларнинг жорий қилинишига ва шу билан қурилишнинг индустрислалаштирилишига имкон беради.

Қурилишга лойиҳа хужжатлари – объектларни қуриш учун асос бўлиб хизмат қилувчи меъёрий хужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган ўзъаро боғлиқ хужжатлар тизимиdir. Лойиҳа хужжатларига қуйидагилар киради:

икки босқичли лойиҳалашда – архитектура лойиҳаси ва қурилиш лойиҳаси, бир босқичли лойиҳалашда – алоҳида тасдиқланган архитектура қисми бўлган қурилиш лойиҳаси киради.

“А” архитектура лойиҳаси – объектнинг яшаш муҳити, унинг жойлаштирилиши, жисмоний (физик) параметрлари ва бадиий – эстетик сифатлари ва объектнинг техник – иқтисодий кўрсаткичларини ўз ичига олган моддий образи тўғрисидаги тасаввурни таъминловчи лойиҳа хужжати (икки босқичли лойиҳалаштиришда тасдиқланган босқич) хисобланади.

“АЭ” эскиз ечими – архитектура лойиҳасининг таркибига киритилувчи босқич.

“АС” қурилиш лойиҳасининг тасдиқланадиган архитектура қисми (ички лойиҳанинг тасдиқланган қисми) – қурилиш лойиҳасининг (ишчи лойиҳанинг) бир босқичли лойиҳалашда тасдиқланиши лозим бўладиган ажратиладиган қисми.

“С” қурилиш лойиҳаси – тасдиқланган архитектура ва шаҳар қурилиши лойиҳалари, шунингдек, объектлар қурилишига инвестицияларнинг бевосита амалга оширилишини таъминловчи амалга оширилган муҳандислик изланишлари ва илмий – техник тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган лойиҳа хужжатлари.

Икки босқичли лойиҳалашда – иккинчи босқич (ишчи хужжатлар), бир босқичли лойиҳалашда (ишчи лойиҳа), шунингдек тасдиқланадиган “АС” архитектура қисмини ўз ичига олади.

Шаҳар қурилиши лойиҳаси – меъёрий хужжатлар талабларига мувофиқ ва архитектура ҳамда шаҳар қурилиши фаолияти учун мажбурий асос бўлиб хизмат қилувчи худудларнинг Давлат кадастри маълумотлари асосида ишлаб чиқилган ўзъаро боғлиқ хужжатлар тизими.

Тендер хужжатлари – савдо предмети (мавзуси) нинг техник тижорат, ташкилий ва бошқа тавсифлари тўғрисидаги, шунингдек уларни амалга ошириш шароитлари ва тадбири тўғрисидаги дастлабки ахборотга эга бўлган хужжатлар тўплами.

Объектлар қурилишига лойиҳа хужжатлари ишлаб чиқиши, одатда икки босқичда амалга ошириш лозим. Икки босқичли лойиҳалашда лойиҳалаш хужжатлари таркибига қўйидагилар киради: –“А” архитектура лойиҳаси – биринчи (тасдиқланган) босқич ва “С” қурилиш лойиҳаси – лойиҳалаш хужжатларини ишлаб чиқишининг иккинчи босқичи.

Белгиланган тартибда тасдиқланган архитектура лойиҳаси асосида қурилиш лойиҳаси ишлаб чиқилади, ердан фойдаланиш хукуқига давлат далолатномасини бериш билан объектни қуриш учун ер участкасини ажратиш амалга оширилади ва қурилишни маблағ билан таъминлаш очилади.

Курилиш лойиҳасини тасдиқланган архитектура лойиҳасидан четга чиққан ҳолда ишлаб чиқишида архитектура лойиҳаси муаллифи ва лойиҳани тасдиқлаган орган билан албатта келишилиши лозим.

Назорат саволлари

1. Илк меъморчилик қайси даврдан бошланган?
2. Иншоат конструкцияси ҳақида тушунча беринг?
3. Меъморларнинг лойиҳадаги ғоялари қаерда амалга ошади?

II. Фуқаро бинолари ҳақида умумий маълумотлар

Режа

2.1 Жамоат бинолари

2.2 Тураржой бинолари

Калит сўзлар: *секцияли, коридорли, галерияли, поселка*

2.1 Жамоат бинолари

Жамоат биноларини хажм-loyihxalaش бўйича қарорларини турлича бўлишига қарамасдан уларни композициясини учта тури устида тўхталиб ўтамиз. Булар, коридор, зал ва анфилада турлари дир.

Коридор типидаги композицияларда бир нечта хоналар (иш хоналари, умумий ётоқхоналар, палаталар умумий коридор билан бирлаштирилади. Анфилада композицияларида кетма-кет жойлашган хоналар бир-биридан ўтувчи бўлади. Бундай композициялар йирик дўконлар, музейларга хос. Бунда харид килиш ва экспонатларни томоша қилиш айланма харакатланиш имконияти бўлади. Зал типидаги хажм-loyihxalaش қарорларида (ечимларида) марказлашган композицияни асоси бўлиб зал (томушабинлар ўтирадиган, савдо, мутолаа қиласиган, кўргазма) ҳисобланиб, қолган хоналар асос атрофида жойлашади. Шунингдек, юкорида кўриб чиқилган элементларни бир-бирига ўйғунлаштириш асосида аралаш композициялар хам қўлланилади. Бинонинг ички макон композицияси (интерьер) уни хажм-loyihxalaش қарори ечими билан боғланган бўлиши керак.

Жамоат биноларида асосий, ёрдамчи, коммуникация хоналари бўлади. Асосий хоналар жамоат биносини асосий функционал белгиланганлигига мувофиқ лойиҳалаштирилади. Бундай хоналарга синфлар Ўқув биноларидаги заллар, маъмурий бинолардаги идоралар хоналари ва бошқалар киради. Туар жой бинолари одамларни доимий, вақтинчалик ва қисқа муддатда яшashi учун белгиланган. Қаватларга кўра бинолар кам қаватли (1-2 қават), ўртача қаватли (3-5 қават), кўп қаватли (9-16 қават), юкори қаватли (17-26 қават) ва баланд (25 қаватдан

кўп) бўлади. Курилиш характерига кўра шахар ва қишлоқ учун функционал белгиланганлиги бўйича квартирали, меҳмонхона, ётоқхона ва уй-интернатларга бўлинади.

Квартирали уйлар. Улар турли сонли таркибга эга бўлган одамлар, оилаларни доимий яشاши учун мўлжалланган. Куриш характерига кўра улар участкадан чиқиш йўли билан томорқали, камқаватли уйларга (шахар ва қишлоқлардаги ишчи поселкалари), шахар типидаги умумий коммуникация тугунидан квартирага кирадиган, яъни зинапоялар, коридор, галерея (секцияли, коридорли ва галерияли уйлар) орқали кириладиган уйларга бўлинади.

Секцияли уйлар. Ушбу уйлар уй-жой қурилишида кенг тарқалган бўлиб, яшайдиган секциялардан иборат бўлади. У битта зинапоя билан бирлаштирилади. Хар қаватда қайтариладиган квартиралар гурухидан иборат.

Коридорли уйлар. Бундай уйларда уйга кириш умумий коридор ёрдамида ва ушбу коридор зинапоя билан уланган бир неча квартиралар бўлади. Умумий коридорларнинг узунлиги бўлмаслиги ва хар иккала ён томонидан ёруғлик тушган такдирда 40 метрдан ошмаслиги керак. коридор жуда узун бўлса, у ҳолда уларни кенгайтирилган қисмлари – ҳоллар, кўзда тутилади. Уларни оралиғи 20 метрдан кўп бўлмаслиги ва ҳолл билан коридор торцидаги дераза тирқишлири тешиклари, ёриқлари ўртасидаги оралиқ 30 м дан кўп бўлмаслиги керак.

Галереяли уйлар. Бу хар бир қаватда очиқ ёки ойна билан тўсилган бир тарафлама чиқишга эга бўлган ва зинапоя билан туташган квартиралар йигиндисидир. Галереяли уйлар кам сарфли хисобланади, лекин уларни факат жанубий туманларда кўриш мақсадга мувофиқ бўлади. Меҳмонхоналар (умумий турдаги сайёҳлик, курорт) хусусий ёки давлат тасарруфида бўлади. Улар одамларни қисқа муддат яшашига мўлжалланган. Умумий типдаги меҳмонхоналар 15, 25, 50, 100, 200, 300, 400, 500 та жойга, туристик ёки курорт худудларида меҳмонхоналар 300, 500, 800 ва 1000 та жойга мўлжалланади.

Ётоқхоналар. Улар олий ўрта-махсус ва касб-хунар коллажларини студентларини ўқиши даврида вақтинча яшаши учун мўлжалланган. Ётоқхоналар секцияли ва коридорли типдаги уйларда жойлаштирилади.

Ёлғизлар учун қариялар уй-интернатлари. Улар қариялар бир ўзи қолган ногиронлар ва соғлиги туфайли доимий назорат остида бўлиши керак бўлган эр-хотинлар учун мўлжалланган. Турли иқлим шароитларида уйларни лойиҳалаштиришни ўзига хос хусусиятлари бор. Туарар-жой

уйларини турли-туман архитектура кўриниши кўп жиҳатдан табиат ва иқлим шароитидан, шунингдек курилиши ҳалқларнинг миллий анъаналарига кўра белгиланади. I ва II иқлим туманлар учун лойихалаштириладиган уйларда асосий эътибор шинамлик, иссиқликни сақлашни таъминланишига қаратилади. Кескин иқлим шароит бўлган ерларда уйларни қуришда усти ёпилган ўтиш жойлари, яъни уйларни жамоат бинолари билан туташтирувчи ерларни усти бекилган ҳолда лойихалаштирилади. Енгил пневматик қопламалар билан таъминланган сунъий микроклиматли поселкаларни барпо этиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда.

2.2 Турагжой бинолари

Турагжой биноларининг ер устки ва ер остки қисмлари бўлиб, улар бинонинг асосий конструктив элементларидан, яъни пойдеворлар, деворлар, қаватлараро ёпмалар, алоҳида таянчлар, том, дераза, эшиклар, зиналар ҳамда ички тўсиқ (парда) деворлардан иборат бўлади. Биринчи қаватнинг поли сатҳидан пастда жойлашган конструктив элементлар-пойдевор, ертўла, техник мақсадларга мўлжалланган ертўла деворлари бинонинг ер остки қисми ҳисобланади. Биринчи қават поли сатҳидан баландда жойлашган конструктив элементлар бинонинг ер устки қисмини ташкил этади.


Пойдеворлар бинонинг ер ости қисми бўлиб, улар бино оғирлигини ўзига қабул қилиб, уни асосга узатувчи конструкциядир.

Деворлар ўз вазифасига ва жойлашишига кўра ички ва ташки тўсиқ, яъни хонани ташки муҳит таъсиридан ҳимояловчи ёки хоналарни бир-биридан ажратиб турувчи бўлиб, бир вақтнинг ўзида улар юк кўтариш вазифасини ҳам бажаради.

Деворлар юк кўтариб турувчи ва юк кўтармайдиган турларга бўлинади. Кўтарувчи деворлар юқорида жойлашган конструкциялар, жиҳозлар, мебеллар ва шу кабилардан тушадиган оғирликни кўтариб туради. Ҳам ички, ҳам ташки деворлар кўтарувчи бўлиши мумкин. Биноларни кичик-кичик хоналарга ажратувчи тўсиқ (парда) деворлар юк кўтармайдиган ҳисобланади. Бундай деворлар пойдеворларга ёки пойдевор тўсинига қўйилган, ўзини кўтариб турувчи ва устунларга илинган осма деворлар тарзида ҳам бўлиши мумкин.

Илинган деворлар ҳар бир қават баландлигида горизонтал жойлашган элементларга таянган бўлади.

Туар жой биноларининг конструктив элементлари:



- 1 – пойдевор;
- 2 – девор;
- 3 – ора ёпма;
- 4 – парда девор;
- 5 – чордок;
- 6 – тарнов;
- 7 – том;
- 8 – дераза;
- 9 – эшик;
- 10 – зинапоя.

Алоҳида таянчларнинг

(кўтарувчи вертикал элементлар – устун, тиргович, синч) вазифаси қаватлараро ёпмалардан тушадиган юкларни пойдеворга узатишдан иборат.

Қаватлараро ёпмалар бинонинг ички бўшлигини қаватларга бўлади ва устунларга маҳсус маҳкамланган ригел прогон деб аталувчи тўсинлар устига ётқизилади, айрим ҳолларда эса тўғридан-тўғри устунга маҳкамланади. Қаватлараро ёпмалар доимий ва вактинчалик юкларни кўтариш билан бирга деворларни ўзаро боғлайди ва уларнинг устиворлигини таъминлайди ва бутун бинонинг фазовий бикирлигини оширади. Ора ёпмалар бинода жойлашган ўрнига қараб қаватлараро ёпмалар (биноларни қаватларга ажратади), подвал усти ора ёпмаси (биринчи қаватни подвалдан ажратиб туради) ва чордок ора ёпмасига (тепа қаватни чордокдан ажратади) бўлинади. Томлар бино ва унинг конструкцияларини атмосфера ёғин-сочин таъсиридан сақловчи конструктив элементdir. Улар том ёпиш учун ишлатилган материал ва уни кўтариб турувчи конструкциялардан иборат бўлади. Томлар конструктив тузилиш жиҳатидан чордокли ва чордоксиз томларга бўлинади.

Чордоқ бинонинг тепа қавати билан том ёпмаси орасида жойлашган бўшлиқ қисмидан иборат. Чордоқсиз томда бинонинг тепа қавати ёпмаси билан томи бирлашган бўлади. Томлар нишабли ва текис бўлиши мумкин. Текис томлардан дам олиш майдони сифатида ва бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин.

Зиналар (қаватлараро) бино қаватларини ўзаро боғлайди ва одамларни бинодан эвакуация қилиш вазифасини ҳам ўтайди. Зиналар жойлашган майдонга зинахона деб аталади. Зиналар икки конструктив элемент, зинанинг икки сахни ва улар орасидаги қия жойлашган маршдан иборат бўлади. Зина маршида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш учун марш чеккасига зина панжараси ўрнатилади.

Деразалар хоналарга ёруғлик, қуёш нури тушиши ҳамда хоналарни шамоллатиш учун хизмат қиласи. Улар дераза ўрни, дераза кесакиси ва дераза табақаларидан иборат бўлади.

Эшиклар хоналарни бир-бiri билан боғлайди, шунингдек бинога кириш ва ундан чиқиш йўли ҳисобланади. Улар девордаги ёки парда девордаги эшик ўрни, эшик қутиси (кесакиси) ва табақасидан иборат бўлади. Туар-жой биноларида булардан ташқари бошқа конструктив элементлар, яъни дахлиз, айвон, эшик усти соябони ва бошқалар ҳам бўлиши мумкин.

Эксплуатация ва санитария-гигиена шартларини таъминлаш учун бинолар, санитария-техника ва инженерлик қурилмалари билан жиҳозланади. Буларга иситиш қурилмалари, иссиқ ва совук сув таъминоти, вентиляция, канализация, ахлатни чиқариш, газлаштириш, энергия билан таъминлаш, телефонлаштириш ва бошқалар киради. Биноларнинг типига, асосий параметрларига, қурилиш раёнларига қараб, у ёки бу конструктив элементни ўрнатишга кўра сарф бўладиган маблағлар миқдори ҳам ўзгариб туради.

**90-типовий серияли туар-жой панелли бино конструкциялари ва
кўзда тутилган ишларининг лойиха бўйича яхлитлаштирилган смета
нархи кўрсаткичлари**

№	Конструктив элементлар	Смета нархи салмоғи % бино войиҳаси бўйича	
		5 қаватли бино учун	9 қаватли бино учун
	Умумий смета баҳоси Шулардан:	100	100
1	Ер ости қисми	11,5	7,5
2	Ер устки қисми:	77,5	77,6
	Ташқи деворлар, дераза, айвон эшиклари, айвон (лоджа) ва балконлар	23,2	22,6
	Ички деворлар	11,7	13,3
	Қаватлараро ёпма ва поллар	17,6	18,5
	Тўсиқ деворлар ва эшиклар	8	7,7
	Том	8,1	4,8
	Зина ва лифт шахтаси	6,1	8,3
3	Сантехника ишлари	7,9	7,2
4	Электр ёритгичлар, жиҳозлар ва	3	7,6

	лифтлар		
--	---------	--	--

Биноларни лойиҳалашда уларнинг конструктив элементларини тўғри танлаш бинонинг ҳажмий планлаштириш ечимлари сифатига таъсир этиб қолмай, балки умумий техник-иқтисодий кўрсаткичларга ҳам таъсир этади.

Назорат саволлари

1. Бинолар мақсадга кўра қандай турларга бўлинади?
2. Тураг жой биноларида қандай конструктив элементлар кўлланилади?

III. Бинонинг конструктив элементлари

Режа

3.1 Ҳажмли элементлар ҳақида умумий маълумот

3.2 Конструктив элементлар ҳақида умумий маълумот

Калит сўзлар: *зинапоялар, пардеворлар, поллар, томлар, деразалар.*

3.1 Ҳажмли элементлар ҳақида умумий маълумот

Хар бир бино элементлардан ташкил топиб, уларни йириклигига қараб уч гурухга ажратиш мукин

1) ҳажмий – режавий элементлар – барча биноларни ажратиш мумкин бўлган йирик қисмлари (ертўла, қават, зинапоя катаги, чордоқ ва х.к.);

2) конструктив элементлар – бинонинг маълум вазифасига эга бўлган ва бинонинг тузилишини белгилаб берувчи қисмлари (пайдевор, девор, айрим таянчлар, устёпмалар, зинапоялар, пардеворлар, поллар, томлар, деразалар, эшиклар ва б.);

3) майда элементлар – конструктив элементлар йиғиладиган қурилиш ашёлари (ғишт, зинапоя, косоурлар, плиталар, тўсинлар ва х.к.).

вазифасига кўра барча конструктив элементлар қўтарувчи (пайдеворлар, таянчлар, деворлар, том тўсинлар) ва тўсувчи (ички деворлар, устёпмалар, поллар, пардеворлар, эшиклар), уларнинг айримлари эса иккала вазифани бажаради. Бинода вужудга келадиган барча юкланишларни қўтарувчи элементлар қабул қилиб олади, тўкувчи элементлар эса бинодаги хоналарни бир – биридан ва ташки фазодан ажратади.

Пайдеворлар – бинонинг ва ташки кучларнинг (шамол, қор ва х.к.) барча юкланишини қабул қилувчи, босимни тупроққа узатувчи ва тақсимловчи бинонинг ер ости қисмидир.

Деворлар – тўсувчи ва баъзида қўтарувчи вазифани бажарувчи вертикал конструкциялар, шунинг учун улар қўтарувчи, ўзини қўтарувчи ва қўтармайдиган (осма) деворларга бўлинади.


Кўтарувчи деворлар том тўсинлари ва томдан тушадиган юкланишини ўз оғирлиги билан бирга пойдеворга узатади, ўзини кўтарувчи деворлар эса фақат ўз оғирлигини узатади ва тўсувчи хисобланади, юк кўтармайдиган деворлар пойдеворга эмас, балки устунларга ёки том тўсинларига таянади ва фақат тўсувчи конструкциялар хисобланади. Алоҳида таянчлар (устунлар, стойкалар, қозиқлар) вертикал кўтарувчи элементлар хисобланиб, биноларнинг том тўсинлари ёки бошқа конструктив элементларидан (осма деворлардан) тушадиган юкланишни қабул қилиб олади ва бу юкланишни ўзининг шахсий оҳирлиги билан бирга пойдеворга узатади.

Том тўсинлари – ички фазони қаватларга ажратувчи горизонтал тўсиқлар бўлиб, улар кўтарувчи хисобланади, чунки улар фойдали юкланишни қабул қиласиди ва уни деворларга ва таянчларга узатади.


3.2 Конструктив элементлар ҳақида умумий маълумот

Бинонинг индивидуал қиёфаси ташқи деворларнинг конструкциясига, деразалар ва бошқа архитектура-конструктив элементларнинг жойлашуви ҳамда ўлчамларига боғлиқ.

Деворларнинг элементлари ва деталлари вазифасига боғлиқ ҳолда турлича номланади



Деворларнинг архитектура-конструктив элементларини класстер-схемаси



Бинонинг конструктив элементлари

1 – пойдеворнинг таянч плитаси, 2 – кўтарувчи бўйлама девор, 3 – ташқи кўтарувчи девор, 4 – том тўсини тўшамаси, 5 – йиғма карниз, 6 – люк-томга чиқиши жойи, 7 – том тўсини иситкичи, 8 – цементли тортим, 9 – бирга кўшилган том, 10 – устёпманинг буғ изоляцияси, 11 – тўсик, 12 – пол-ленолеум, 13 – этажлараро ёпма, 14 – ертўла устёпмаси, 15 – ертўла девори гидроизоляцияси, 16 – тупроқ устидаги пол, 17 – ертўла девори.

Том – бинони атмосфера ёғинларидан химояловчи конструктив элемент. У сув ўтказмайдиган қобиқ (том ёпмаси) ва уни тутиб турувчи конструкциялардан иборат.

Зина – қаватлар ўртасида алоқа ўрнатиш учун конструктив элементdir. Ички зинапоялар ёнмайдиган деворлар билан тўсилади, бунинг натижасида зинапоя катаги деб номланувчи хона хосил бўлади.


Пардеворлар – хоналарни бир – биридан ажратувчи вертикал тўсувчи конструкциялар, пардеворлар том тўсинларига таянади, ички деворлар эса пойдеворга таянади.

Эшиклар эшик блоки билан, деразалар дераза блоки билан тўлдирилади.

Бинонинг асосий кўтарувчи элементлари, шу жумладан барча юкланишларни ўзига қабул қилиб олувчи ва узатувчи пойдеворлар, деворлар, айрим таянчлар ва том тўсинлари бинонинг кўтарувчи асоси – ягона фазовий конструктив тизимни ташкил этиб, биргаликдаги ишга киришади.

Деворнинг сирти вертикал ва горизонтал ажралишларга эга бўлиб, улар унинг асосий элементлари бўлиб хисобланади. Горизонтал ажралишлар (бўлинешлар) цоколь, карнис тасмаларни қуриш билан; вертикал ажралмалар пилястрлар ва раскреповкалар билан хосил қилинади.⁶

Бундан ташқари, деворнинг сирти бўш оралиқлар (дераза ва эшик ўринлари) ҳамда пардеворларга эга (бўш оралиқлар орасидаги қисмларга)




1 – цоколь; 2 – дераза ўрни; 3 – эшик ўрни; 4 – тиргаклар; 5 – оддий пардевор; 6 – бурчакли пардевор; 7 – охирги (тугалловчи) карнис; 8 – оралиқ карнис; 9 – тасмача; 10 – сандрик; 11 – парапет; 12 – франтон; 13 – уя, токча; 14 – пилястра; 15 – контрофорс; 16 – қирқма; 17 – раскреповка.

Цокол – бу ташқи деворларнинг пастки қисми бўлиб, бевосита пардеворга жойлашган ва унинг текислигидан чиқиб туради.

Цоколь деворни намланишдан ва механик таъсирлардан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган; у мустахкам намликка бардош берувчи материаллар билан: керамик плиткалар, табиий тош билан қопланади ёки цемент қоришимаси билан сувалади (2.9. – расм).

Агар пастки қисми йиғма бетон блокдан, юқори қисми эса ғиштдан терилган бўлса, у ҳолда бундай цоколь қирқмали цокол дейилади.

⁶ В. В. Ермолова “Инженерные конструкции” М. 1991 г.




Цоколь конструкцияси:

а-плитка билан қолланған; б-табиий тош билан қолланған; в-цемент қоришимаси билан сувалған; г- “қирқмали” (бетон блоклардан)

Бүш оралиқлар – бу девордаги дераза ва эшик учун бүш қолдирилған тешиклардир. Бүш жойларнинг ён ва юқори текисликлари ён қияликлари дейилади. Капитал деворларда бүшлиқларни темир-бетон тиргаклар билан беркитилади.

Тиргаклар (кашаклар) – бу бүшлиқларни юқоридан беркитувчи конструкциялардир. Тиргаклар (кашаклар) темир-бетон брусоқли ёки ғиштдан териб қурилған аркли (оддий панасимон ва арматураланмаган тош термадан бажарылған аркли) бўлади. Тиргакларнинг (кашакларнинг) асосий тури йиғма темир –бетон тиргаклардир.


Пардевор – бўш оралиқлар ўртасида жойлашган девор қисмидир. Оддий (икки бўшлиқ орасида) ва бурчакли (деворлар бурчагида) пардеворлар фарқланади. Дераза ва эшик блокларини тутиб турувчи пардеворларнинг тўғри тўртбурчакли чизиклари чоракликлар дейилади



Пардевор ва дераза ўринлари

1 – чоракликлар; 2 – тиргаклар (кашаклар); 3 – откослар (юқори ва ён томондаги);
4 – деразалар орасидаги пардеворлар.


Карниз – девор текислигидан горизонтал ҳолдаги чизик жой. У якунловчи, деворнинг юқори қисмини баландлиги бўйича ажратувчи, сандриклар, айрим бўш жойлар ва бинога кириш жойи тепасига қурилади



Карнизларнинг турлари

1-сандрек; 2-тасмача (белбогча); 3-якунловчи

Деворларни йўғонлаштириш: пилястрлар тўғри тўртбурчакли кесимли вертикал чизиклар; раскреповкалар – деворнинг узун қисмини вертикал йўғонлаштириш




Деворларни маҳаллий йўғонлаштириши

1 – пилястрлар; 2 – ярим устун; 3 – раскреповка

Парапет – деворнинг томдан 0,7 . . . 1м юқорироқ чиқиб турувчи қисмининг тўғри бурчакли тугалланиши.

Фронтон – томнинг икки қиялиги билан чегараланган ва паст томондан карниз билан ажратилган учбурчакли текислик



Деворларнинг юқори қисмини тугалланиши

1 – парапет; 2 – фронтон

Назорат саволлари

1. Ҳажмли элементлар қандай бўлади?
2. Бинонинг конструктив элементлари ҳақида тушунча беринг?

IV. Биноларнинг классификацияси ва уларнинг конструктив схемалари

Режа

4.1 Биноларнинг классификацияси

4.2 Биноларнинг конструктив схемалари

Калит сўзлар: ички фазо, устунлар, вертикал, горизонтал.

4.1 Биноларнинг классификацияси таснифи

Бино ва иншоотларнинг хар хил турлари мавжуд. Бинолар деб жамиятнинг турли эҳтиёжларини қаноатлантириш учун мўлжалланган ички фазога (маконга) эга бўлган ер усти иншоотини аташ қабул қилинган. Биноларга турар – жой уйлари, мактаблар, театрлар, касалхоналар, завод корпуслари ва бошқалар киради.

Ички фазоси (макони) бўлмаган ер усти иншоотлари, шунингдек ер ости иншоотлари, муҳандислик иншоотлари (кўприклар, радиомачталар, резервуарлар, тўғонлар, қирғоқлар, метро бекатлари ва бошқалар) деб аталади, чунки уларнинг қурилиш конструкциялари маҳсус муҳандислик хисоб – китобларини талаб этади.

Биноларнинг турлича таснифлари мавжуд. Вазифасига кўра биноларнинг асосий турлари: фуқаролик (турар – жойлар ва жамоат), саноат (ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатувчи, ёрдамчи) ва қишлоқ хўжалиги биноларига бўлинади.

Саноат (кимё, металлургия, машинасозлик, транспорт ва бошқ.) бинолар ҳам, қишлоқ хўжалиги бинолари (чорвачилик фермалари, иссиқхоналар, паррандачиликлар фермалари ва бошқалар) ўз навбатида, саноатнинг турли тармоқларига хизмат кўрсатиш учун уларда бажариладиган ишлаб чиқариш жараёнларининг хусусиятига кўра ажратилади.

Саноат бинолари (заводлар, фабрикалар, электростанциялар ва бошқалар) энг янги техника ютуқлари, илғор муҳандислик конструкциялари, янги қурилиш материалларидан фойдаланган ҳолда барпо этилади.

Йирик саноат мажмуалари баъзида бир неча километрларга чўзилган худудни эгаллайди, саноат корхоналари, одатда, шамолларни хисобга олган ҳолда ва темир йўллар яқинида аҳоли пунктларидан узокроқда лойиҳалаштирилади. Бу ерда архитектор, технолог билан бирга ишлайди.

Катта оралиқлардаги саноат бинолари алоҳида устёпма ва конструкциялари шаклларини талаб этади, шунинг учун архитектор, муҳандис – конструктор билан ҳам яқин алоқада ишлайди.

Фуқаролик бинолари ҳам турар – жой (уй – жой, меҳмонхоналар, ётоқхоналар) бинолари, ҳам жамоат бинолари (мактаблар, магазинлар, театрлар, спорт мажмуалари ва б.) жойлашган ўрнига боғлиқ ҳолда шаҳар ва қишлоқ турида бўлиши мумкин.

Мазкур ўқув кўлланмада фақат шаҳар туридаги биноларгина кўриб чиқилади.

Жамоат бинолари (маъмурий, болалар муассасалари, ўқув, маданий – оқартув, савдо, коммунал, соғлиқни сақлаш муассасалари ва б.) вазифасига мувофиқ ўзига хос режалаштириш, ҳажмий – фазовий ва конструктив хусусиятларга, маҳсус жиҳозларга эга. Илмий – тадқиқот институтлари ва лойиҳалаш устахоналари ижтимоий (жамоат) биноларининг алоҳида гурухлари (томушабоп, ўқув, даволаш, спорт ва б.) лойиҳаларини ишлаб чиқишиди.

Жамоат бинолари турар – жой бинолари билан бир мажмуада барпо этилади. Микрорайон худудида уйларга кириш йўллари, кўкаlamзорлаштириш, болалар ўйнаши учун майдончалар, спорт ва дам олиш майдонлари барпо этилади. Маданий – майший вазифани бажарувчи биноларнинг хизмат кўрсатиш қулайлиги бўйича тўрт гурухга ажратилади: бирламчи хизмат кўрсатиш (болалар хоналари, ҳаваскорлик кир ювиш жойлари), улар турар – жойдан бевосита яқин жойда ёки унинг ичидаги жойлаштирилади;

хар куни хизмат кўрсатувчи муассасалар (болалар яслиси, боғчалари, мактаблар, магазинлар, қандолат маҳсулотлари, кир ювишга қабул қилиш пунктлари, сартарошхоналар, оёқ-кийим ва уст-кийимни таъмирлаш

устахоналари ва х.к.) турар – жойлардан кўпи билан 400-500м масофада, болалар муассасалари эса кўпи билан 250-300м масофада жойлаштирилади;

даврий равишда фойдаланиладиган муассасалар (ошхона, кафе, гастроном, универмаг, почта, омонат банки, клуб, стадион, бассейн) микрорайондан ташқарида жойлаштирилиши мумкин;

умумشاҳар муассасалари (маъмурий муассасалар, театрлар, музейлар, катта стадионлар ва х.к.) маълум микдордаги аҳолига мўлжаллаб, яна ҳам сийракроқ қилиб жойлаштирилади.

Унча катта бўлмаган майший ва савдо корхоналари битта бинода – жамоат –савдо марказида жойлаштирилади. Биноларнинг мактабгача тарбия муассасалари ва умумтаълим мактаблари – намунали лойихалар асосида куриладиган алоҳида турувчи биноларда жойлаштирилади.

Бино лойиҳа ечимининг иқтисодий мақсадга мувофиқлик талаби унинг функционал ва техник жиҳатларига тегишлидир. Функционал масалаларни ечишда–хоналарнинг ўлчамлари, жойлаштирилиши ва ободонлаштиришида–жамиятнинг ҳақиқий эҳтиёжларидан ҳамда имкониятларидан келиб чиқиши керак. Функционал масалаларни иқтисодий мақсадга мувофиқ ҳолда ҳал этишга бундай ёндашув турар –жой биноларини оммавий қуришнинг юқоридаги мисолда кўриб чиқилган.

Лойиҳанинг конструктив қисмига нисбатан иқтисодий мақсадга мувофиқлиги лойиҳалашда конструкцияларнинг мустаҳкамлиги ва пишиқлигининг зарур заҳираларини, шунингдек уларнинг бинони вазифасига ҳамда унинг лойиҳадаги хизмат кўрсатиш муддатига мувофиқ узоқ муддат чидамлилигини, оловга бардошлигини лойиҳалашда белгилашдан иборат.

Конструкцияларнинг иқтисодий мақсадга мувофиқ ечимини танлашда бинони лойиҳалашда уни маълум бир синфга тегишли қилишга имкон беради.

Бинонинг синфи унинг ҳалқ хўжалиги ва шаҳар қурилишидаги ўрнига мувофиқ лойиҳалашда белгиланади.

I синфга йирик жамоат бинолари (театрлар, музейлар, хукумат бинолари, 9 қаватдан ортиқ турар – жой бинолари киради;

II синфга – оммавий қурилишдаги жамоат бинолари ва 5 қаватдан юқори бўлган уйлар киради;

III синфга – 5 қаватдан юқори бўлмаган уйлар ва кам сифимли жамоат бинолари;

IV синфга – кам қаватли турар – жой уйлари ва вақтинчалик жамоат бинолари киради.

Кўпчилик саноат биноларининг синфи бинонинг функционал эскиришидан қочиш мақсадида жуда камдан – кам ҳолларда учинчи синфдан юқори қилиб белгиланади.

Технологияларнинг жадал ривожланиши жиҳозларнинг 20-25 йилдан сўнг тубдан ўзгариши билан бирга кузатилади. Бунда бинонинг кўпчилик параметрлари–оралиқлари, баландлиги, кран ости йўлларининг кўтарувчанлик қобилияти етарли бўлмай қолади.

I синф биноларининг асосий конструкциялари чидамлилик ва оловбардошликтининг 1-даражасига эга бўлиши керак, II синфдагилари – 2-даражага, III синфдагилари–чидамлиликнинг 3-даражасига ва оловбардошликтининг 3-даражасига эга бўлиши керак, IV синфдагилари – чидамлиликнинг 4-даражасига ва оловбардошликтининг чекланган даражасига эга бўлиши керак.

Бино ташқи қиёфасининг у бажарадиган вазифасига мос бўлиши лойиханинг функционал ва техник ечимларини тўғрилиги билан белгиланади. Аммо бу ечимларнинг мукаммаллиги бинонинг гўзаллигига кафолат бермайди. Бинонинг функционал шартланган хажмий шакллари, бўлиниши ва деталлари бадиий жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлиши, умумий архитектура композициясида уйғунлашган бўлиб, у мазкур иншоот учун бадиий жиҳатдан мақсадга мувофиқ ва ягона имкон бўладиган қилиб идрок этилиши керак.


Бинонинг вазифасига, унинг қурилишидаги ўрнига ва архитектура ечимидағи ғоявий дастурига боғлиқ ҳолда турли хил ифодали воситалар фойдаланиши мумкин. Турап – жой биносини лойихалашда унинг композицияси архитектура шаклларининг ажralиши миқёсини кўрсатувчи бинонинг қурилищдаги жойлашуви билан белгиланади, аммо бу шаклларнинг ўзи функционал жиҳатдан тўла асосланган (фасаднинг пластик элементлари бир пайтда бинонинг функционал элементлари – лоджиялари, эркерлари ва б.бўлади).

4.2 Биноларнинг конструктив схемалари

Архитектура лойихалаштириш комплекс масалаларни ҳал қилиб, уларда функция, конструкция ва бадиий шакл ягона бир бутундек иштирок этади.

Бинонинг конструктив схемаси деб бинога фазовий мустахкамликни таъминловчи вертикал (деворлар, устунлар) ва горизонтал (том тўсинлари, том ёпмалар) элементлар тизимига айтилади. Конструктив схемалар бинонинг кўтарувчи асосининг вертикал ва горизонтал элементларининг турига ва жойлашувига боғлиқ бўлади.

Тарихан қадим замонлардан бери маълум бўлган учта конструктив тизим қарор топган :



Одатдаги конструктив тизимлар

а-устун-тўсинли, б-гумбазли-аркли, в-осма

Устунли – тўсинли (ёки синчли), унда горизонтал элемент тўсин эгилишга ишлайди;

Гумбазсимон ва аркли конструкцияда материал сиқилишига қараб, юкланишни ва ўзининг оғирлигини юқори элементлардан куйи элементларга узатади;

Осма, бунда горизонтал элементлар чўзилишга ишлайди.

Ҳар бир тизимга ўзига хос материал ишлатилади.

Устунли – тўсинли тизимда ёғоч конструкциялар қўлланилган: эгилишга яхши ишлайдиган ёғоч тўсинлар 10м гача бўлган катта оралиқларга қўйилган. Бу тизим асосида Қадимги Грекияда 3 та асосий ордер вужудга келди.

Кейинчалик вужудга келган гумбазли ва аркли конструкцияларда асосий материал тош бўлди, у сиқилишга яхши ишлаб, аммо букилишга ёмон ишлар эди, у фақат 3,5 м гача бўлган оралиқларни қоплашни таъминлар эди.

Синчли схемадан ривожланган аркли тизим девордан алоҳида ҳолда ишлаши мумкин.

Аркнинг девор терилиши билан қўшилиши яримциркуль (архиволт) кўринишга эга ёки териш билан боғланиб кетади. Аркларнинг товонлари устунларга антамблмент (импост) орқали ёки устунларга таяниб, арк устунларини (аркадаларни) ҳосил қиласиди. Арк тизимларининг бурчак таянчлари устун тирагичлар (контрафорслар) билан кучайтирилган. Арк тизими учун материал аввал тош, кейинчалик ғишт бўлган. Қадимда тошдан

жуда катта оралиққа эга буюк аркали ва гумбазли бинолар барпо этилган эди. Масалан, Римдаги Пантеон гумбазининг диаметри 43,5м га тенг. Темирбетоннинг қўлланилиши гумбазлар ва равоқларнинг барпо этилишини енгиллаштиради.

Юпқа деворли темир-бетон қобиқларнинг конструкциялари ва уларнинг бошқа турлари – бурма сиртлар (бурамалар) ишлаб чиқилган.

Архитектурага металл конструкциялар жорий қилингандан сўнг учинчи тизим – осма тизим қўлланила бошлади. Трослар тизими ёрдамида тортиб туриладиган ёки ушлаб (тутиб) туриладиган байтли қопламалар шакли бўйича турлича бўлиши мумкин.

Замонавий оммавий қурилишда катта оралиқларни ёпиш талаб этилмайди, шунинг учун асосан устун – тўсин тизимининг учта схемасидан фойдаланилади:

кўтарувчи ташқи ва ички деворлари бўлган (бўйлама ва кўндаланг) синчсиз, бунда бўйлама деворлар, кўндаланг деворлар ёки ҳам бўйлама, ҳам кўндаланг деворлар кўтарувчи бўлиши мумкин;

синchlari тўлиқ бўлмаган: ички синч ва ташқи деворлари кўтарувчи;


синчли (тўлиқ синчли), яъни вертикал ўрнатилган устунлар ва уларга тиради турувчи тўсинлар (прогонлар)дан иборат бўлган алоҳида таянчлари кўтарувчи.

Ишлаш хусусиятига кўра синchlар уч турга бўлинади: ромли, боғламли ва ромли – боғламли.

Ромли синчда (а, расм) устёпма ригеллари бўйлама ва кўндаланг йўналишларда жойлашган; улар устунлар билан бикир боғланишлар билан бириктирилади, бу чокларни яхлит қилишни (монолитлаштиришни) талаб этади, шунинг учун бу турдан камдан – кам фойдаланилади.

Боғланишли синчда (б, расм) устунлар ва ригеллар шарнирли бириктирилади, шунинг учун вертикал бикирлик боғланишлари (хочсимон, портал ва ҳ.к.) ёки бикирлик диафрагмалари (максус темир – бетон парлеворлар) зарур бўлади. Устёпманинг бир – бири билан бириктирилган плиталар бинонинг бикир (мустахкам) горизонтал элементини ҳосил қиласи.

Ромли – боғланиш синчидаги бир йўналишда ромлар, бошқа йўналишда бикирлик боғламлари назарда тутилган (в, расм). Бу вариант йиғма темир – бетон конструкцияларда бажарилган ва синчли биноларда кенг тарқалган.



Синчли биноларнинг конструктив схемалари

a) – ромли; б) – боғланишили; в) – ромли – боғланишили

1 – тасмасимон пойдевор; 2 – юк кўтарувчи деворлар; 3 – ораёпма; 4 – ёпма плиталар; 5 – пардеворлар; 6 – устун; 7 – устунсимон пойдевор; 8 – ўзини-ўзи кўтарувчи девор.

Назорат саволлари

1. Биноларнинг қандай таснифлари мавжуд?
2. Катта оралиқдаги саноат биноларида қандай устёпмалар қўлланилади?
3. Устун-тўсинли, гумбазли-аркли, ва осма конструктив тизимларни фарқини тушунириб беринг.

V. Биноларга қўйиладиган талаблар

Режа

5.1 Бинонинг функционал вазифаси

5.2 Муҳит параметрлари

5.3 Бинога ташқи таъсирлар

Калит сўзлар: *функционал, технолог, параметр.*

Биноларга қўйиладиган асосий талаблар

Хар қандай турдаги бинолар функционал, техник, иқтисодий ва бадиий талабларни максимал даражада қониктириши керак. Бунга эришиш учун бино лойиҳасини ишлаб тайёрловчи мутахассислар жамоасининг – архитекторлар, конструкторлар, муҳандислик курилмалари мутахассислари, иқтисодчилар ва технологларнинг хамжиҳатли ва мақсадга йўналтирилган меҳнати зарур.

Лойиҳа ечимининг мақсадга мувофиқлиги талаби бинодаги хоналарнинг уларда кечадиган функционал жараёнларга максимал даражада мувофиқ келишини назарда тутади. Лойиҳа одам учун бино мўлжалланган у

бажарадиган вазифаларни амалга ошириш жараёнида қулай мұхитни таъминлаши керак.

5.1 Бинонинг функционал вазифаси

Бинолар вазифасига кўра фуқаро турар-жой ва жамоатчилик, саноат ва қишлоқ хўжалиги бинолари гуруҳларига ажратилади. Фуқаролик биноларига кишиларнинг майший ва жамоатчилик эҳтиёжларига мўлжалланган бинолар киради. Булар турар-жой бинолари яшаш учун қурилган уйлар, ётоказхоналар, меҳмонхоналар ва бошқалар ва жамоатчилик бинолари маъмурий, ўкув, маданий оқартув, савдо, коммунал-хўжалик, спорт ва бошқа бинолар дейилади.

Бирор саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришда меҳнат жараёнини амалга ошириш учун мўлжалланган ва ичига ишлаб чиқариш қуроллари жойлаштирилган бинолар саноат бинолари деб аталади. Масалан: устахоналар, гаражлар, электростанциялар, омборлар, цех бинолари. Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиладиган бинолар қишлоқ хўжалиги бинолари деб аталади. Масалан: молхона, паррандахона, иссиқхоналар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сакланадиган омборлар. Юқорида келтирилган бинолар ташки кўриниши ва меъморий конструктив ечимлари билан бир-биридан кескин фарқ қиласиди.⁷

Деворий материалга кўра бинолар тош деворли ёки ёғоч деворли бўлиши мумкин. Кўринишига ва катта-кичиклигига кўра эса майда элементлардан ғишт, сопол блок, майда блоклардан қурилган ва йирик элементлардан йирик блоклар, панеллар, ҳажмий блок ва ҳоказолардан қурилган бинолар бўлиши мумкин. Қаватлари сонига кўра бинолар кам қаватли 1-2 қаватли, ўртача қаватли 3-5 қаватли, кўп қаватли 6-10 қаватли, жуда баланд 11-16 қаватли, осмонўпар қаватлар сони 16 дан ҳам кўп биноларга бўлинади.

Жойлашишига қараб бино қаватлари ердан юқорида, цокол қисмида, ертўла қисмида (подвал) жойлашган ва монсарддан иборат бўлиши мумкин.

Қурилиш технологиясига кўра бинолар: тайёр бетон конструкциялардан йигилган бинолар, заводда тайёрланган индустрисал конструкциялардан монтаж қилинган бинолар, деворлари ғишт, майда блок ва шу каби майда элементлардан тикланган бинолар – туркумига бўлинади.

Кенг тарқалганлигига кўра бинолар:

⁷ Тўйчиев Н.Ж. “Фуқаро ва саноат бинолари конструкциялари”, Дарслик, Тошкент.2006.

- андоза лойиҳа асосида қуриладиган оммавий бинолар (тураг-жой бинолари, мактаблар, мактабгача муассасалар, поликлиникалар, кинотеатрлар ва бошқалар);

- алоҳида лойиҳалар асосида қуриладиган нодир бинолар (театрлар, музейлар, спорт бинолари, маъмурий бинолар ва ҳоказолар) каби турларга бўлиниши мумкин.

Бинолар ва уларга қўйилган асосий талаблар

Бино ва иншоотлар ҳақида тушунча

Қурилиш амалиётида “бино” ҳамда “иншоот” тушунчаси мавжуд.

Жамиятнинг моддий ҳамда маънавий эҳтиёжларини қондириш учун кишилар томонидан бунёд этилган ҳамма қурилмалар иншоот дейилади. Кишиларнинг бирон бир иш фаолиятига мўлжалланган ва мослаштирилган, ички фазога – бўшлиққа эга бўлган ер усти иншоотлари бино деб аталади.

Амалий иш фаолиятида фойдаланиладиган; биноларга алоқаси бўлмаган иншоотлар инженерлик иншоотлари деб аталади. Бундай иншоотлар тўғонлар, кўприклар, телевизион минора, тунеллар, метро тўхташ жойлари, дудбуронлар, сув ва дон маҳсулотлари сақланадиган катта идишлар ва ҳоказолар, фақат техник вазифаларни бажаришга мўлжалланган бўлади.

Биноларнинг ички бўлимини алоҳида хоналарга ажратиш мумкин уйжой хонаси, ошхона, синфлар, хизмат хонаси, цех ва ҳоказолар. Бир ҳил баландлик даражасида жойлашган хоналар қаватларни ташкил қиласди.

Ўз навбатида қаватлараро ёпмалар бинони баландлиги бўйича қаватларга ажратиб туради.

Ҳар қандай бинони бир-бири билан боғлиқ бўлган қисм ва элементларга, яъни бир-бирини тўлдириб турувчи ва аниқлаб берувчи учта гурухга ажратиш мумкин:

- ҳажмий режалаштириш элементлари, яъни бино ҳажмининг ирик қисмлари қават, алоҳида хоналар ва ҳоказолар;
- конструктив элементлар, яъни бино тузилишини аниқлаб берувчи қисмлари пойдеворлар, деворлар, қаватлараро ёпмалар, том ва ҳоказолар;
- қурилиш буюмлари, яъни конструктив элементни ташкил этувчи нисбатан кичик қисмлар ғишт, бетон, ойна, пўлат арматура ва ҳоказолар.

—

Биноларнинг классификацияси туркумлари:

Ҳар қандай бино қуйидаги асосий талабларга жавоб бериши керак:

– вазифасига мувофиқлиги, яъни бино қайси жараёнга мақсадга мўлжалланган бўлса, у шу жараён талабига тўлик жавоб бериши керак, яшаш учун қулай, дам олишга мослаштирилган, меҳнат қилишга қулай ва ҳоказо;

– техник томондан мувофиқлиги, яъни бино кишиларни ташқи таъсирлардан паст ёки юқори температура, ёғингарчилик, шамол ва бошқалардан тўла асрashi, мустаҳкам ва устивор бўлиши, эксплуататция сифатларини узоқ йил давомида саклаши лозим;

– бино кўриниши меъморчилик ва бадиийлик талабларига мос ҳолда танлаш, унинг ташқи экстеръер ва ички интеръер кўриниши чиройли, шинам, атроф-муҳит билан уйғунлашган бўлиши керак;

– иқтисодий жиҳатдан қулайлиги, яъни бино ва иншоот қурилишида меҳнат сарфини камайтириш, қурилиш материаллари ҳамда вақтни тежаш кўзда тутилади.

Бинолар вазифасига кўра икки гурухга: асосий ва ёрдамчи вазифаларга мўлжалланган биноларга бўлинади. Масалан, мактаб биносининг асосий вазифаси ўқувчиларни ўқитишга мўлжалланган, шунинг учун ҳам бу бино асосан ўқитиш хоналаридан ўқув синфи, лабораториялар ва ҳоказолардан иборат бўлиши керак. Аммо бу бинода ёрдамчи вазифага мўлжалланган хоналар, яъни овқатланиш хонаси оммавий тадбирлар учун мўлжалланган хоналар, мактаб ўқитувчилари ва бошликлари хоналари ҳам мавжуд бўлиши керак.

Бинода асосий ва ёрдамчи вазифага мўлжалланган хоналарни бир-бири билан туташтирувчи, кишилар ҳаракатини таъминлайдиган жойлар ҳам бўлади. Бу жойлар коммуникатция хоналари деб аталади. Буларга коридорлар йўлаклар, зиналар, даҳлизлар ва бошқалар киради.

Бинодаги хоналарнинг ҳаммасида мўлжалланган вазифани бажариш учун оптималь, яъни муҳит яратилган бўлиши керак. Муҳит деганда жуда кўп омиллар, яъни хоналарнинг шинамлиги, асбоб-ускуналарнинг қулай жойлашганлиги, ҳаво муҳити ҳолати температура ва намлик, хонадаги ҳаво алмашиниши; товуш режими эшитишни таъминлаш ва шовқиндан ҳимоя қилиш; ёргулик режими; кишиларни эвакуация қилиш чоғида ҳаракат қулайлиги ва ҳавфсизлигини таъминлаш кабилар тушунилади. Бинони лойиҳалашда буларнинг ҳаммасини эътиборга олиш лозим.

Бу талаблар биноларнинг ҳар бир тури ва унинг хоналари учун “Қурилиш нормалари ва қоидалари” ҚМҚ асосида амалга оширилади. Бинонинг техник мувофиқлиги бутун бинога ёки унинг айrim элементларига таъсир этаётган ҳамма ташқи кучлар бўйича конструкцияларини ҳисоблаш

орқали аниқланади. Бу таъсирлар ташқи куч ёки муҳит таъсири кўринишида бўлиши мумкин.

5.2 Муҳит параметрлари

Муҳит параметрлари – бино хоналарининг уларнинг вазифаларига мос ҳолдаги габаритлари (ўлчамлари), ҳаво муҳитининг ҳолати (температура – намлик тавсифлари, ҳаво алмашуви кўрсаткичлари), ёруғлик режими (зарур табиий ёки сунъий ёритилганлик кўрсаткичлари), товуш режими (хонада эшитиш шароитлари ва уни ташқи муҳитдан кириб келадиган шовқинлардан ҳимоя қилиш).

Бинонинг функционал вазифасига мувофиқ унда унинг асосий функциясига жавоб берувчи ва бинонинг кўпчилик хоналарини ташкил этувчи (мактабда ўқув хоналари, касалхонада палаталар ва тиббиёт кабинетлари ва ҳ.к.) хоналар мавжуд. Бундан ташқари, бино ёрдамчи функцияларни бажариш учун зарур хажмдаги хоналарга эга бўлиши керак: ошхоналар, буфетлар, мажлислар заллари, кириш ва коммунацион хоналар гурухлари (вестибуллар, зинапоя – лифт холлари, зинапоя катаклари, даҳлизлар), санитария – техника хоналари ва ҳ.к.


Коммуникация хоналари бинодан меъёрида фойдаланишда, асосий ва ёрдамчи хоналарнинг қулай алоқасини таъминлайди ва авария холатларида (ёнгин, ер қимирилаши ёки б.) одамларни эвакуация қилишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Хавфсиз ва тезкор эвакуация қилиш имконияти режалаштириш (эвакуация йўлларининг кенглиги ва узунлиги, зинапояларнинг қиялиги ва ҳ.к.) ва конструктив (конструкцияларда ёнмайдиган материаллардан фойдаланиш) ечимлари билан, шунингдек муҳандислик тизимлари (механик тарзда тутунни йўқотиш, ёнфинга қарши водопровод ва ҳ.к.) билан таъминланади.⁸

Лойиҳавий ечимнинг техник мақсадга мувофиқлиги талаблари унинг конструкцияларини қурилиш механикаси, қурилиш физикаси ва кимёси қонунларига тўлиқ мувофиқ ҳолда бажарилишини тақозо этади. Бунинг учун лойиҳаловчига бинога кўрсатиладиган барча ташқи таъсирларни аниқлаш ва аниқ хисобга олиш зарур.

5.3 Бинога ташқи таъсирлар

Бинога ташқи таъсирлар шартли равишда кучга оид ва кучга оид эмас турларга бўлинади.

⁸ Н.М. Убайдуллаев, М.М. Иногамов “Турар жой ва жамоат бинолари лойиҳалаш типологик асослари” Т. 2009 й.



Бинога ташқи таъсирлар

1 – доимий ва вертикал куч таъсирлари; 2 – шамол; 3 – алоҳида куч таъсирлари: сейсмик ёки б.; 4 – титрашлар; 5 – тупроқнинг ён томондан босими; 6 – тупроқнинг босими; 7 – тупроқ намлиги; 8 – шовқин; 9 – қуёш радиацияси; 10 – атмосфера ёғинлари; 11 – атмосферанинг ҳолати (ўзгарувчан температура ва намлик, кимёвий аралашмаларнинг мавжудлиги).



Шамолнинг бинога таъсири

Табиий оғатлар инсонлар билан азал-азалдан курашиб келади. Гоҳида табиат, гоҳида инсон ғолиб келиб, ўз кучини қудратини, бир биридан устун эканини исботлашга ҳаракат қиласди. Улардан бири шамолдир. Одатда шамол архитектура элементларига кўпроқ босим ўтказиб келади. Шамолнинг бинога кўрсатаётган таъсирини аниқлаш жуда қийин. Чунки бу, шамол тезлиги ва бинонинг шакли ва юзасига боғлиқ. Шамолнинг тезлигини аниқ ўлчаш жуда

қийин. Шунинг учун шамолнинг бинога таъсирини ҳам ўлчаш қийин. Шамолнинг тезлиги ва унинг бинога таъсирини тахминан ҳисоб –китоб қилинади.⁹

Куч юкламаларига юклар ва таъсирларнинг қуидаги турлари киради: домий юкланишлар – бино конструкцияларининг шахсий оғирлигидан ва асос тупроғини унинг ер ости қисмiga босими;

узоқ вақт таъсир кўрсатувчи вақтинча юкланишлар – қўчмайдиган технологик қурилмадан пардеворлардан, узоқ вақт сақланадиган юклардан (китоб сақланадиган жойлар ва ҳ.к.), асос тупроқларининг нотекис деформацияси таъсирида ва ҳ.к.

қисқа муддатли юкланишлар – харакатланувчи қурилмалар, одамлар, мебель, қор, шамол ва ҳ.к.ларнинг массаси таъсирида;

махсус таъсирлар – сейсмик ҳодисалардан, портлашлардан, бинонинг лессли тупроғи асосининг чўкишидан ва музлаган тупроқнинг эришидан, кон қазиш ишлари таъсир кўрсатадиган худудларда ер сирти деформацияси таъсирида ва ҳ.к.

Кучга оид бўлмаган таъсирларга қуидагилар киради:
ташқи ҳавонинг ўзгарувчан температуралари, улар бинонинг ташқи конструкциялари ўлчамларининг ўзгаришини (температура деформацияларини) ёки конструкциялар бикр махкамланиши оқибатида температура деформацияларининг намоён бўлиши қийинлашганда температура кучланишларини вужудга келтиради; конструкция материалига атмосфера ва тупроқ намлигининг таъсири, у физик (жисмоний) параметрларининг ўзгаришига, баъзида эса материалларнинг атмосфера коррозияси оқибатида ўзгаришига олиб келувчи, шунингдек хоналардаги ҳавонинг буғсимон намлигининг ташқи тўсиқлар материалига таъсирида ўзгаришга олиб келади;

қуёш радиацияси, у хоналарнинг ёруғлик ва температура режимига таъсир кўрсатади ва конструкцияларнинг сиртқи қатламларини физика – техник хоссаларининг ўзгаришини вужудга келтиради (пластмассаларнинг эскириши, битумли материалларнинг эриши ва ҳ.к.);

тўсувчи конструкцияларнинг зич бўлмаган жойлари орқали ташқи ҳавонинг фильтрланиши, бу уларнинг иссиқ изоляцияси хоссаларига ва хоналарнинг температура – намлик режимига таъсир қиласи;

ҳаво муҳитида сувда эрувчи қоришмаларнинг кимёвий агрессияси, улар атмосфера намлиги билан эритилган ҳолатда конструкция материалларини

⁹ Salvadori and Heller “Structure in Architecture” New Jersey

сиртқи қатламларининг емирилишини (кимёвий коррозиясини) вужудга келтиради;

бинолардан ташқарида ва ичидаги манбалардан келадиган турли хил шовқинлар;

улар хоналарнинг нормал акустик режимини бузади;

биологик таъсирлар – органик материаллардан тайёрланган конструкцияни емирувчи микроорганизмлар ёки хашоратлар таъсирида.

Бинолар конструкцияларини лойихалашда уларнинг юқорида санаб ўтилган барча таъсирларга қаршилиги назарда тутилиши керак.

Бу талаб кўтарувчи конструкцияларнинг мустахкамлиги, пишиқлиги ва бикрлиги билан, тўсувчи конструкцияларнинг эксплуатацион сифатларини узоқ муддатга чидамлилиги ва барқарорлиги билан таъминланади.

Конструкциянинг пишиқлиги – куч юкланишларини ва таъсирланишларни емирилмасдан қабул қилиш қобилиятидир.

Барқарорлик – конструкциянинг куч юкланишларида ва таъсирларда мувозанатни сақлай олиш қобилиятидир. У кўтарувчи конструкцияларни фазода мақсадга мувофиқ жойлаштириш ва улар бирикмаларининг мустахкамлиги билан таъминланади.

Бикрлик – конструкцияларни деформациянинг кичик, олдиндан берилган катталиклари билан статистик функцияларни амалга ошириш қобилиятидир.

Чидамлилик – бино конструкцияларининг фойдаланиш жараёнида табиий сифатларини сақлаб қолишининг чегаравий муддатидир. Конструкциянинг чидамлилиги қўйидаги омилларга боғлиқ:

Судралувчанлик – узоқ вақт юкланишда конструкция материалининг кичик узлуксиз деформация жараёни;

совукқа бардошлилик – музлаш ва эриш бир неча кара ўрин алмашганда нам материалларнинг зарур мустаҳкамликни сақлаб қолиши;

намлика бардошлик – материалларнинг юмшани ёки қатламларга ажралиши, қийшайиши ёки ёрилиши оқибатида мустаҳкамлигини жиддий камайтирмасдан намлик таъсирига қарши туриши қобилияти;

коррозияга бардошлилик – материалларнинг кимёвий, физика ва электрокимёвий жараёнлар вужудга келтирадиган емирилишларга қаршилик кўрсатиши;

биобардошлик – органик материалларнинг микроорганизмлар ва хашоратларнинг бузғунчилик (емирувчи) таъсирларига қаршилик кўрсатиши қобилияти.

Эксплуатацион сифатларнинг барқарорлиги, уларга тўсиқларнинг иссиқлик, товуш, гидроизоляцияси ва хавони ўтказмаслиги –

конструкцияларнинг бино ёки конструктив элементнинг лойиҳадаги хизмат кўрсатиш муддати мобайнида изоляция хоссаларини доимий даражада сақлаш қобилияти киради.

Конструкцияларнинг пишиклиги, мустахкамлиги, эксплуатацион сифатлари лойиҳалашда тегишли илмий назариялар ва хисобга олишнинг муҳандислик методлари асосида миқдорий баҳоланади.

Конструкцияларни узоқ муддатга чидамлилигини хисоблашнинг муҳандислик методикаси ҳозирча яратилган эмас. Шунинг учун бинонинг чегаравий хизмат кўрсатиш муддати бўйича узоқ муддатга чидамлилигини шартли баҳолаш қўлланилади.

Бу белгига кўра бинолар ва иншоотлар тўртта даражага бўлинади:

- 1-даража – хизмат қилиш муддати 100 йилдан ортиқ;
- 2-даража –хизмат қилиш муддати 50 дан 100 йилгача;
- 3-даражага –хизмат муддати 20 дан 50 йилгача;
- 4-даражага–хизмат муддати 20 йилгача (вақтинчалик бинолар ва иншоотлар).

Бундан ташқари, бинолар конструкциясининг таснифи ёнғин хавфсизлиги белгиси бўйича амалга оширилади, у конструкцияларнинг ёнувчанлиги ва уларнинг оловга бардошлиги билан белгиланади.

Конструкцияларнинг ёнувчанлиги бўйича қуидаги материаллар фарқланади:

Ёнмайдиган, улар олов таъсирида ёки юқори температуралар таъсирида алангаланмайди, тутамайди ва куймайди;

Қийин ёнадиган, улар қийинлик билан аланга олади, тутайди ва куяди, лекин олов ёки юқори температура бартараф этилганда ёниш ва туташ жараёнлари тўхтайди;

ёнадиган, улар олов ёки юқори температуралар таъсирида алангаланади ёки тутайди ва бу жараёнлар аланга манбаи узоқлаштирилгандан сўнг ҳам тўхтамайди.

Курилиш конструкциясининг оловга бардош бериш чегараси қуидаги чегаравий ҳолатлардан бири вужудга келгунча конструкцияни оловга бардошликка синаш давомийлиги (соат ҳисобида) белгиланади: конструкцияда бузилишлар, феррон ёриқлар ёки тешиклар пайдо бўлганда, конструкциянинг аланга қарама – қарши сиртида температуранинг 220°C дан ортганда.

Бинолар оловбардошлиги бўйича конструкцияларнинг оловга бардош бериш чегарасига ва улар материалининг ёнувчанлик гуруҳига боғлиқ ҳолда беш даражага бўлинади. Оловга бардош беришнинг максимал чегараси (2-2,5 соат) га вертикал кўтарувчи конструкциялар – деворлар ва устунлар эга

бўлиши керак, чунки уларнинг шикастланиши бутун бинонинг бузилишига олиб келиши мумкин. Устёпмаларнинг оловга бардошлиқ чегараси вертикал конструкцияларнига нисбатан 2-2,5 марта кам қилиб белгиланади, чунки ўт тушганда уларнинг бузилиши бинода фақат маҳаллий шикастланишларни вужудга келтиради. Пардеворлар, ёпмалари ва юк кўтармайдиган деворлар оловга бардошликтининг минимал чегараларига (0,25 дан 0,5 соатгача) эга бўладилар.

Оловга бардошликтининг максимал чегарасига шунингдек брондмауэрлар – бинони тўла кесиб ўтувчи яхлит деворлар ва ташқи тўсиқлар четидан камида 0,3м га чиқиб турувчи деворлар эга бўлиши керак. Кўшни брондмауэрлар орасида олинган бино бўлимлараро чегарасида аланга тарқалишини тўхтатиш учун оловга бардошликтининг энг паст даражалари (IV V) даги конструкцияга эга биноларда брондмауэрлар қўлланилади.

Назорат саволлари

1. Биноларга қўйиладиган асосий талаблар нималардан иборат?
2. Мухит параметрлари нима дегани?
3. Бинога қандай ташқи таъсирлар таъсир кўрсатади?

VI. Индустрialiлаштириш ҳақида тушунча. Қурилишда “стандартлаштириш”

Режа

6.1 Қурилишни индустрialiлаштириш.

6.2 Қурилишда “стандартлаштириш”

Калит сўзлар: индустрлаш, қурилиши каталоги, стандарт.

6.1 Қурилишни индустрialiлаштириш

Қурилишни ривожлантиришнинг асосий йўлларидан бири қурилишни индустрialiлаштириш ҳисобланади. Бу қурилиш корхоналарини тубдан ўзгартириш, максимал тайёр йирик конструкциялар ва уларнинг элементлари ҳамда блокларини механизация ёрдамида узлуксиз жараёнда йиғиш ва монтаж қилиш демакдир. Ихтисослашган заводларда тайёрланган бундай конструкциялар йиғма конструкциялар деб аталади. Бу конструкцияларни тайёрлаш ва монтаж ишларини механизациялаш қурилишда, меҳнат сарфини камайтиришга, қурилиш муддатларини қисқартиришга, сифатини оширишга, нархини пасайтиришга ҳамда материалларни тежашга олиб келади. Қурилишни индустрialiлаштиришнинг асосий белгиларидан бири қурилиш-монтаж ишларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, уларда

ишлатиладиган конструкцияларни эса йирик темир бетон буюмлари заводларида, уй-жой қурилиш комбинатларида максимал йиғма ҳолда күплаб ишлаб чиқарилишидир. Йиғма конструкцияларни ҳар хил материаллардан ишлаб чиқариш мумкин. Ҳозир заводларда йиғма конструкциялар күпинча темир-бетондан ишлаб чиқарилади.

Қурилиш амалиётида катта ўлчамли пўлат конструкциялар билан биргаликда енгил металл қотишма ва пластмассадан ишланган йиғма конструкциялар тобора кўпроқ ишлатилмоқда. Йиғма элементларни ишлаб чиқариш вақтида буюмларнинг турларини камайтириш техник ва иқтисодий жиҳатдан жуда муҳим ҳисобланади. Бунга эришиш учун уларни бир хилга келтириш, типларга ажратиш ва стандартлаш талаб қилинади. Бир хиллаш (унификация) деганда турли хил йиғма конструкциялардаги деталларнинг ўлчамларини бир хиллаштириш тушунилади: бунда уларни тайёрлаш технологияси анча соддалашади, монтаж ишлари тезлашади. Қурилиш конструкцияларини бир хиллаш бинонинг ҳажмий планлаштириш параметрлари: қаватларнинг баландлиги, пролётлар ўлчамларининг турлитуманлигини камайтиришга ҳамда конструкцияга таъсир этадиган ҳисобий юклар (нагрузка)ни унификациялашга асосланган. Бир хил шаклдаги конструкцияларни ҳар хил мақсадларга мўлжалланган биноларда ишлатилиши мумкин, яъни бундай ҳолда конструкциялар бир-бирларининг ўрнида ишлатилиб, уларнинг универсаллиги таъминланади. Ўрнини алмаштириш деганда бирор элементни бино параметрларини ўзгартирмасдан бошқа ўлчамга эга бўлган деталл билан алмаштириш тушунилади, масалан, кенглиги 3000мм бўлган том ёпма плиталари ўрнига эни 1500мм плиталардан иккитасини ишлатиш ва ҳ.к. битта конструкция элементини типи ва катта-кичиклиги бўйича ҳар хил кўринишдаги биноларда ишлатиш мумкинлиги элементнинг универсаллиги дейилади. Типларга ажратиш қурилишда кўп марта фойдаланишга ярайдиган айрим конструкцияларнинг иқтисодий жиҳатдан энг самарали ечимини топиш ва танлашдан иборат. Типларга ажратиш қурилиш конструкцияларининг тип-ўлчамларини, ҳамда биноларнинг типлари сонини камайтириш имкониятини вужудга келтириш билан бирга қурилиш ишларини осонлаштиради ва арzonлаштиради.

Лойиха ташкилотлари томонидан таклиф этилган ва қурилиш амалиётида текшириб кўрилган типовой деталлар ва конструкциялар стандартлаштирилади (намуна). Стандартлаш қурилиш конструкциялари ва буюмларини бир хиллаш ҳамда типларга ажратишнинг энг сўнгги босқичидир. Стандартлаштирилган қурилиш элементлари деталлар ва конструкциялар учун маълум бир шаклга, ўлчамларга, сифатларга эга бўлиб, уларни тайёрлашда муайян техник талаб ва шартларга қатъий риоя қилинади.

Бинолар лойиҳасини яратишда стандартлаштирилган ва каталогларга киритилган, буюм ва деталлар қўлланади. Кўплаб қуриладиган биноларда ишлатиладиган йиғма буюмларнинг типлари сонини камайтириш мақсадида деталларнинг ягона сортаменти ишлаб чиқарилган. Қурилиш деталларининг ягона сортаментни жорий этиш буюмларни кўплаб ишлаб чиқариш технологиясини яхшилашга, уларнинг сифатини оширишга ва тан нархини пасайтиришга ёрдам беради.

Индустрислаштириш максимал даражада заводларда тайёрланган иирик ўлчовли конструктив элементлар ва деталларни тайёрлашда, уларни қурилиш бўлаётган жойга транспортда ташишда ва қурилиш майдончасида бино ва иншоотларни йиғиш ва монтаж қилишнинг механизациялаштирилган оқим жараёнида намоён бўлади. Қурилишни индустрислаштириш факат конструктив ечимларни туркумлаш (турларга ажратиш) асосидагина мумкин бўлади.

Қурилишда туркумлаш (турларга ажратиш) техник ва иқтисодий жиҳатдан энг яхши ҳажмий – режавий ечимларни, конструкциялар ва айrim узелларни танлаб олишдан, буюмларнинг турлари – ўлчамларини камайтиришдан ва уларни сериялаб ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан иборат.

Лойиҳалашда туркумлаш тўртта асосий йўналиш бўйича амалга оширилади: бир андозада қурилган уйлар (туар-жойлар, мактаблар, савдо марказлари ва б.): кўп марта фойдаланиш учун биноларнинг бир андозадаги ҳажмий – режавий элементлари; ягона қурилиш каталоги (КК) га бирлаштирилган бир андозадаги конструкциялар ва буюмлар; бир андозадаги узеллар ва деталлар.

Фойдаланишда текширувдан ўтган энг яхши бир андозадаги конструкциялар ва деталлар стандартлар сифатида тасдиқланади.

6.2 Қурилишда “стандартлаштириш”

Стандартлаштириш – бу бир андозагача келтиришнинг юқори даражасидир. Қурилиш деталлари, конструкциялари ва буюмларининг стандарт элементлари Давлат стандартлари (ДСТ) билан тартибга солинади, уларнинг аниқ ўлчамлари ва техник тавсифлари, ташқи кўриниши, синаш методлари, сақлаш шароитлари ва ташиш шароитлари аниқланади.

Бир андозали буюмлар ва деталларнинг жуда кўп хилма – хиллиги, уларни танлаб олишни қийинлаштиради. Бир хил шаклга келтириш тизимини киритиш талаб этилади.

Бир хил шаклга келтириш, яъни бир хиллаштириш бинолар деталлари ва конструкцияларининг факат ўлчамлари бўйича эмас, балки материали ва

конструктив ечими бўйича ҳам ўзаро алмашувчанлигини (универсаллигини) назарда тутади. Барча қурилиш компонентлари ўлчамларини танлаш қоидалари – “Қурилишда ягона модуль тизими (ЯМТ)” амалда. Йиғма конструкциялар ва деталларни бир хил шаклга келтириш биноларнинг ҳажмий режалаштирувчи параметрларини, яъни 100 мм модул (M) га карраги қилиб белгиланадиган қаватнинг қадами, оралиғи ва баландлигини бир хиллаштиришга асосланади. Бино режасини лойихалаштиришда одатда ўзъаро перпендикуляр йўналишда вертикал кўтарувчи конструкциялар (деворлар, устунлар) нинг жойлашувини белгиловчи мувофиқлаштирувчи ёки ажратувчи ўқлар кўрсатилади, улар горизонтал бўйича рақамлар билан ва вертикал бўйича рус алифбоси харфлари билан белгиланади.¹⁰

Назорат саволлар

1. Қурилишда стандартлаштириш нима учун қўлланилади?
2. Йиғма конструкциялар ҳақида маълумот беринг.
3. Индустрялаштириш нима?

VII. “Модул” тизими, конструктив элементларини жойга боғлаш қоидалари. Конструктив элементларни деворлар ўқ чизикларга боғлаш

Режа

7.1 Модул тизими

7.2 Конструктив элементларни ўқ чизикларга боғлаш

Калит сўзлар: *модул, ишилаб чиқариш модули, асосий модул.*

7.1 Модул тизими

Жамоат биноларини ҳажм-лойихалаш бўйича қарорларини турлича бўлишига қарамасдан уларни композициясини учта тури устида тўхталиб ўтамиз. Булар коридор, зал ва анфилада турларидир.

Коридор типидаги композицияларда бир нечта хоналар (иш хоналари, умумий ётоқхоналар, палаталар умумий коридор билан бирлаштирилади.

Анфилада композицияларида кетма-кет жойлашган хоналар бир-биридан ўтувчи бўлади. Бунда харид қилиш ва томоша қилиш айланма харакатланиши имконияти бўлади. Зал типидаги ҳажм-лойихалаш қарорларида (ечимларида) марказлашган композицияни асоси бўлиб зал

¹⁰ Казбек З.А., Казиева М. “Архитектурные конструкции”. Учебное пособие, Москва. 1989 г.

(томушабинлар ўтирадиган, савдо, мутолаа қиласынан, күргазма) ҳисобланиб, қолган хоналар асос атрофида жойлашади. Шунингдек, юқорида күриб чиқылған элементларни бир-бирига уйғунлаштириш асосида аралаш композициялар ҳам құлланылади. Бинонинг ички макон композицияси (интерьер) уни хажм-лойхалаш қарори ечими билан боғланған бўлиши керак.

Жамоат биноларида асосий, ёрдамчи, коммуникация хоналари бўлади. Асосий хоналар жамоат биносини асосий функционал белгиланғанлигига мувофиқ лойхалаштирилади. Бундай хоналарга синфлар ўқув биноларидаги заллар, маъмурий бинолардаги идоралар хоналари ва бошқалар киради.

Тураг жой бинолари одамларни доимий, вақтинчалик ва қисқа муддатда яшаши учун белгиланған. Қаватларга кўра бинолар кам қаватли (1-2 қават), ўртача қаватли (3-5 қават), кўп қаватли (9-16 қават), юқори қаватли (17-26 қават) ва баланд (25 қаватдан кўп) бўлади. Қурилиш характеристига кўра шахар ва қишлоқ учун; функционал белгиланғанлиги бўйича квартирали, меҳмонхона, ётоқхона ва уй-интернатларга бўлинади. Квартирали уйлар. Улар турли сонли таркибиға эга бўлган одамлар, оилаларни доимий яшаши учун мўлжалланған. қуриш характеристига кўра улар участкадан чиқиш йўли билан томорқали камқаватли уйларга (шахар ва қишлоқлардаги ишчи поселкалари), шахар типидаги умумий коммуникация тугунидан квартирага кирадиган, яъни зинапоялар, коридор, галерея (секцияли, коридорли ва галерияли уйлар) орқали кириладиган уйларга бўлинади.

Секцияли уйлар. Ушбу уйлар уй-жой қурилишида кенг тарқалған бўлиб, яшайдиган секциялардан иборат бўлади. У битта зинапоя билан бирлаштирилган. Хар қаватда қайтариладиган квартиralар гурухидан иборат.

Коридорли уйлар. Бундай уйларда уйга кириш умумий коридор ёрдамида ва ушбу коридор зинапоя билан уланған бир неча квартиralар бўлади. Умумий коридорларнинг узунлиги бўлмаслиги ва хар иккала ён томонидан ёруғлик тушган тақдирда 40 метрдан ошмаслиги керак. коридор жуда узун булса, у ҳолда уларни кенгатирилган қисмлари – ҳоллар, кўзда тутилади. Уларни оралиғи 20 метрдан кўп бўлмаслиги ва ҳол билан коридор торцидаги дераза тирқишилари тешиклари, ёриқлари ўртасидаги оралиқ 30 метрдан кўп бўлмаслиги керак.

Галереяли уйлар. Бу хар бир қаватда очиқ ёки ойна билан тўсилган бир тарафлама чиқишига эга бўлган ва зинапоя билан туташган квартиralар йигиндисидир. Галереяли уйлар кам сарфли ҳисобланади,

лекин уларни фақат жанубий туманларда қуриш мақсадга мувофиқ бўлади. Мехмонхоналар (умумий турдаги, сайдёхлик (туристик) курорт). Улар одамларни қисқа муддат яшашига мўлжалланган. Умумий типдаги меҳмонхоналар 15, 25, 50, 100, 200, 300, 400, 500, 800 ва 1000 та жойга, туристик ва курорт мўлжалланган меҳмонхоналар 300, 500, 800 ва 1000 та жойга мўлжалланади. Ётоқхоналар. Улар олий ўрта-махсус ва касбхунар коллежларини студентларини ўқиш даврида вақтинча яшаши учун мўлжалланган. Ётоқхоналар секцияли ва коридорли типдаги уйларда жойлаштирилади. Кариялар учун уй-интернатлар. Улар қариялар, бир ўзи қолган ногиронлар ва соғлиги туфайли доимий назорат остида бўлиши керак бўлган эр-хотинлар учун мўлжалланган.

Турли иқлим шароитларида уйларни лойиҳалаштиришни ўзига хос хусусиятлари. Туар жой уйларини турли-туман архитектура кўриниши кўп жихатдан табиат ва иқлим шароитидан, шунингдек қурилиши миллий анъаналарига кўра белгиланади. I ва II иқлим туманлар учун лойиҳалаштириладиган уйларда асосий эътибор шинамлик, иссиқликни сақлашни таъминланишига қаратилади. Кескин иқлим шароити бўлган ерларда уйларни қуришда усти ёпилган ўтиш жойлари, яъни уйларни жамият бинолари билан туташтирувчи ерларни усти бекилган ҳолда лойиҳалаштирилади. Енгил пневматик қопламалар билан таъминланган сунъий микроклиматли поселкаларни барпо этиш бўйича изланишлар олиб борилмокда.

Жанубнинг табиат-иқлим шароитида биноларни қуёш нуридан ҳимоялаш алоҳида аҳамият касб этади. Бунинг учун қуидагилар зарурдир:

- бинони тўғри ориентациясини танлаш яъни бинони тўғри жойлаштириш.
- хоналарни тўғри (сквозной) ва бурчак остида шамоллатишни таъминлаш.
- архитектура воситаларини кўллаш (соябонлар, (тўсиқлар), кўкарамзорлаштириш ва бошқалар);
- ёзга мўлжалланган хоналардан кенг фойдаланиш;
- юқори даражада иссиқликни сақловчи (теплоизомории) ҳамда вентиляцияни бажарувчи конструкцияларни қўллаш.


Ягона модул системаси.

Бинони ҳажмий-планлаштириш параметрларини, конструкция ва қурилиш буюмлари ўлчамларини бир хиллаш (унификация) ягона модул системаси (ЕМС) асосида амалга оширилади. Қурилишда асосий модул (м) деб 100мм ли ўлчам қабул қилинган. Бино ва йиғма конструкцияларнинг ўлчамлари қиррали белги 100мм билан белгиланади. Модуллар

йириклаштирилган ва майдаланган бўлиши мумкин. Йирик конструкция ва деталларнинг ўлчамлари ҳамда бинонинг ҳажмий планлаштириш ечимлари, йириклаштирилган модулга (60м, 30м, 15м... 2м), нисбатан кичик деталлар ўлчамлари эса майдаланган қиррали белги модулда (12м, 15м, 110м, 1100м) берилади.

Ягона модул системаси йиғма конструкциялар орасидаги тирқиши ва чокларни ҳисобга олган ҳолда, модул ўлчамларининг уч хилини, яъни номинал, конструктив ва ҳақиқий ўлчамларни кўзда тутади.

Конструкцияларнинг номинал ўлчамлари L_X – бинонинг координата ўқлари оралигидаги (тирқиши ва чокларнинг тегишли қисми билан биргаликда) масофа. Конструктив ўлчам L_K – эса йиғма элементларнинг лойиҳада кўрсатилган ўлчами ҳисобланиб, номинал ўлчамлардан тирқиши ва чокларнинг нормаллаштирилган катталигига фарқ қиласди. Ҳақиқий ўлчам ЛФ – тайёр конструкциянинг амалдаги ўлчами ёки қурилган бинонинг режа ўқлари орасидаги ҳақиқий масофага teng катталик (расм).




Конструктив элемент ўлчамлари

- 1 – конструктив элемент;
- 2 – тирқиши;
- а) – номинал ва конструктив ўлчами;
- б) – амалдаги ҳақиқий ўлчами.

7.2 Конструктив элементларни ўқ чизиқларга боғлаш

Деворлар ва каркас устунларини координата режа ўқларига боғлаш.

Деворлар ва каркас устунларини координата ўқлари ички деворлари маркази бўйлаб, ташки деворларда эса деворнинг ички қиррасидан 50 ёки 100 мм га ортиб борувчи масофада ўтади. Четки қаторларда жойлашган устунларда эса режа ўқлари уларнинг маркази бўйича (ўқ бўйича боғлаш) ёки конструктив элементнинг қирраси бўйлаб (нол нуқтада боғланган) ўтади.



Деворлар ва колонналарни координатна режса ўқларига боғлаш

- а) кўтариб турувчи деворлари бўйлама турган бино;
 - б) кўтариб турувчи деворлари кўндаланг турувчи бино;
 - в) каркасли бино;
- И – 4, А, Б, В – бинонинг координата ўқлари.

Конструктив ечимларни техник-иктисодий жиҳатдан баҳолаш.

Лойиҳалаш жараёнида бинони вазифасига ва техник талабларга мослигидан ташқари, қурилиш материалларининг сарфи бўйича мувофиқлиги ҳам кўрсатиб берилади. Биноларнинг кўриниши ва конструктив ечимларига кўра у ёки бу техник-иктисодий мезонлар ишлатилади.

Бундай мезонлардан асосийлари: 1) конструкцияларга қўйилган талабларга (техник, эксплуатация ва б.) мувофиқлиги; 2) ҳозирги замон талабларига кўра ишлаб чиқариш методлари бўйича индустрлаштиришга монандлиги, йиғмалик даражаси, транспорт билан олиб юришга мослиги; 3) конструкциялар нархи (абсолють ва қурилиш нархи); 4) бинони ташкил этувчи конструкцияларни тайёрлашга ва ўрнатишга сарф бўладиган меҳнат (одам = соат, одам = кун, машина = смена); элементларни ўрнатиш, яъни йиғиши, монтаж қилиш ёриқларни тўлдириш ва бошқа ишларга сарфланадиган меҳнат; 6) бирор буюм ёки конструкциянинг ўлчам бирлигига сарф бўлган қурилиш материаллари (битта тўсин ёки 1м³ тўсин учун сарф бўлган арматура).

Юқорида санаб ўтилган техник-иктисодий мезонлар қийматлари ҳар доим абсолют ёки нисбий сонларда кўрсатилиши керак. Шунга асосан бино

конструкциялари ва конструктив ечимларини баҳолаш уларнинг кўрсаткичлари бир бирлик ёки 100% қилиб олинади.

Биноларни лойиҳалашдан олдин бинонинг конкрет класси ёки эксплуатация шароитларини ҳисобга олиб, қайси конструктив ечим ҳамма талабларга жавоб бериши аниқланади, сўнгра улар техник-иктисодий солиштирилиб, уларни ичидан рационал бўлган ечим танлаб олинади.

Лойиҳалаш жараёни ва техник-иктисодий кўрсаткичлар

Лойиҳа ташкилотлари лойиҳа тузишни топширадиган – буюртмачи ташкилотдан топшириқ олиб, бино лойиҳаларини тайёрлайди. Лойиҳа икки босқичда бажарилади: 1) топшириқ лойиҳаси; 2) иш чизмаси. Айрим ҳолларда техник лойиҳа ҳам чизилади. Топшириқ лойиҳасига (бунда эскиз кўринишида чизилади) қуйидаги материаллар киради:

- схема тарзида кўрсатилган бино қаватлари;
- бинонинг схема тарзида кўрсатилган кесими;
- бинонинг олд томондан кўриниши (фасади);
- участка бош режаси (генплани);
- бинони макети
- тушунтириш хати.

Иш чизмаси таркибига ҳар бир қават режалари, кесими, ташқи кўриниши, пойдевор чизмалари, ҳамма мураккаб тугун чизмалари, қаватлааро ёпмалар режалари, ички ва ташқи пардозлар, заводларда тайёрланган деталлар спецификацияси ва тушунтириш хати киради.

Топшириқ лойиҳаси буюртмачи топшириғига кўра тузилади ва унда юқорида айтилганлардан ташқари қуйидаги техник-иктисодий кўрсаткичлар ҳам келтириллади: турар жой майдони (Пж); иш майдони (Пр); ёрдамчи майдон (Па); бинонинг фойдали майдони ($P_p = P_{ж} + P_v$); бино қурилиш майдони (Пз); қурилиш ҳажми (0).

Асосий кўрсаткичларга қуйидагилар ҳам киради:

$$a) K_1 = \frac{P_{ж}}{P_p} \% \text{ (турар жой биноларида)}$$

$$b) K_2 = \frac{O_{ж}}{O_{пр}} = \frac{O_{ж}}{O_{пр}}$$


Бу ерда K_1 – бир хонали квартиralар учун 0,54-0,56; икки хонали учун 0,58 – 0,6; уч хонали учун эса 0,62 – 0,64 га teng бўлиши керак.

K_2 – бино ҳажмидан фойдаланиш кўрсаткичи.

Шундай қилиб, иш чизмаси қурилаётган бинонинг асосий хужжатларидан бири ҳисобланиб, инженер – техник ходимларнинг асосий дастури бўлиб хизмат қилади.

Устёпма ёки қоплама (ёпма) асосий кўттарувчи конструкцияси узунлигига мос келувчи, режада бўйлама деворлар ёки бўйлама қаторлар ўқлари орасидаги масофа оралиқ дейилади; устунларнинг кўндаланг қаторлари ўқлари орасидаги масофа, яъни бўлинадиган ўқлар орасидаги масофа – устунларнинг қадами деб аталади.¹¹

Бўйлама ва кўндаланг ўқлар тизими бино режасида тўғри тўртбурчакли тўрни ҳосил қилиб, у устунлар тўри деб аталади. Устунлар тўрини ёзишда дастлаб оралиқлар саналади, кейин эса қадам кўрсатилади. Масалан, агар бинода 6,3 ва 6 м бўлган учта оралиқ бўлса, устунлар қадами эса 6м бўлса, у ҳолда (6+3+6) x 6 деб ёзилади.



Лойиҳалашда модуль тизими ва бино режасида ўқларнинг жойлашиши

Биринчи қават полининг сатҳи шартли 0,000 (м) белги учун қабул қилинади. Нолдан пастдаги сатҳ (- минус) ишорасига эга бўлади.

Баъзида элементларнинг ўлчамларини ҳосилавий йириклиштирилган модул (200, 300, 600 мм ва ундан ортиқ) га қиррали белги қилиб ёки ҳосилавий каср модул (50, 20, 10, 2, 1 мм) га каррали қилиб қабул қилинади. Режалаштириш ечимларининг асосига қўйилган модуль режалаштирувчи модуль (РМ) дейилади.

¹¹ Бюттнер О., Хампе Э. “Сооружение – несущая конструкция – несущая структура”, Учебное пособие, Москва. 1983 г.

Хусусан, ғиштли бинолар учун РМ 300 мм (3М) га, йирик панелли бинолар учун – 6 М ёки 12 М га тенг. Саноат бинолари учун РМ – 60 М (6000 мм) ёки 30 М (3000 мм).

Режалаштирувчи модуль режага модулли мувофиқлаштирилувчи (координацион) ўқлар тизими – ораларидаги масофа режалаштирилувчи модулга тенг бўлган тўғри тўтрбурчак чизиқлар тўри қўлланилади. Лойиҳалашда номинал модул ўлчамларидан; конструктив ўлчамлардан, яъни элементлар ёки буюмларнинг ўлчовлари номинал ўлчовлардан буюмлар орасида чоклар ва оралиқлар ўлчамига тенг миқдорда кичик; ҳақиқий ўлчамлар (координацион ўқлар орасидаги ҳақиқий масофа), улар конструктив ўлчамлардан белгиланган қўйимлар чегарасида фарқ қиласди.

Режада ёки қирқимда координацион ўқларга нисбатан жойлашуви боғланиш деб аталади.

Назорат саволлари

1. Лойиҳалаш жараёни ҳақида маълумот беринг.
2. Техник иқтисодий кўрсаткичлар нима?
3. Турар жой майдони қандай аниқланади?

VIII. Туаржой уйлари ва уларнинг мажмуаси

Режа

8.1 Туаржой уйлари турлари

8.2 Туаржой уйлари (хонадонлар)ни лойиҳалаш

Калит сўзлар: *ётоқхона, меҳмонхона, оиҳона.*

8.1 Туаржой уйлари турлари

Иншоотлар асосларини юқорида кўрсатилган чегаравий ҳолат бўйича хисоблаш муносабати билан тупроқларни баҳолаш пишиқлик (мустахкамлик) бўйича ва уларнинг юкланиш остида деформацияланиш қобилиятига кўра (сиқилувчанлиги бўйича) амалга оширилади.

Тупроқларнинг мустахкамлигини баҳолаш ва пойдеворларни чегаравий ҳолатларнинг биринчи гурухи бўйича хисоблаш учун асос тупроқларининг сиқилишига хисобий қаршиликларини аниқлай олиши зарур. Асосларнинг юкланиш остида деформацияланиш қобилиятини баҳолаш ва пойдеворларнинг чўкишини аниқлаш учун тупроқларнинг сиқилувчанлик тавсифларини (хусусиятларини) билиш зарур

Хонадонларнинг юқори қаватларига кириш очиқ ташқи зинапоя орқали, шунингдек бино ҳажми ичидаги жойлаштирилган зинапоя бўйича амалга оширилиши мумкин (қурилиш ҳудудининг иқлим шароитларига боғлиқ ҳолда) (расм).



Блокировка қилинган турар-жой


Баъзида блокировка бир қаватли киритмалар ёрдамида амалга оширилади, уларда кириш тамбури, киравериш хонаси ёки гараж жойлаштирилади.

Блокировка қилинган уйлар учун режани ички томонга ривожлантириш хосдир. Бу қурилишнинг самарадорлигини таъминлайди ва ташқи деворлар сирти юзининг камайиши ҳисобига иссиқлик йўқотишларни жиддий қисқартиради.

Блокировка қилинган турар-жой уйларининг меъморий композициясининг хилма-хиллигига эгри чизиқли блокировкалаш туфайли ва текисликда жойлаштирилган мансарда деразалари бўлган қия ташқи тўсиқлар туфайли эришилади.

Бундай уйлардаги хонадонларнинг юзи шаҳар типидаги секцияли уйларга нисбатан 2-5% орттирилиши мумкин. Хонадонлар боғ ва полиз учун 0,3-0,6 гектарли ер участкаларига эга бўлиши мумкин. Бу турдаги хонадонларда – биринчи қаватда кундузги фаоллик худудларини ва иккинчи қаватда ётоқхоналарни аниқ ажратиш зарур (расмлар).





Блокировка қилинган туарар-жой уйлари. №1-түр.
 (Фасадлар, 1 ва 2 қаватларнинг режалари)



Блокировка қилинган туарар-жой уйлари. №2-түр.
 (Фасадлар, 1 ва 2 қаватларнинг режалари)

Блокировка қилинган уйларнинг хўжалик худудлари остида ертўлалар ёки подваллар қуриш тавчия этилади. Хонадонлар ўртасида шахсий машиналар учун гараж жойлаштириш мумкин. Бу ҳолда икки қўшни гаражни тўсиш амалга оширилади.

Блокировка қилинган уйлар марказий тармоқларга уланадиган барча муҳандислик қурилмалари билан таъминланади.

Хонадонларни блокировка қилишда канализация ўтказилган қўшни хонадонларни ёнма-ён жойлаштириш мақсадга мувофик.

8.2 Туаржой уйлари (хонадонлар)ни лойиҳалаш

Хонадонда яшаш хоналари, ошхона, дахлиз, хожатхона, ванна ёки душ, девор ичига қурилган шкафлар, ёзги хоналар(айвонлар) кўзда тутилиши керак. Давлат ёки махаллий бюджет ҳисобига қуриладиган ижтимоий («муниципал») туаржой фондига қарашли оддий (меъёрий) класс қулайликли квартира майдонини 1 жадвал ва 7 тавсиявий (1 жадвал) илова кўрсатгичларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади.

1 жадвал

Квартиralар Тури	Оила таркиби, одам	Квартира майдони*) (ёзги хоналарсиз), м ²	Шу жумладан яшаш майдони, м ²
1-хонали	1	28-30	14-16
1-хонали	2	32-36	18-20
2-хонали	3	48	30
3-хонали	4	64	40
4-хонали	5	80	53
5-хонали	6	96	66
6-хонали	7(8)	114	78

*Квартиralарни нормаланадиган майдони (ёзги хоналарсиз ва совук кладовкаларсиз) яшаладиган ва ёрдамчи хоналарни ўз ичига олади.

Изоҳлар: 1. Жадвалда берилган рақамлар, шаҳар ва қишлоқ жойлардаги «ижтимоий» квартиralи турар-жойларнинг барча турларига таалуқлидир.

Квартиralар майдони 1 яшовчига яшаш майдон 16m^2 бўлган ижтимоий меъёр ҳисобидан келтирилган (1 одамга 1 хоналидан ташқари).

2. Конкрет (аниқ) шаҳарсозлик шароитларида квартиralарининг таркиби ва майдон кўрсаткичлари, ижтимоий-иктисодий холатини ижтимоий (муниципал) туаржойга кўчиб-киришга даъвогарлик қилаётган аҳоли таркибининг демографик хусусиятларини, қурилишни ресурс билан таъминланганлигини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш топшириғи билан З-иловадан ташкил топган мураккаб оиласлар учун хоналар таркиби ва майдонлари белгиланади (қариялар ва кресло-аравачаларда ногиронлар эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда).

1 одам учун квартирада хонани майдони 14m^2 дан, 2 одам учун 18m^2 дан кам бўлмаслиги керак.

2-3 хонали квартираларда умумий хонанинг майдони 16m^2 дан кам бўлмаслиги керак.

Ётоқхона яшаш хонаси майдони 2 киши учун 12m^2 дан кам бўлмаслиги керак, ота-оналар ётоқхонаси учун $13-14\text{m}^2$ тавсия қилинади. 1 кишилик ётоқхона хонаси 8m^2 дан кам бўлмаслиги керак, қайта-тиклаш (реконструкция шароитида, болохона қаватида жойлаштирилганда эса 7m^2 га йўл қўйилади (квартирада бошқа яшаш хоналари мавжуд бўлган холда).

Квартиralарнинг барча турларида ётоқхона ва бальконлар орқали бошқа хоналарга ўтиладиган бўлмаслиги керак.

Ошхона майдони, қоида тарзида 8m^2 дан кам бўлмаслиги керак.

Қайта тиклаш шароитида 1 хонали квартиралар учун ошхоналар ва тахмонсимон ошхоналарни 5m^2 қилиб лойиҳалаш мумкин.

I қурилиш – иқлимий зона шароитида 1 кишига ётоқхона-яшаш хонаси $9-10\text{m}^2$ бўлиши, 2 кишига эса 14m^2 дан кам бўлмаслиги, 1 хонали квартирада яшаш хонаси $16-18\text{m}^2$, бўлиши керак.

Изоҳлар: 1. Квартиralар яшаш ва ёрдамчи хоналарнинг ўлчамлари жихозлар зарурий тўплами ва эргономика талабларини ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Ётоқхонани эни, қоида тарзида, $2,2\text{m}$ дан, умумий хонани эни эса – 3m дан кам бўлмаслиги керак.

2. Яхшиланган ва юқори қулайликли квартирадаги қўшимча хоналарнинг майдонлари: меҳмонхона, емакхона, кабинет (кутубхона), болалар хонаси (ўйинлар учун), машқ қилиш хонаси, бильярд хонаси, хўжалик кладовкаси, ичкарига қурилган гаражлар, хусусий (шахсий) устахона ва б. лойиҳалаш топшириғи билан аниқланади.

3. Алоҳида иситиш қозони учун хона 5m^2 дан кам бўлмаслиги керак.

Фуқаролар ёки ташкилотлар шахсий маблағлари ҳисобига қуриладиган, нодавлат тураг-жой фондининг тураг-жой уйлари, оддий, яхшиланган ва юқори қулайликли квартираларни ўз ичига олиши мумкин. Яхшиланган қулайликли квартиралар 1 яшовчига умумий майдон 23m^2 дан кам бўлмаслиги, юқори қулайликлисида эса 1 кишига 30m^2 дан кам бўлмаслиги ва оилани ҳар бир аъзосига алоҳида хона бўлишини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштирилади.

Изоҳ: Яхшиланган ва юқори қулайликли квартиралар хоналари таркиби ва майдонлари 7 илова (2 жадв.) кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда, мухандислик асбоб-ускуналари билан жихозланишини эса 14 илова бўйича қабул қилиниши тавсия қилинади.

Ошхонани эни, жихозлар бир томонда жойлашганда 1,7 м дан; икки томонида жойлашганда-2,2 м дан; дахлизни эни қоида тарзида 1,4 м дан, квартира ичи йўлаклари, яшаш хоналарига олиб борувчи – 1,1 м дан, ёрдамчи хоналарга олиб борувчи – 0,9м дан кам бўлмаслиги керак.

Ёзги хоналар – айвонлар, балкон, лоджиялар, қаватларида квартиralарга ёндош ҳовлилар лойиҳалаш топшириғида кўзда тутилади.

Ойнаванд ёзги хоналар майдони бирхонали квартира учун 5m^2 дан, эни 1,4м; учхоналиқда 10m^2 дан кам бўлмаслиги керак.

Изоҳ: Ёзги хоналар турларининг тавсифи 1 иловада келтирилган.

Квартиralарнинг санитария-гигиена хоналари Ушбу меъёрларни 9.6.б бўйича санитария-гигиена асбоб-ускуналари билан жихозланганлик талабларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштирилиши керак.

Хожатхоналар қўлювгичлари билан лойиҳаланиб, эни, одатда 1,6м дан, бирлаштирилгани эса – 2,2 м дан кам бўлмаслиги керак.

Назорат саволари

- 1.Тураг жой уйлари мақсадга кўра қандай турларга бўлинади?
2. Блокировка қилинадиган уйлар қандай бўлади?

IX. Коридор ва галерея типидаги тураг-жойлар

Режа

9.1 Коридор типидаги тураг-жойлар

9.2 Галерея типидаги тураг-жойлар

9.3 Режалаштиришнинг секцияли тизими

9.4 Режалашнинг анфилада тизими

9.5 Режалаштиришнинг залли, атриумли ва аралаш (комбинацияланган) тизимлари

Калит сўзлар: *Коридор, галерея, секция, анфилада, атриум.*


9.1. Режалаштиришнинг коридорли (дахлизли) тизими

Коридор билан бириктирилган бино режасида хоналарнинг жойлашиши тизими режалаштиришни коридорли тизими номини олган. Бунда хоналар коридорнинг бир томонида ёки икки томонида жойлаштирилиши мумкин.


Хоналар бир томонда жойлаштирилганда коридор табиий ёруғлик билан яхши ёритилади, бу ҳол айрим ҳолатларда жуда ҳам зарурдир, масалан, мактабларда коридор бир вақтнинг ўзида рекрацион хона сифатида хизмат қиласи. Хоналарнинг бир томонда жойлаштирилишининг камчилиги шундан иборатки, бунда бинода қўшимча юза ва ташқи деворларнинг периметри

ортади, бу эса хажмий – режавий ечимнинг иқтисодий тавсифини ёмонлаштиради.


Коридорли схема – бу коридор билан бирлаштирилган ячейкалар – унча катта бўлмаган ўлчамдаги хоналардир (расмлар).



Коридорли схема. Хоналар коридорнинг бир томонида жойлашган




Коридорли схема. Хоналар коридорнинг икки томонида жойлашган



Коридорли схема. Хоналар коридорнинг периметри бўйлаб жойлашган

Қаватлари сони унча кўп бўлмаган, хонадонлари доимий яшаш учун мўлжалланган коридорли турдаги турагар-жой уйлари коридорнинг иккала томонидан жойлаштирилган кам хонали (бир, икки хонали) хонадонлардан компоновка қилинади (расм).



Коридорли турдаги турар-жой уйларининг ҳажмий-режавий ечими

Хонадонларнинг коридорнинг икки томонида жойлашиши бинони эни бўйича ўлчамларини ортиради, бунда хонадонлар бир томонлама жойлашиб, уларни шамоллатишдан маҳрум қиласди, бу эса шимолий иқлим ҳудудида ижобий омил бўлса, жанубий иқлим ҳудудида салбий омил ҳисобланади. Шунинг учун коридорли схема Ўзбекистонда турар-жой биноларини қуриш учун қўлланилмайди.


Хонадонларнинг секцияли уйларга нисбатан камроқ изоляцияланганлигини ҳам камчиликлар қаторига киритиш лозим. Шунинг учун коридорли турдаги уйларда хоналари сони кўп бўлган хонадонлар жойлаштирилмайди.

9.2 Галерея типидаги турар-жойлар

Режалаштиришнинг галереяли тизими

Галереяли уй – кўп қаватли турар-жой уйининг бир тури бўлиб, унда квартиralарга (хонадонлар) кириш бинонинг бир томонида жойлаштирилган очиқ галереяларда амалга оширилади. Галереялар камида иккита зинапоя (эвакуация қилишнинг икки йўли), баъзида лифт орқали бириктирилади.

Галереяли уйлар жанубий худудларда қуриш учун мўлжалланган (расм). Уйни галереяли қилиб режалаштиришда ҳамма хонадонлар икки томонлама ориентацияга эга бўлиб, бу уларга зарур инсоляция ва шамоллатишни таъминлайди.



Галерея туридаги туар-жой уйларининг ҳажмий режавий ечими

Галереялари уйлар ойнаванд бўлганда улардан шовқиндан ҳимояловчи бинолар тарзида фойдаланиши мумкин.


Зинапоялар сони ва уларнинг жойлашиши умумий композицион ғоя билан белгиланади. Хонадонга кириш жойидан зинапоягача бўлган масофа ёнгин хавфсизлиги талабларига кўра 25 м дан ортиқ бўлмаслиги керак.

Галереяли уйда, одатда, унча катта бўлмаган 1-2 хонали, камдан-кам ҳолларда 3-хонали хонадонлар жойлаштирилади. Хоналар сони катта бўлганда икки сатҳли хонадонлар режалаштирилади.


“Дуплекс” туридаги икки қаватли хонадонларда (3-5 хонали) галерея ҳар бир иккинчи қаватда назарда тутилади ва кўп жиҳатдан уйнинг асосий ҳажмига киритилади. Шундай қилиб, галереялар икки қаватга битта қилиб жойлаштирилади, бу эса ётоқхоналари жойлаштириладиган хонадонлар сатҳи юзасини оширишга имкон беради (расм).

Уйнинг анча шовқин қисми бўлган галерея томонидаги хонадонда ошхона, киравериш хонаси, санитария узеллари, омборхоналар режалаштирилади.

Галереялар бинонинг архитектура қиёфасини жиддий ўзгартиради. Узун галереялар, рангли тўсувчи панеллардан фойдаланиш ёки фигурали панжаралардан фойдаланиш, қуёшдан ҳимояловчи қурилмалардан фойдаланиш ифодали эстетик элемент бўлиши мумкин.




Галереяли уй қаватининг режсалари



Галереяли уйнинг қирқими

Галереяли уйнинг афзалликлари жойни тежащдан иборат (камроқ катакларидан фойдаланиш мумкин), хонадонлар бир вақтда икки томондан чиқиш имкониятига эга бўлади, бунга коридорли уйда эришиш мумкин эмас. Хонадондан зинапоя катагигача йўл одатда очилади ва хонадонлар кўриниб туради. Ўтиш йўллари пол сатҳини Пингуссон тизими бўйича пасайтириш қисман ечим бўлади.




Галереялар ва хонадонларнинг боғланиши кўрсатилган галереяли уйларнинг схематик қирқимлари

Узун яхлит галереялар одатда конструктив жиҳатдан консоль плиталар тарзида ҳал қилинади, галереялар узун таянчлар қаторига эга бўлган ҳолларда бу қўшимча миқёсни яратиши мумкин.

Галереяли уйларда хонадонларни режалаштиришнинг коридорли уйлардаги каби схемаларидан фойдаланиш мумкин, бундан хонадонлар юзидан вертикал коммуникациялар учун банд қилиш усули жуда кам қўлланилиши мустасно, чунки вертикал коммуникациялар осон ажратилиши ва бино ҳажмидан ташқарида жойлаштирилиши мумкин (расм).

Галереяли уйлар бир қатор афзалликларга эга: тежамкорлик, бунда бир ёки икки зинапоя лифт билан бирга кўп миқдордаги хонадонларга хизмат қилиши мумкин, галереяларнинг қиймати эса унча юқори эмас;



Галереяли уй режасининг бир қисми

конструктив схемасининг соддалиги, бу режавий бирликларни кўп карра такрорланишидан иборат; шу билан бирга зинапоя катаклари ва лифтларни бино габаритидан ташқариға чиқариш мумкин;

хонадонларнинг санитария-техник сифатлари юқори, бу яшаш хоналарини керакли томонларига мўлжаллаб оптималь жойлаштирилиши ва

фаррон шамоллатилиши билан таъминланади, бу эса иссиқ иқлимли худудлар учун айниқса муҳимдир;


хонадонларнинг қулай ва тежамли режалаштирилиши; бу галерея томонидан фақат асосан ёрдамчи хоналарни – кираверишни, санузелни, ошхонани жойлаштиришга, яшаш хоналарини эса қарама-қарши томонга жойлаштиришга имкон беради. Кўпчилик ҳолларда санузелни табий ёруғлик билан ёритиш ва уни яхши шамоллатиш имкони мавжуд бўлади.

Галеряли уйларнинг режалаштирилиши схемалари асосан зинапояларнинг жойлашиши билан фарқланади. Уларни икки асосий гурӯҳга ажратиш мумкин: уй габаритидан ташқарига чиқарилган зинапояли уйлар ва зинапоялари уй габаритига киритилган уйлар. Зинапояларни уй габаритидан ташқаридан жойлаштириш конструктив элементларни стандартлаштиришга ва такрорлашга имкон беради, бу индустрисал қурилишга янада мос келади, шунингдек уй узунлигини қисқартиради. Хонадон хоналарини қоронғилаштирмаслик учун кўпинча зинапоялар уйдан маълум бир масофада жойлаштирилади.

Зинапоялар орасидаги масофалар ёнғин хавфсизлиги нормалари билан тартибга солинади.

9.3 Режалаштиришнинг секцияли тизими


Секцияли тизим бинони қаватлараро режалари такрорланадиган битта ёки бир нечта бир хил хусусиятли фрагментлар (секциялар)дан тузишдан иборат бўлиб, бунда ҳар бир секциядаги барча қаватларнинг хоналари умумий вертикал коммуникациялар зинапоя ёки лифтлар билан боғланган. Секцияли тизим–ўрта ва катта қаватликдаги хонадонли тураг-жой уйларини лойиҳалашда асосийдир (расм).




Секцияли схема

Кўп секцияли тураг-жой бинолари бинонинг ҳажмий-режавий тузилишининг элементлари бўлиб ҳисобланган бир неча секцияни блокировка қилиш билан шакллантирилади. Секциялар қаторли ва бурилувчи

қилиб, шу жумладан қирралы тугалланиши ёки уларсиз қилиб лойихалаштирилади (расмлар).



Туар-жойнинг оддий секцияси режаси



Кўп секцияли туар-жой уйларида секцияларни блокировка қилиш усуллари

Оддий секциялар (қаторли) (шу жумлада қиррали чети бўлганлар) режа шаклига кўра тўғри чизиқли ёки режада сурилган бўлиши мумкин,

шунингдек мураккаб шаклда (шу жумладан эгри чизиқли, Т-симон ва х.к.) бўлиши мумкин.

Бурилган секциялар (шу жумладан бурчакли) бинони:


- 1) икки йўналишда (бурилиш бурчаги 90^0 , 135^0 ва бошқа бўлган секциялар – бурчакли секциялар);
- 2) уч йўналишда (бурилиш бурчаги 90^0 , 120^0 ва бошқа бўлган секциялар) ривожлантириб, лойиҳалашги имкон беради.

Бурчакли секциялар қўйидагича турларда бўлади:

зинапоя катагини (ёки зинапоя лифт узелини) секциянинг ички (ёки ташқи) томонига мўлжал олган ҳолда унинг марказий қисмida жойлаштириш билан;

зинапоя катагини (ёки зинапоя-лифт узелини) секциянинг ички (ёки ташқи) бурчагида жойлаштириш билан;

зинапоя катагини ва лифт узелини секциянинг қарама-қарши томонларига мўлжаллаб.



Кўп секцияли турар-жой уйларида бурилиш бурчакларини шакллантириши усуллари

Оlam томонларига қараб мўлжал олиш ва хонадонларни изоляция қилиш шароитларига кўра кўп секцияли турар-жой бинолари секцияли турли кўринишда лойиҳалаштирилади (расм).




Блокировка қилинган секциялардан иборат турар-жой мажмуси лойихаси

- универсал (чекланмаган) мүлжалли;
- қисман чекланган мүлжалли (кенгликли);
- чекланган мүлжалли (меридионал).

Бир секцияли тураг-жой бинолари хонадонларнинг ёруғлик фронти учун ташқи деворлар периметридан максимал фойдаланишга, ёки бурчакли шамоллатиш билан таъминланган икки томонлама (шу жумладан бурчакли) мүлжалга эга хонадонларнинг энг кўп сонини киритишга имкон беради.

Бир секцияли тураг-жой бинолари шакли бўйича фарқланади (расм): *иҳчам режали* – квадрат, тўғри тўртбурчак, доира ёки элипс шаклидаги;




Минора туридаги бир секцияли турар-жой бинолари қаватларининг режалари

9.4 Режалашнинг анфилада тизими

Анфилада (фр. *Enfilade* от *enfiler* – ипга тизиш) – бир ўқда жойлашган бир-бираига кентма-кет турадиган фазовий элементлар (хоналар, ҳовлилар, шаҳар қурилиши фазолари) қатори бўлиб, у узлуксиз перспективани ҳосил қиласди.


Турар –жой ва кираверишдаги хоналарнинг интеръер анфиладалари барокко ва классицизм архитектурасида кенг тарқалди. Монументал фазовий анфиладалар классицизм даврида асос солинган шаҳарлар тузилишида ҳам намоён бўлган.

Анфилада схемаси – хоналар бирин - кетин жойлаштирилади, одатда, бир ўқда жойлашадиган эшик ўринлари орқали бирлаштирилади. Бу тизим бир хонадон иккинчисига уларнинг деворларидағи оралиқлар орқали бевосита ўтишни назарда тутади (расмлар).



Анфилад (тўғри тўртбурчак) схема


A-тўғри тўртбурчакли; Б-марказли.



Режалашининг анфилад тизими. Ҳалқали схема


9.5 Режалаштиришнинг залли, атриумли ва аралаш (комбинацияланган) тизимлари

Режалаштиришнинг залли тизими бинонинг одатда, функционал вазифасини (кинозал, спорт зали ва ҳ.к.) белгиловчи битта катта (бош) хонасини назарда тутади, унинг атрофида қолган зарур хоналар гурухланади (расм).




Залли режалаштириши схемаси

Бу тизим томошабоп, спорт ва савдо биноларини лойиҳалашда энг кўп тарқалган. Залли тизим битта ёки бир нечта зали бўлган бинолар учун қўлланилади (расм).



Кинотеатр. Режалаштиришнинг залли тизими
1 – вестибюль; 2 – файе; 3 – томошибинлар зали; 4 – эстрада

Атриум тизими – очик ёки ёпиқ ҳовлили (атриум), унинг атрофига у билан бевосита очик (галерея) ёки берк (ён коридорлар) коммуникацион хоналар орқали боғланган асосий хоналар жойлаштирилган.



Режалаштиришнинг атриумли тизими


Жанубий тураг-жойда режалаштиришнинг атриум схемаси анъанавий фойдаланишидан ташқари йирик залли кам қаватли биноларни – усти берк бозорларни, музейларни, кўргазламаларни лойиҳалашда, шунингдек мактаб биноларида, кўп қаватли меҳмонхоналарда ва маъмурий биноларда кенг кўлланилади.

Очиқ ҳовлиларда тизимнинг афзаликлари – технологик схема бўйича зарур очик ва берк фазолар орасидаги яқин алоқа ҳисобланади. (бозор биносида – савдо заллари билан мавсумий савдо макони ўртасидаги, музей биносида эса ёпиқ ва очик экспозиция орасидаги боғланиш).

Берк ҳовлиларда атриум тизимининг афзалликлари – йил бўйи фаолият юритадиган жамоат макони яратиш ва бинонинг умуман иссиқлик тежамкорлигини ошириш.

Турли тизимлар элементларини ўзига олувчи **аралаш (комбинациялашган)** тизим асосан кўп функционал биноларда учрайди, чунки уларда турли хил функционал жараёнлар (асосий ва ёрдамчий) учун хоналар бирлаштирилади.

Кўпчилик ҳолларда режалаштириувчи схемалар икки-учта асосийларидан комбинация қилинади. Мана, масалан, йирик жисмоний тарбия – соғломлаштириш биносида спорт залларининг залли тизими спорт секциялари ва тўгаракларда машғулотлар учун хоналарни коридорли режалаштириш билан қўшиб олиб борилади (расм).



Режалаштиришинг аралаши тизими
1 – зал тизими; 2 – коридор тизими

Назорат саволлари

1. Коридорли схема тўғрисида тушунча беринг.
2. Коридорли турдаги турагар жой уйларнинг ҳажмий–режавий ечими қандай бўлади?
3. Анфилада сўзининг маъноси нима?

X. Кўргон туридаги турагар-жой уйлари ҳақида маълумот

Режа

10.1 Кўргон туридаги турагар-жой уйлари

10.2 Мансардали бир хонадонли қўргон типидаги турагар-жой

Калит сўзлар: *инфратузилма, муҳандис, ободонлаштириши*.

10.1 Кўргон туридаги турагар-жой уйлари

Кичик ва ўртача шаҳарлар қурилишида қўргон туридаги якка тартибдаги турагар-жой уйлари кенг тарқалган. Йирик шаҳарларда кам қаватли турагар-жой уйларини яқин шаҳар атрофи, шунингдек қўриқланадиган худудларда қуриш режасига киритилади.

Қўргон уйлар архитектура-қурилиш амалиётида икки асосий тур билан тақдим этилган: 1-2 хонадонли уйлар ва тўсилган (блокировка қилинган) уйлар.

Блокировка қилинган қурилиш иқтисодий жиҳатдан шаҳарда анча афзалдир, чунки шаҳар инфратузилмасини, муҳандислик тармоқлари ва коммуникацияларни сақлашга ва қуришга кетадиган харажатларни анча қисқартишишга имкон беради.

Тўрт – ўн хонадонли блокировка қилинган турагар-жой уйларини қўлланиш хонадоннинг қурилиш қийматини 20-25% га камайтиришга, иситиш харажатларини 35-40% га камайтиришга, муҳандислик тармоқларини ётқизиши ва кўчаларни ободонлаштиришга якка тартибдаги қурилишга нисбатан 40-45% га камайтиришга имкон беради.

Блокировка қилинган қурилишнинг архитектуравий – композицион имкониятлари блокировка қилишни турли хил ҳал этишда (чизичли ва чизиқлар билан), блокларнинг қаватини ўзгартиришда, шунингдек, уй олдида кичик боғчалар барпо этиш ҳисобига қизил чизикдан чекинишда зич кўча фронтини ташкил этиш ҳисобига амалга оширилади.

Бир хонадонли уйларнинг ҳажмий – режавий тузилмаси жуда хилма-хиллиги билан ажralиб туради. Шаҳардаги якка тартибдаги бир хонадонли уйлар таркиби кўп қаватли уйларнидан бўлган хоналарни функционал зоналаштириш тамойилларига амал қилган ҳолда лойиҳалаштирилади. Одатда, хоналарнинг бир қисми, шу жумладан кириш гурухи, умумий гурух пастки сатҳда, ётоқхоналар худуди – юқори сатҳда жойлаштирилади (расм).



Қўргон туридаги бир хонадонли турагар-жой уйи

Тураг – жой уйининг режавий ечими умумий композицион ечимга ва доимий яшовчиларнинг яшаши учун хоналар худудининг таркибиға боғлиқ. Бундай уйларнинг режавий ечимларини ўзига хос хусусиятлари рекреация худудининг мавжудлиги – хоналарнинг ҳажмининг оширилиши (айвон, пешайвон, лоджия, қўшимча санузел қуриш, алоҳида кириш ўрнатиш ва бошқ.) хисобланади.

Бир хонадонли уй хонадон хоналари турли сатҳларда бўлган бир қаватли, мансардали, икки қаватли бўлиши мумкин.

Одатда, катта ўлчамдаги ер участкаси, уй олди ва хўжалик қурилишлари бўлган қўрғон туридаги уйлар бир қаватли бўлади. Шаҳардаги бир хонадонли уйлар камида икки қаватли қилиб **mansardali va kottedjli** қилиб лойиҳаланади.

10.2 Мансардали бир хонадонли қўрғон типидаги тураг-жой

Мансардали уйларда юқори сатҳ фазосидан янада тўлароқ фойдаланиш учун шипларни қияликлар билан қуришга рухсат этилади, бунда деворнинг баландлиги қиялик бошланишида 0,5 дан 1,2 м гача бўлганда рухсат этилади (қияликнинг оғиши бурчагига боғлиқ ҳолда). Мансарда қаватининг юзи биринчи қават юзидан кичик.

Мансардали уйни томнинг қиялиги кескин бўлганда қуриш мақсадга мувофиқ. Бунда чордоқ фазосининг қисми ётоқхоналар учун фойдаланилади. Мансарда қаватини асосий қават баландлигидан камроқ қилиб қуришга рухсат этилади. Шипни ён текисликлари пасайган қилиб қурилади. Бу текисликларни пастигача минимал баландлик – 1,6 м. Махсус мансарда деразаларининг қўлланилиши кам қаватли тураг-жой уйларининг ҳажмий-фазовий ечимларининг анча хар хил бўлишига олиб келади.

Бу ҳолат, ташқи қиёфада ҳам, масалан, томнинг шаклида – оғмадан эгри чизиқлигича ҳам, ички фазо хусусиятининг ўзгаришида ҳам – интеръерларда ўз аксини топди (расм).



Мансардали бир хонадонли құрғон тиридаги туар-жой уйи

Коттедж тиридаги уйларда қаватларнинг юзлари бир-бирига мос келади. Режадаги айрим фарқлар балконлар, лоджиялар, қишки боғлар, ёнига қурилган гаражлар, бассейнлар ва ҳ.к.лар хисобига вужудга келади.

Бир сатхдаги хонали уйлар туар – жой майдони 50 m^2 гача бўлганда мақсадга мувофиқдир. Бундай уй икки-тўрт хонали, камдан-кам ҳолларда беш хонали бўлганда қурилиш юзаси ва уйни томёпмаси юзи анча ортади.

Икки сатхдаги хонали уй туар-жой майдони 50 m^2 дан катта бўлганда мақсадга мувофиқдир. Хоналарнинг икки сатхда жойлаштирилиши қурилиш майдони юзини камайтиради. Биринчи қаватда киравериш хонаси, умумий хона, ошхона. Умивальникли ҳожатхона, иккинчи қаватда – ётоқхоналар ва қўшилган ёки алоҳида санузел назарда тутилади.

Блокировка қилинган уйлар ва ундан ортиқ хонали икки қаватли ёки мансардали хонадон тарзидан лойиҳаланади.

Блокировка қилинган уйлар, бир хонадонли уйнинг афзалликларини – хонадонга кўчадан алоҳида кириш ва хонадон олдидағи участка билан бевосита алоқани сақлаб қолган ҳолда алоҳида турган уйларга нисбатан шаҳар худудидан янада самарали фойдаланишни таъминлайди.

Блокировка қилинган уйлар турли қўринишдаги блоклардан иборат бўлиши мумкин – вертикал бўйича битта ҳажмга компановка қилинган бир хонадонли ёки бир неча хонадондан иборат бўлиши мумкин.

Блоклар турлича конфигурацияга эга бўлиши мумкин: тўғри тўртбурчакли, квадрат, Г-симон ёки қурилишда хонадонларни вариантли блокировка қилиш учун мураккаб шаклга эга бўлиши мумкин.

Назорат саволлари

1. Қўрғон тиридаги туар-жой уйи ҳақида гапириб беринг.
2. Мансарда ҳақида гапириб беринг.

XI. Пойдеворлар

Режа

11.1 Темир – бетон остидаги пойдеворлар


11.2 Деворлар остидаги пойдеворлар

Калит сўзлар: *тасмасимон, устунсимон, яхлит, қозиқли.*

11.3 Қозиқли пойдевор

Пойдеворларга қўйиладиган асосий талаблар: пишиқлик, мустахкамлик, атмосфера шароитларининг ва манфий температуралар таъсирига қаршилик кўрсата олиш қобилияти, бино ва иншоотларнинг ер усти қисмидан фойдаланиш муддатига мос келадиган узоқ муддат ишлаши, конструкциялар курилишининг индустрисаллиги, тежамкорлик хисобланади.¹²

Улар тайёрланадиган материал бўйича харсанг тошли, харсангтош бетонли, бетонли ёки темир – бетонли пойдеворлар фарқланади; конструктив турлари бўйича – тасмасимон, устунсимон, яхлит ва қозиқли (расм) турларига ажратилади.



Пойдеворларнинг конструктив турлари

а – тасмасимон пойдевор; б – устунсимон пойдевор; в – яхлит темирбетон плита – пойдевор; г – қозиқли пойдевор.

Пойдеворнинг деворлар ёки таянчлар қўйиладиган юқори текислиги пойдеворнинг сирти (обрези) дейилади; асос билан уринган пастки текислиги – пойдеворнинг товони дейилади. Ер сиртининг пастки сатҳидан товонгача бўлган масофа пойдеворни қўйиш чуқурлиги дейилади. У табиий тупроқ сатҳидан хисоблаганда камида 0,5 м бўлиши керак.

¹² Бартонь Н.Э., Чернов И.Е. “Архитектурные конструкции” Учебное пособие, Москва. 1986 г.

Биноларнинг деворлари остига қуриладиган йирик пойдеворли темирбетон блоклардан тайёрланадиган йиғма тасмасимон бетон ва темир – бетон пойдеворлар энг кўп тарқалган. Темир – бетон блоклар (ёстиқлар) зичлаштирилган қумли тагликка ётқизилади. Улар устига блоклардан вертикал девор ўрнатилади.

Устунли пойдеворлар кўтарувчи деворлар остига уларга юкланиш унча катта бўлмаганда қурилади.

Монолит темир – бетон қовурғали ёки тўсинсиз плиталардан тайёрланган яхлит пойдеворлар асос остидаги тупроқ бўш бўлганда, пойдеворларга тушадиган юқ эса анча катта бўлганда, бинонинг бутун ости юзига қурилади.

Материалининг турига кўра пойдеворлар темир – бетонли, бетонли, харсанг тошли, харсанг тошбетонли, фишти ва ёғочли бўлади. Барча масъул бинолар ва иншоотлар остига, одатда, темир – бетон пойдеворлар қурилади.

Юкланиш остида ишлаш хусусиятига кўра пойдеворлар қаттиқ (бикир) ва эгилувчанларга, ишлаб чиқариш усулига (тайёрлаш усулига) кўра йиғма ва монолит пойдеворларга бўлинади.

11.1 Темир – бетон остидаги пойдеворлар

Темир – бетон устунлар остида стакан туридаги йиғма ва монолит пойдеворлар қўлланилади.

Йиғма пойдеворлар стакан туридаги битта темир – бетон блок (бошмок) дан ёки унинг остига темир – бетон блок –стакан ва битта ёки бир нечта таянч плиталардан иборат бўлиши мумкин.

Монолит темир – бетон пойдеворлар икки ёки учта тўғри тўртбурчак зинапояли ва тизза остига эга симметрик погонасимон шаклга эга бўлиб, унда устун учун стакан жойлаштирилган бўлади. Стаканнинг туби, одатда, пойдеворларни қуришдаги ва ўлчовларидағи ноаниқликлар компенсациялаш имконига эга бўлиш учун устун пастки қисмининг лойидаги белгисидан 50 мм га пастроқ жойлаштирилади.

Устунлар остидаги пойдеворни В10; В12,5; В15 синфидағи бетондан лойихалаштирилади.

11.2 Деворлар остидаги пойдеворлар

Турли хил вазифаларни бажарувчи бинолар ва иншоотлар деворлари остига устунли, тасмали ёки қозиқли пойдеворлар қурилади.

Деворлар остига устунли пойдеворлар юкламалар унча катта бўлмаганда ва асос мустахкам бўлганда қурилади.

Улар, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, асосан синчли биноларда саноат қурилишида қўлланилади. Тураг-жой ва фуқаролик қурилишларида улар,

одатда, ертўласи бўлмаган кам қаватли уйларда лойиҳалаштирилади. Устунли пойдеворлар керамик ғишт, ҳарсангтош, бетон, темир – бетон ва бошқа материаллардан ёғоч стуллар кўринишида ва квадрат, тўғри тўртбурчак ва трапециясимон кесимли устунлар шаклида қурилади.

Тасмали пойдеворлар йиғма ва монолит бўлиши мумкин.

Хозирги вақтда улар йиғма – бетон ва темир –бетон блоклардан қурилади. Тасмали пойдеворлар учун йиғма элементлар бир хил шаклга келтирилган ва саноатда турли юкланишга мўлжалланган хар қандай бинолар учун пойдевор блок ёстиқлар ва турли кенгликдаги девор блоклари кўринишида ишлаб чиқарилади. Девор блоклари М 150 маркали бетондан, блок – ёстиқлар 150...200 маркали бетондан тайёрланади. Монолит тасмали пойдеворлар бетондан ва темир-бетондан, ҳарсангтош, ҳарсангтошбетон ва бошқа материаллардан тайёрланади.

11.3 Қозиқли пойдевор деб, иншоотдан тушаётган юкланишни тупроққа узатиш учун қозиқлардан фойдаланиладиган пойдеворга айтилади. У қозиқлардан ва уларни бириктирувчи бикир боғламлардан иборат бўлади. Қозиқлар каллакларининг бикир боғлами маҳсус қурилма – ростверк ёки устёпма плиталар билан амалга оширилади. Шунга мос ҳолда қозиқли пойдеворлар ростверкли ва ростверксиз турларга бўлинади.

Қозиқли пойдеворлар катта юкланишларни сув билан тўйинган кучсиз тупроққа узатиш зарур бўлганда, пойдеворларнинг бошқа турлари остидаги асосни қуриш учун ерни қазиш ишларининг катта ҳажмини амалга ошириш техник жиҳатдан мумкин бўлмаганда ёки иқтисодий мақсадга мувофиқ бўлмаганда қурилади.

Пойдеворга таъсир қиласидиган юкланишларга боғлиқ ҳолда ундаги қозиқлар қуидагича жойлаштирилади: биттадан – алоҳида таянчлар остига; қатор қилиб девор конструкциялари остига; япроқ қилиб устунлар остига; қозиқлар даласи қилиб катта юкламали кичик юзли бинолар ва иншоотлар остига.

Қозиқлар турли хил белгиларга кўра таснифланади.

Материалига кўра қозиқлар темирбетонли, бетонли, пўлат ва ёғочли бўлади. Темир –бетон қозиқлар ўз навбатида йиғма ва монолитга ажралади.

Йиғма қозиқлар энг кўп тарқалган. Улар икки хил тайёрланади: яхлит – режада квадрат кесимли ва қувурсимон – цилиндрик.

Бетон қозиқлар, одатда, турли диаметрда ва қўйиш чуқурлигига монолит қилиб тайёрланади; пўлат қозиқлар – қўштавр, швеллерлар, қувурлар кўринишида тайёрланади. Металл кам бўлганлиги ва уларнинг коррозияга чидамсизлиги туфайли пўлат қозиқлар жуда кам қўлланилади. Ўрмон ва ёғочга ишлов бериш саноатида кўпинча ёғоч қозиқлар

кўлланилади. Улар пастки учини пўлат бошмоқ билан, юқори учини бугел (қоқишида шикастланишдан ҳимоя қилиш учун пўлат ҳалқа) билан жиҳозланиб, ёғочнинг игна баргли туридан тайёрланади.

Тайёрлаш усули ва тупроққа киритиш усулига кўра қозиқлар қоқиладиган ва тўлдириладиган (тиқиладиган) турларга бўлинади.

Қоқиладиган қозиқлар йифма темир – бетон, пўлат ёки ёғочдан тайёрланади. Улар тупроққа маҳсус механизмлар ёрдамида қоқиши, босиб киритиш, титратиш, бураб киритиш (винт пўлат қозиқлар) йўли билан ботирилади (қоқилади).

Тўлдириладиган қозиқлар монолит қозиқлар турига киради. Улар бевосита тупроқда (грунтда) бетондан ёки темир-бетондан тупроқда олдиндан қурилган қудуқларга тушириладиган маҳсус қувур ёрдамида барпо этилади. Тўлдириладиган темир-бетон қозиқлар пойдеворларга юкланишлар катта бўлганда қўлланилади, уларнинг диаметри 1000 мм гача, чуқурлиги 30 метрдан ва ундан ортиқ бўлади.

Тупроқда ишлаш хусусиятига кўра қозиқлар осма ва қозик – стойка турларига бўлинади.

Қозик – стойкалар бўш тупроқ орқали ўтади ва пастки учлари мустахкам асосга таянади, бунда у бинонинг бутун юкланишини асосга узатади.

Осма қозиқлар мустахкам асосга бориб етмайди, улар фақат бўш тупроқни зичлаштиради холос. Осма қозиқлар бинодан юкланишини асосан уларнинг ён сирти билан тупроқ орасида вужудга келадиган шикастланиш кучлари хисобига қабул қиласди.

Қурилмалар остига қуриладиган пойдевор

Саноат қурилмаси остидаги пойдевор мустахкамлик, пишиқлик ва тежамкорлик талабларига жавоб бериши керак. Улар қурилмадан меъёрида фойдаланишини, унинг ишончли маҳкамланишини ва кучли титрашлар бўймаслигини таъминлаши керак.

Конструкциясига кўра саноат қурилмаси остидаги пойдеворлар массив (катта) ва ромли турларга бўлинади. Уларни тайёрлаш учун материал сифатида кўпинча бетон ва темир – бетон қўлланилади. Пойдеворларни қуриш чуқурлиги қурилиш майдончасининг геологик ва гидрогеологик шароитларига, бино пойдеворини қўйиш чуқурлигига, қўшни ёндош қурилмаларга, пойдеворнинг ўлчами ва конструкциясига, қурилманинг тури ва массасига ва бошқаларга боғлиқ ҳолда белгиланади.

Мазкур турдаги пойдеворларни лойиҳалашда пойдевор ва машинанинг оғирлик марказларини битта вертикалда жойлаштириш зарур. Титрашларнинг бинолар конструкцияларига ва бошқа қурилмага узатишнинг олдини олиш учун бинолар пойдеворлари, қўшни машиналар ва бошқа

конструкциялар орасида маълум оралиқ бўлишини назарда тутиш зарур. Баъзида пойдеворнинг чукурлигини ва тупроққа босимни камайтириш учун пойдевор юзини орттириш ва қумли асос тайёрлаш керак бўлади.

Назорат саволлари

1. Пойдевор нима?
2. Қозиқсимон пойдеворлар қаерда қўлланилади?

XII. Туаржой биноларининг конструктив схемаси

Режа


12.1 Каркасиз бинолар схемаси

12.2 Каркасли бинолар схемаси

Калит сўзлар: *схема, кўндаланг девор, каркасли блокли*.

12.1 Каркасиз бинолар схемаси

Кўтариб турувчи деворлари бўйламасига жойлашган бинолар (расм). Бундай деворлар оғир ва мустаҳкам материаллардан қурилиб, иссиқлик ўтказмайдиган бўлиши керак (фиштли ёки блокли уйлар). Бундай биноларнинг кўндаланг йўналишдаги устиворлиги маҳсус ўрнатилган, қаватлараро ёпмадан юк тушмайдиган кўндаланг деворлар орқали таъминланади. (бундай деворлар зина катаклари атрофини ўрашда ва ташқи деворлар устиворлиги таъминланиши керак бўлган жойларда ишлатилади).




Каркасиз биноларнинг конструктив схемалари

- а – бўйлама деворлари кўтариб турувчи;
 - б – кўндаланг деворлари кўтариб турувчи;
 - в – бўйлама ва кўндаланг деворлари кўтарувчи;
 - 1 – пойдеворлар;
 - 2 – бўйлама ички деворлар;
 - 3 – бўйлама ташқи девор;
 - 4 – қаватлараро ора ёпма панеллари;
 - 5 – кўтариб турувчи ички девор;
 - 6 – юқоридан юк тушмайдиган девор;
 - 7 – бинонинг юқори томонидаги кўтариб турувчи девор.
- кўтариб турувчи деворлари кўндаланг жойлашган биноларда (расм, б) система бикрлиги кўпроқ таъминланган бўлсада, бунда ички кўтарувчи деворларнинг умумий узунлиги катта бўлади. Шунга қарамай, бундай ечимлар кўп ҳолларда мақбул ҳисобланади, чунки бунда ташқи бўйлама деворлар фақат иссиқ ўтказмаслик вазифасини бажариб, уларни мос енгил материаллардан тайёрласа ҳам бўлади;
 - аралаш схемада ташқи бўйлама ва ички кўндаланг деворларга қаватлараро ёпмалар таянган бўлади.

12.2 Каркасли бинолар схемаси

Каркасли биноларнинг конструктив схемалари бир-биридан қуидаги белгилар билан фарқ қиласи:



Каркасли биноларнинг конструктив схемалари

- а – тўсинлар кўндаланг жойлашган;
 б – тўсинлар бўйлама жойлашган;
 в – тўсинлар бир-бирини кесиб ўтадиган қилиб жойлаштирилган;
 г – тўсинларсиз вариант;
 1 – устунли пойдевор;
 2 – ўзини-ўзи кўтариб турувчи ташки девор;
 3 – устунлар;
 4 – кўндаланг ётқизилган тўсинлар;
 5 – қаватлараро ора ёпма панеллари;
 6 – бўйлама ётқизилган тўсинлар.

- тўсинлар кўндалангига жойлашган;
- тўсинлар бўйламасига жойлашган;
- тўсинлар бир-бирини кесиб ўтган ҳолда жойлаштирилган;
- тўсинларсиз вариант (ора ёпма плиталари устунларга таянади).

Ярим каркасли (тўсинлар ва ора ёпма плиталарининг оғирлиги ташки деворларга тушадиган) биноларнинг конструктив схемаси расмда кўрсатилган.

Каркассиз ва каркасли бино ҳамда унинг элементларига қўйиладиган асосий техник талаблар

Бутун бино ва унинг куч таъсир этадиган айрим элементлари қўйидаги хусусиятларга эга бўлиши керак:

- мустаҳкамлик, бино элементлари ташки куч (юк) таъсирига етарли даражада чидамли бўлиши;
- турғунлик – горизонтал юк ва кучлар таъсиридан емирилишига қаршилик кўрсата олиши;
- фазовий бикрлик – бино ва унинг элементларига муайян куч таъсир этганда ҳам дастлабки шаклини сақлаб қолиши.

Бинонинг турғунлиги ва фазовий бикрлиги конструктив элементларининг ўзъаро пухта бириктирилганлигига, тугунлар бирикмаларининг мустаҳкамлигига ва ҳоказоларга боғлиқ.

Каркассиз биноларнинг фазовий бикрлиги қўйидагилар:


- қўндаланг ички деворлар, шу жумладан, бўйлама ташки деворларга боғланган зина катаклари деворлари:
- деворларни ўзъаро боғловчи ҳамда бинони баландлиги бўйича қаватларга ажратувчи қаватлараро ора ёпмалар орқали таъминланади.

Каркассиз биноларнинг ички деворлари ва ора ёпмалари бинонинг ичини вертикал ва горизонтал нагрузжаларни қабул қила оладиган фазовий ўзгармас ячейкаларга ажратади. Каркассиз бино етарли даражада турғун ва фазовий бикр бўлади.

Каркасли биноларнинг фазовий бикрлиги қўйидагилар орқали таъминланади:

- бир қаватли биноларнинг ўзгармайдиган геометрик система ҳосил қилувчи қўндаланг рамаларининг биргаликда ишлаши;
- кўп қаватли биноларда ўзгармас геометрик система ҳосил қиладиган ўзъаро бириктирилган устунлар, тўсинлар ва ора ёпмаларнинг биргаликда ишлаши;
- каркас устунлари орасига вертикал кашаклар ёки бикрлик деворлари ўрнатиш;
- зина катаклари ва лифт шахталари деворларини каркас конструкцияларига бириктириш;
- қаватлараро ора ёпмаларга (устунлар орасига) бикр плиталар ўрнатиш;
- каркас элементлари орасидаги чок ва тугунларни бир-бирига мустаҳкам бириктириш.

Ярим каркасли биноларнинг фазовий бикрлигини, устунларнинг ички томони билан деворларга маҳкам бириктирилган қаватлараро ора ёпмалар таъминлайди.



Ярим каркасли бинонинг конструктив схемалари

- а – тўсинлар бўйлама ётқизилган;
- б – тўсинлар кўндаланг ётқизилган;
- в – тўсинсиз вариант;
- 1 – устун пойдевори;
- 2 – устун;
- 3 – лентасимон пойдевор;
- 4 – қаватлараро ора ёпма панели;
- 5 – кўтариб турувчи ташки девор;
- 6 – тўсин.

Назорат саволлар

1. Бинолар мақсадга кўра қандай вазифа бажаради.
2. Каркасли бино, каркassиз бино хақида тушунча беринг.

XIII. Фуқаро биноларининг конструктив элементлари. Асослар ва пойдеворлар

Режа

13.1 Асослар ва пойдеворларнинг конструктив схемаси

13.2 Пойдеворларнинг конструктив ечими


Калит сўзлар: геологик, гидрогеологик шағал, арматура.

13.1 Асослар ва пойдеворларнинг конструктив схемаси

Ер қобигининг юқори қатламида жойлашган ва қурилиш мақсадларида ишлатиладиган геологик жинслар тупроқ деб аталади. Тупроқлар ҳар хил катталиқдаги зарраларнинг оралиқларида бўшлиқлар ҳосил қилган тўпламидир. Бу зарралар тупроқ склетини ташкил этади. Пойдевор остида жойлашган, бино оғирлигини ўзига қабул қилувчи тупроқ массаси асос деб аталади. Асослар икки хил: табиий ва сунъий бўлади.

Табиий асос деб қурилган бинонинг оғирлигини ўзининг табиий ҳолатида кўтариб тура олиши мумкин бўлган пойдевор ости тупроғига айтилади.

Сунъий асос деб бино оғирлигини ўзининг табиий ҳолатида кўтара олмайиган ва шу сабабли сунъий равишда қотирилган ва зичлаштирилган тупроққа айтилади.



Пойдевордан асосга узатиладиган қучлар тупроқда зўриқиши ҳолатини юзага келтириб, унинг деформацияланишга олиб келади. расмда тупроқ ҳажми зўриқишининг тахминий шакли келтирилган.

Пойдевор ости асос тупроғида юзага келадиган зўриқиши зонаси:

b – пойдевор эни;

P – бинодан асосга пойдевор орқали тушаётган юк.

Зўриқиши зонасининг чуқурлиги ва эни пойдевор кенглигидан катта бўлиб, маълум чуқурликкача ортиб боради, сўнгра аста-секин камая бошлайди. Чуқурлиги b б га етганда тупроқ амалда зўриқишиларсиз бўлади. Бунда таъсир этувчи оғирлик кучлари тупроқ мустаҳкам бўлмаганда асосни деформациялаб, бинонинг чўкишга олиб келади.

Юқоридаги келтирилган салбий ҳодисалар бўлмаслиги учун асосни ташкил қилувчи тупроқлар қўйидаги талабларга жавоб бериш керак: маълум миқдорда юк кўтарувчан, юк таъсиридан кам ва бир текисда сиқиладиган бўлиши керак, ғоваклардаги намлик музлаганида тупроқ шишмайдиган ва ҳажми кенгаймайдиган бўлиши лозим (шундай талабларга кўра пойдевор ўрнатиш чуқурлиги қурилиш атрофининг музлаш чуқурлигига мувофиқ белгиланади).

Асоснинг мустаҳкамлигини камайтирувчи ва лойиҳалашда кўзда тутилмаган чўкишлар содир бўлмаслиги учун тупроққа ер ости сувларининг таъсирини чўкиш ва сурилиш эҳтимолини назарда тутиш керак. Пойдевор қуришдан олдин тупроқни шиббалаб, бир текис чўкиши таъминланади, акс ҳолда кейин тупроқ чўкиши туфайли бино деворларида зўриқиши ҳосил бўлиб, ёриқлар пайдо бўлади ва бутун ёки унинг айrim қисмини авария ҳолатига келтиради.

Ер ости сувлари тупроқларнинг структурасига, физик ҳолатига ва механик хусусиятларига катта таъсир қилиб, асоснинг юк кўтарувчанлик хусусиятини камайтиради. Агар тупроқ таркибида сувда осон эрийдиган моддалар (гипо) бўлса, унинг эриши натижасида асосда ғоваклар ҳосил бўлиб, унинг юк кўтарувчанлиги пасайиб кетади. Бундай ҳол бўлмаслиги учун ер ости сувлари сатҳини пасайтирадиган усусларни қўллаш керак бўлади.

Ер ости сувлари тезлиги тупроқнинг майда зарраларини ювиб кетадиган даражада бўлган жойларда бино атрофи шунт тўсиқлар билан ўралади ёки асосга маълум чуқурликда дренаж трубалари ўрнатилади.

Асослар тупроқ таркибига, структурасига ва жойлашиш характеристига кўра ҳар хил бўлади.

Тошлок асос бир бутун масса кўринишида (гранитлар, кварцитлар, қум тошлар ва б.) ёки қатlam кўринишида жойлашган бўлади. Улар сувга бардошли, сиқилмайдиган, дарз ва ғоваклари бўлсада мустаҳкам ва ишончли асос ҳисобланади.

Йирик бўлакли асос 2 мм дан катта бўлган бўлаклар (50% дан кўп) ўзъаро боғланмаган қоя жинсларидан (чақиқ тош, шағал, майда тош, йирик қум ва бошқалар) иборат бўлади. Агар унинг остида мустаҳкам зич қатlam жойлашган бўлса у яхши асос ҳисобланади.

Қумли асослар майдалиги 0,1 дан 2 м гача бўлган қум зарраларидан иборат бўлади.

Зарраларнинг майда-йириклигига кўра қумлар: шағалли, йирик, ўртача йириклиқдаги, майда ва чангсимон бўлиши мумкин. Қумлар қанча йирик ва тоза бўлса бундай асослар қатлами шунча катта миқдордаги юкни кўтариб туриши мумкин.

Лой тупроқлар, яъни бириккан тупроқлар асосан ўлчамлари 0,005мм дан кичик, тангасимон кўринишдаги зарралардан ташкил топган бўлади. Бундай тупроқлар ингичка капиллярлари мавжудлиги ва зарралари катта солиштирма юзага тегиб туриши билан қумлардан фарқ қиласди. Кўп ҳолларда ғоваклар сув билан тўйинган бўлгани учун музлагандан сўнг тупроқнинг ҳажми ортиши, яъни кўпчиши мумкин. Лой тупроқли

асосларнинг юк кўтариш қобилияти тупроқнинг намлик даражасига боғлиқ. Куруқ тупроқ нисбатан катта миқдордаги юкни кўтариб туриши мумкин.

Лой тупроқ қуйидаги турларга бўлинади:

- оддий тупроқлар (таркибида тупроқ заррачалари 30% дан ортиқ);
- соғ тупроқ (таркибида тупроқ заррачалари 10-30%);
- кумлоқ тупроқлар таркибида тупроқ заррачалари 3-10%.

Сариқ тупроқ (лёсо) лой тупроқларнинг турларидан бири бўлиб, катта миқдордаги чангсимон зарралардан иборат бўлади. У вертикал жойлашган найча кўринишидаги ғоваклардан (макроғовак) ташкил топган. Бу тупроқлар куруқ ҳолатда анча мустаҳкам бўлади, бироз намланганда эса ташқи юк таъсиридан катта миқдорда чўкиш деформацияси рўй бериши мумкин. Бундай тупроқлар чўкувчан тупроқлар қаторига киритилиб, уларда курилаётган бино асосини намланишдан ҳимоя қилиш тадбирларини кўриш талаб этилади.

Органик аралашмали тупроқлар (ўсимликли тупроқ, балчик, торф, ботқоқлик, торфи) таркибига қўра ҳар хил бўлиб, уваланиб кетадиган (бўш), ғовак, сиқилувчанлиги катта бўлади. Табиий ҳолатда бинонинг асоси бўлишига ярамайди.

Тўкилган тупроқлар чуқурликларни, ҳовузларни, чиқинди ташланадиган ҳандакларни сунъий йўл билан тўлдиришдан ҳосил бўлади. Бундай тупроқлар бир текис сиқилмаганлиги учун кўп ҳолларда табиий асос сифатида ишлатиб бўлмайди.

Ернинг силжувчан лойли қатлами майда қум билан балчиқдан ташкил топади. Улар ҳам табиий ҳолда бино учун асос бўла олмайди.

Бинонинг фазовий бикрлиги ва турғунлигини кўп ҳолларда асослар таъминлайди. Қурилиш нормаларида асослар учун рухсат этилган чўкиш қийматлари бинонинг турига боғлиқ бўлиб, 80 мм дан 150 мм гача қилиб белгиланади.

Агар бино қурилиши мўлжалланган ер участкаси асосга қўйилган талабларга жавоб бермаса (шу ерда бино қурилиши шарт бўлса), у ҳолда сунъий асос қўлланилади. Бунда тупроқни қотириш ёки сифатсиз тупроқни соғ тупроқ билан аралаштириш йўли билан бино мустаҳкамлиги таъминланади.

Тупроқни қотиришнинг қуйидаги усуллари бор:

- 1) шиббалаш (зичлаш) – механик усулда – пневматик усул билан ёки маҳсус катоклар ёрдамида амалга оширилади. Тупроқни вибрация (титратиш) йўли билан ҳам шиббалаш мумкин. Бу йўл билан шиббалаш анча самарали бўлиб, тупроқ тез зичлашади;

2) Силикатлаш – бу усул қумли, чангсимон қумли ва сариқ тупроқлы асосларни қотиришда қўлланилади. Бунда тупроқка навбатмав навбат суюқлантирилган шиша ва кальций хлор, чангсимон қумларни қотиришда эса суюқлантирилган шишанинг фосфат кислота аралашмаси билан, сариқ (лёсс) тупроқни қотиришда эса суюқлантирилган шишанинг ўзи шимдирилиб қотирилади.

3) Сементлаш-махсус найлар ёрдамида тупроқ қатламига суюлтирилган цемент хамири (қоришина) ёки цемент сути, шимдирилади ва улар тупроқ ғовакларида қотиши натижасида тошсимон структурага айланади. Цементлаш усули шағалсимон, йирик ва ўртача йириклидаги қумли асосларни қотиришда қўлланилади;

4) Термик йўл билан куйдириш орқали қотиришда ёнувчи моддалар олдиндан тайёрланган қудуқларга юқори босим остида юборилади. Бу усул сариқ (лёсс) тупроқларни қотиришда фойдаланилади.

Агар юқорида келтирилган усулларни қўллаш қийин бўлса, у ҳолда тупроқ тоза, маълум мустаҳкамликка эга бўлган бошқа тупроқлар билан алмаштирилади. Алмаштирилган тупроқ “ёстиқ” деб аталади. Асосга унча катта бўлмаган юқ (куч) таъсир этадиган бўлса йирик ва ўрта йириклидаги қумли ёстиқ қўлланилади, бунда унинг қалинлиги (босими) пастдаги кучсиз тупроқнинг норматив қаршилигидан катта бўлмаслиги керак.

13.2 Пойдеворлар ва уларнинг конструктив ечимлари

Пойдевор бинонинг асосий конструктив элементларидан бири ҳисобланиб, у бинонинг ер устки қисмидан тушаётган оғирликни асосга узатиб туради. Бинолар ертўлали бўлса, пойдеворлар ертўла хоналарини ўраб турувчи конструкция вазифасини ҳам ўтайди.

Пойдеворлар ҳар хил ташқи куч ва муҳит остида бўлади. Бу таъсирлардан асосийлари: бутун бинонинг оғирлиги, тупроқ кўтарилиши ва музлашидан ҳосил бўладиган таъсир кучлари, сейсмик таъсирлар, товуш таъсиридан бинонинг титраши, ўзгарувчан температура, намлиқ, химиявий моддалар таъсири, бактериялар, замбуруғлар, ҳашоротлар таъсири ва ҳ.к.

Бундай таъсирларга бардош бериши учун пойдеворлар мустаҳкам, турғун, узоқ вақтга чидамли, ер ости сувлари, кимёвий ва биологик моддалар таъсир этмайдиган бўлиши лозим.

Пойдеворларни қуришда ёғоч, харсанг тош, харсангтош бетон, бетон ва темирбетон каби материаллардан фойдаланилади.

Конструктив тузилиши жиҳатидан бино қурилишида турли хил (расм): лентасимон туташ тасма полоса кўринишидаги, узлуксиз ва узлукли, алоҳида турувчи (устунли пойдевор ва устун остига қўйилувчи айrim таянчлар

ҳолидаги), қозиқоёқли ва яхлит (текис ёки қовурғали) пойдеворлар қўлланилади.

Пойдеворни тепа юзаси, яъни девор жойлашадиган томони пойдевор чети (обрез), остки асосга тегиб турувчи текислиги эса пойдевор таги деб аталади.

Қурилиш майдони режаланган сатхдан пойдевор тагигача бўлган масофа пойдеворнинг ер остки чуқурлиги деб аталади. Бу чуқурликнинг қанча бўлишини белгилашда унинг асос қавати чуқурлигига мос келишини ва тупроқнинг музлаш чуқурлигини ҳисобга олиш керак.


Агар асос нам, майда заррали тупроқдан (майда ёки чангсимон қум, тупроқ, соғ тупроқ) иборат бўлса, унда пойдевор таги, тупроқнинг музлаш чуқурлиги сатхидан юқорида бўлмаслиги керак.¹³

Иситиладиган бино ички деворлари пойдеворининг ер остки чуқурлиги тупроқни чуқурлигига боғлиқ бўлмасдан, у ер сатхидан ёки ертўла поли сатхидан 0,5 м чуқурликда олинади.

Пойдеворлар ташқи куч таъсирига чидамлилиги жиҳатдан бикр (уларнинг материали фақат сиқилишга чидаб, эгилишга чидамайди) ёки эгилувчан (асосан эгилишга чидайди) бўлиши мумкин.

Бикр пойдеворларда табиий харсанг тош, харсанг тош бетон, бетон ишлатилади. Эгилувчан пойдеворларда асосан темир-бетон ишлатилади.

¹³ Благовещенский Ф.А., Букина Е.Ф. “Архитектурные конструкции” Учебное пособие, Москва. 1985г.




Пойдеворларнинг конструктив схемалари

- а – құттарувчи девор остига қуриладиган яхлит лентасимон;
- б – устунлар остига қуриладиган лентасимон пойдевор;
- в – девор остига ўрнатиладиган алоҳида турувчи пойдевор;
- г – устун остига ўрнатиладиган алоҳида турувчи пойдевор;
- д – қовурғасиз яхлит пойдевор;
- е – қовурғали яхлит пойдевор;
- ж – қозиқ оёқли пойдевор.

Лентасимон пойдеворлар баландлиги 12 қаватгача бўлган каркасиз схемали турар-жой биноларида кенг кўламда қўлланилади. Лентасимон пойдеворлар кўриниши ва профилига кўра кўпгина ҳолларда тўғри бурчак шаклида бўлади. Кенглиги пойдевор материалига боғлиқ бўлиб, деворнинг кенглигидан икки томонга 50-150 мм гача чиқарилади. Пойдевор плани ва кесимидағи кўриниши, ҳамда ўлчамлари шундай танланиши керакки, бунда босим кучи асосга бир текисда тақсимланадиган бўлиши керак. Пойдеворларнинг кўриниши ва ўлчамлари унинг материалига, бинога тушаётган юқ миқдорига, тупроқ сифатига, ер ости сувлари, тупроқнинг музлаш чуқурлиги ва иқлим шароитига боғлиқ бўлади.

Пойдеворнинг юқ кўтариш қобилятини ошириш ва бинодан тушаётган куч босимини тупроқка текис ўтказиш мақсадида пойдевор таг қисми кенгайтирилиб, трапеция шаклига келтирилади. Трапеция ён томонининг

оғиши бурчаги асосда бино оғирлигидан ҳосил бўладиган босимнинг тарқалиш бурчагига тўғри келади. Харсанг тош ва харсанг тош-бетон пойдеворлар учун бурчак 27 дан 33⁰ гача, бетон пойдеворларда эса 450 га тенг. Аммо бу кўринишдаги пойдеворни ўрнатиш анча мураккаб бўлгани учун амалиётда пойдевор таги кенглиги хисобий кенглик бўйича олинниб, тўғри бурчакли кўринишда ёки поғонали қилиб қурилади. Поғоналар эни 20-25 см гача, баландлиги эса 40-50 см дан кам бўлмаслиги керак.



Лентасимон пойдеворларнинг кўриниши ва тузилиши

- 1 – пойдевор чети;
- 2 – пойдевор девори;
- 3 – пойдевор ёстиғи.

Лентасимон деворлар йиғма ва қуйма ҳолда бўлиши мумкин. Қуйма пойдеворларни харсанг тошдан, харсанг тош-бетондан ва темир-бетондан тайёрлаш мумкин.

Харсанг тош пойдеворларнинг кенглиги камида 0,5-0,6м, поғоналари баландлиги 0,5м, эни 0,15м дан 0,25м гача қилиб олинади ва уни теришда мураккаб қоришма (цемент-қум) ишлатилади.

Харсанг тош-бетон пойдеворлар класси В 7,5 дан кам бўлмаган бетон ёрдамида қуилиб, унга бетонни тежаш мақсадида, ўлчамлари пойдевор энидан уч баравар кичик бўлган харсанг тошлар 50% гача қўшиб юборилади.

Харсанг тош ва харсанг тош-бетон пойдеворлар қуриш кўп меҳнат талаб қилиши сабабли, иқтисодий жиҳатдан номақбул, у тош материал кўп бўлган жойлардагина қўлланилади.

Иқтисодий ҳамда меҳнат сарфи жиҳатидан анча қулай бўлган лентасимон йиғма бетон ва темир-бетон пойдеворлар заводларда тайёрланган пойдевор элементларидан терилади ва уларни ҳар қандай об-ҳаво шароитида

ҳам ўрнатиш мумкин. Лентасимон йиғма пойдеворлар пойдевор ёстиқ блокдан (қалинлиги 300 ва 400 мм, эни 1000 дан 2800 мм гача, узунлиги 1180 мм дан 2390 мм гача) ҳамда пойдевор девори блокидан (эни 300, 400, 500 ва 600 мм, баландлиги 580 ва узунлиги 780 ва 2380 мм) иборат бўлади. Пойдевор ёстиқ блоклар қумли асосларда тўғридан-тўғри асосга, бошқа ҳолларда эса шиббалаб олдиндан мустаҳкамланган (қалинлиги 100-150 мм қилиб тўқилган шагал-кум) асосга ўрнатилади. Пойдевор блоклари “0-6-12” каби маркаланиб, бу ерда б сони пойдевор эни, 12 эса пойдевор узунлигини (дм да) ифодалайди. Ертўла девори блоклари яхлит (СБ) ва ички ковакли (ПБ) қилиб ишлаб чиқарилади. Ковакли блоклар бетон материалини 40% гача тежаш имконини беради ва ички деворларда ишлатилади. Уларни асос тупроғи сувга яқин бўлмагандан ташқи девор пойдеворида ҳам ишлатса бўлади. Бундай блоклар тежамлилиги сабабли ҳозирги вақтда тобора кўпроқ ишлатилмоқда. Пойдеворларда бетон материалини тежаш ва пойдевор ёстиқ блоки мустаҳкамлигидан тўлиқ фойдаланиш мақсадида блоклар бир-биридан 0,3-0,5 м масофада жойлаштирилиб, узлукли пойдеворлар ҳосил қилинади. Бунда ёстиклар орасидаги бўшлиқ қум-шагал билан тўлдирилади. Бундай пойдеворлар куруқ ва мустаҳкам ерларда, кам қаватли бино остига ишлатилади. Йирик панелли биноларда йиғма пойдеворлар трапециясимон ёстиқ блок ва ички ҳамда ташқи цокол панелларидан иборат бўлади. Лойиҳаланаётган бино ертўла иситилиши ёки иситилмаслигига кўра ташқи цокол панели иссиқлик сақлайдиган (бир ва уч қаватли) ҳамда иссиқлик ўтказадиган панеллардан иборат бўлиши мумкин. Ички цокол панелларида кўп ҳолларда ертўла хоналаридан бир-бирига ўтиши учун эшик ўрни ва инженерлик иншоотлари ўтказиш учун қолдирилган туйнуклар бўлиши мумкин.

Йирик панелли ва хажмий блокли бинолар қурилишида пойдеворларнинг янги конструктив ечимларидан ҳам фойдаланилади. Бунда горизонтал ҳолда асосга ўрнатилган катта ўлчамли элемент, яъни қалинлиги 300 мм ва узунлиги 3,5 м бўлган темир-бетон плита устига қалинлиги 240 мм, катта тешиклари бўлган оғма тирговичсиз ферма шаклидаги, баландлиги ертўла баландлигига teng бўлган панел қўйилиб, улар пойдеворлар ёрдамида туташтирилади.


Маълум қияликка эга бўлган жойларда пойдевор девори бинонинг узунаси бўйлаб поғонали қилиб олинади, бунда поғона баландлиги 0,5 м гача, поғона эни эса камидан 1,0 м бўлиши керак.

Бинонинг ёнма-ён турган ва масалан, ҳар хил баландликка эга бўлган икки қисмининг бир-бирига таъсири бўлмаслиги учун қўйма лентасимон пойдевор қўйишда ажратувчи тирқиши қолдирилиб, у ерга тол билан ўралган

ёгоч тахта қўйиб кетилади. Агар йиғма пойдевор ишлатилса, у ҳолда бино пойдеворидаги ёриқ пойдевор блоки вертикал чокини бир чизикда бўлиши орқали таъминланади.

Алоҳида турувчи пойдеворлар асос тупроғи етарлича мустаҳкам бўлган жойларда, кам қаватли бинолар қурилишида, кўп қаватли каркасли биноларда (пойдевор чуқурлиги 4-5 м бўлган биноларда) ҳамда ертўласиз биноларда лентасимон пойдевор ишлатилиши иқтисодий жиҳатдан номақбул бўлганди ишлатилади.


Алоҳида турувчи устунли пойдеворлар оралиғидаги масофа 2,5-3,0 м атрофида, тупроғи пишиқ бўлган асосларда эса 6,0 м гача бўлиши мумкин (расм). Алоҳида турувчи устунли пойдевор устига пойдевор тўсини қўйилади. Унинг остига эса 0,5-0,6 м қалинликда қум тўшалади (тупроқ музлаши натижасида кўпчиш таъсирини камайтириш мақсадида). Пойдевор тўсинига терилган ғиштин девор ўзини-ўзи кўтариб турувчи девор ҳисобланади.



Бино ер ости қисмларининг конструкциялари

- а – ғиштин ва йирик блокли бинолар учун;
- б – йирик панелли бинолар учун;
- в - каркас панелли бинолар учун;
- г – қозық оёқ пойдеворли бинолари учун;
- д – қовурғали пойдевор плитаси;
- е – пойдевор блоклари (ковакларнинг бир томони берк).


Алоҳида турувчи устунли пойдевор конструкциялари заводларда тайёрланган трапециядимон темир-бетон ёстиқ (плита ҳамда стакан типидаги устун ости пойдевор блоки) дан иборат бўлади ёки уни ғиштдан, харсанг тош-бетондан ҳам териш мумкин.



Енгиллаширилган лентасимон йиғма пойдеворларнинг конструктив ечимлари

- а – энсиз пойдевор;
- б – узлукли пойдевор плитаси;
- в – тирговичсиз (раскоссиз) темир-бетон фермалар;
- 1 – пойдеворнинг ёстиқ плитаси;
- 2 – пойдевор девори блоки;
- 3 – ва 4 – сувдан изолация қатлами;
- 5 – ферма панел;
- 6 – пойдевор плитаси;
- 7 – цокол панели;
- 8 – опа ёпма плитаси.

Яхлит пойдеворлар асос тупроғи бўш, бино оғирлигидан тушаётган босим нормада кўрсатилганидан катта бўлган ҳолларда қурилади (расм). Бундай бетон ёки темир-бетон пойдеворлар бинонинг остки юзасига тенг қилиб олинади ва унга тушаётган юк асос юзаси бўйича баравар тақсимланиши ҳамда уни бикрлигини ошириш мақсадида пойдевор плитасида бир-бирини кесиб ўтган қовурғалар чиқарилади. Қовурғалар пастга ёки юқорига қаратилган бўлиши мумкин. Қовурғалар туташган жойга каркас устуни таянади. Яхлит пойдеворлар чуқур жойлашган пайтда уларнинг бикирлигини таъминлаш мақсадида қовурғалар ораси ва подвал ёпмаси оралиғи қутисимон қилиб лойиҳаланади. Бунда ҳажмий пойдевор қутиларидан гараж сифатида фойдаланиш мумкин.



Устинсимон пойдеворлар

а – ўзини-ўзи қўтарувчи ғиштин деворлар остига қўйилган алоҳида турувчи пойдеворлар;

б – ғишт устун остига ўрнатилган харсанг тош-бетон ёки оддий бетон поғонали пойдевор;

в, г – ғишт устун остига қўйилган йиғма пойдевор;

1 – темир бетон пойдевор тўсини;

2 – ётқизилган кум;

3 – ёмғир тушиб кетадиган қисми;

4 – сувдан изолация;

5 – ғишт устун;

6 – ёстиқ блок;


7 – темир-бетон плита;

8 – темир бетон устун;

9 – устун тушадиган чуқурча “стакан”;

10 – плита;


11 – “стакан” блоки.



Яхлит пойдеворларнинг кўриниши

- а – қовургали яхлит пойдевор;
 б – яхлит пойдевор конструкциялари;
 в – яхлит текис пойдевор;
 1 – устун;
 2 – пойдевор ости қисми;
 3 – темир-бетон плита;
 4 – бетондан тайёрланган асос.

Қозиқоёқ пойдеворлар асос тупроғи бўш ва сиқилувчан ерларда, пойдевор қуриш ҳам техник, ҳам иқтисодий жиҳатдан мувофиқ бўлмаган пайтда ишлатилади. Қозиқоёқ пойдеворларнинг асосий элементлари заминга қоқиб киритиладиган қозик, йиғма каллаклар ва ростверк тўсинидан иборат бўлади. Қозиқлар темир-бетон, бетон, ёғоч ва пўлат каби материаллардан тайёрланади. Уларни ерга болғалар ёрдамида қоқиб ёки бураб киритилади, олдиндан буруғланган қудукларга бетон қувиш ёрдамида ҳам хосил қилинади.



Қозиқоёқ пойдеворлар

- а - “устин” қозик;
- б – “осма” қозик;
- в – қуйиб тайёрланган қозик;
- 1 – қозик;
- 2 – қуйма ёки йиғма ростверк;

Қозиқларни қоқишда махсус копёрлар (түқмоқ)дан, титратиб босиб кириладиган машиналардан фойдаланилади. Қозиқлар түғри бурчакли (250x300 мм), квадрат (250x250 мм), (400x400 мм) ёки доира (400-700 мм) шаклида, узунлиги эса 3-6 м гача бўлиши мумкин.

Қоқиладиган қозиқлар темир-бетондан, металлдан, ёғочдан ясалади. Сақич ёки қорамой суртилган ёғоч қозиқни намлик ва температура кам ўзгарадиган шароитда ишлатиш мумкин.

Қуйиб тайёрланадиган қозиқлар олдиндан бурғиланган қудукларга бетон қуйиб ёки темир-бетон устун ўрнатилиб, атрофига цемент-қум қоришимаси тўлдирилиб тайёрланади. Бунда қудукларнинг остки қисмини портлатиш орқали кенгайтириш ҳам мумкин.

Бинодан тушаётган вертикал юкни тупроқка узатиш усулига кўра қозиқлар “устун” қозик ва “осма” қозик турларига бўлинади. Иш жараёнида қозиқлар юмшоқ тупроқ катламидан ўтиб, қаттиқ тупроқка таяниб турган бўлса, бундай қозик “устун” қозик, агар қозик қаттиқ тупроқ катламига етмасдан, бинодан тушаётган вертикал юкни қозик сирти билан тупроқнинг

ишқаланиш кучи орқали күтариб турган бўлса, бундай қозик “осма қозик” деб аталади.

Бинонинг конструктив схемаси ва қозиқнинг күтариш қобилиятига кўра қозикларни бир қатор ва бир неча қатор қилиб жойлаштириш мумкин.

Темир-бетон ва металл қозикларнинг юқори қисмини бир-бири билан қўйма ёки йиғма темир-бетон ростверкалар ёрдамида туташтирилади. Ёғоч қозиклар ростверкалари ёғочдан бўлади.

Қозикоёқ пайдевор лентасимон пайдеворлардан нархига кўра 32-34%, бетон харажатига кўра 40%, тупроқ ишларига кўра 80% тежамли ҳисобланади. Бунда бинонинг умумий нархи 1-1,5% га, меҳнат сарфи 2% га, бетон сарфи эса 3-5% га камаяди. Аммо металл сарфи ҳар 1квадрат метр учун 1-3 кг га ошади.

Ер қимирлаши мўтадил бўлган туманларда узунлиги бўйича қисмларга ажратилган бинолар пайдеворининг чуқурлиги бир хил сатҳда бўлиши мумкин. Кўтарувчи тош деворлар пайдевори иложи борича лентасимон бўлиши зарур. Агар қозикоёқли пайдевор ишлатилса, у холда “устун” қозикоёқ пайдевор тури қўлланилади. Каркасли бинолар устунлари остида йиғма ёки қўйма темир-бетон пайдеворлар ишлатилиб, улар ўзъаро пайдевор тўсинлари билан боғланган бўлиши керак.

Назорат саволлари

1. Пайдевор қандай вазифани бажаради.
2. Лентасимон пайдевор ҳақида маълумот беринг.

XIV. Табиий асослар ва сунъий асослар

Режа

14.1 Табиий асослар қуриш учун шароитлар

14.2 Сунъий асослар қуриш учун шароитлар

Калит сўзлар: *табиий, сунъий, СНИП.*

14.1 Табиий асослар қуриш учун шароитлар

Асослар ва пайдеворлар

Ҳар қандай иншоотнинг мустахкамлиги аввало асос ва пайдеворнинг ишончлилигига боғлиқ бўлади.

Пайдеворнинг товонидан пастда ва ундан четда ётувчи, иншоотдан тушаётган юкланишни ўзига қабул қилувчи ва пайдеворнинг мустахкамлигига ва унинг кўчишларига таъсир кўрсатувчи тупроқ қатламлари асос деб хисобланади.

Бинолар ва иншоотларнинг асосларини лойихалашда жуда катта миқдордаги омилларга боғлиқ бўлиб, уларнинг асосийлари қуидагилар:

тупроқнинг геологик ва гидрогеологик тузилиши; қурилиш худудининг иқлим шароитлари; барпо этилаётган бинонинг ва пойдеворининг конструкцияси; асосдаги тупроққа таъсир қилувчи юкланишнинг тавсифи ва ҳ.к. Бинолар ва иншоотлар пойдеворлари остидаги асослар табиий ва сунъий бўлади.

Қояли тупроқлар отилиб чиқкан, чўккан ва метаморфик тоғ жинслари (гранитлар, оҳактошлар, кварцитлар ва б.). Улар яхлит массивлар ёки айрим ёрикли пластлар кўринишида учрайди. Улар катта зичликка, бинобарин, сувга чидамли истаган турдаги иншоотлар учун мустахкам асос хисобланади.

Қояли бўлмаган тупроқларга йирик бўлакли, қумли ва лойли тупроқлар киради. Йирик бўлакли тупроқлар (шағал, гравий, чақиқ тошлар) зарраларининг ўлчамлари 2 мм дан ортиқ бўлган қояли жинсларнинг емирилиши натижасида ҳосил бўлади. Улар мустахкамлиги, қояли тупроқларнига қараганда камроқдир. Агар, йирик бўлакли тупроқлар ер ости сувлари таъсирига учрамаган бўлса, улар ҳам ишончли асос бўлиб хизмат қиласи.

Қумли тупроқлар йириклиги 0,1 ..2 мм бўлган тоғ жинслари заррачаларидан иборатdir. 0,25 ..2 мм йириклидаги қумларнинг сув ўтказмаслик қобилияти катта ва шу сабабли музлагандан шишмайди. Қумли асосларнинг мустахкамлиги ва ишончлилиги қум қатламининг ётиши зичлиги ва қувватига боғлиқ; ётқизик қуввати қанчалик катта ва қум қатлами зичлиги қанчалик бир текис бўлса, асос шунча мустахкам бўлади. Сув мунтазам равишда таъсир кўрсатганда, қумли асоснинг мустахкамлиги кескин пасаяди.

Қумлоқ тупроқлар қум билан 3...10% миқдордаги лойли заррачаларнинг аралашмасидан иборат. Соzтупроқли тупроқлар қумдан ва 10 ...30 % лойли заррачалардан иборат бўлади. Тупроқларнинг бу турлари табиий асос сифатида (агар улар намланмаса) фойдаланиши мумкин. Ўзининг мустахкамлиги ва кўтариш қобилиятига кўра улар қумли ва қуруқ лойли тупроқлардан орқада туради. Ер ости сувларининг мунтазам таъсирида бўладиган соzтупроқларнинг айрим турлари харакатчан бўлиб қолади. Шунинг учун улар сузуви деган ном олишган. Тупроқнинг бу тури табиий асос сифатида ярамайди.

Сариқ (соғ) тупроқлар – бу нисбатан доимий гранулометрик таркибга эга бўлган чангсимон соғтупроқ зарраларидир. Сариқ тупроқ қуруқ ҳолатда ишончли асос сифатида хизмат қилиши мумкин. Намлангандан ва юкланиш таъсирида сариқ тупроқ кучли тарзда зичлашади, бунинг натижасида анча катта чўкишлар пайдо бўлади. Шунинг учун чўкувчи деб аталади.

Тупроқларнинг номлари, ҳамда ўзига хос хусусиятга эга тупроқларнинг ажралиши мезонлари ва уларнинг тавсифлари “Бинолар ва иншоотларнинг асослари. Лойиҳалаш меъерлари” СНИП да келтирилган.

14.2 Сунъий асослар қуриш учун шароитлар

Сунъий асослар деб ўзининг табиий ҳолатида механик хоссаларига кўра бино ва иншоотлардан тушадиган юкланишларни кўтара олмайдиган тупроқларга айтилади. Шунинг учун кучсиз тупроқларни мустахкамлаш учун турли хил мухандислик тадбирларини бажариш зарур. Кучсиз тупроқларга органик қўшимчалари бўлган ва тўкилган (уюлган) тупроқлар киради. Органик қўшимчали тупроқларга: ўсимликлар тупроғи, балчик, торф, ботқоқ тупроғи киради. Уюлган тупроқлар жарликлар, ариқлар, ахлат тўкилган жойларга тупроқ тўкишда ҳосил бўлади. Санаб ўтилган тупроқлар ўз таркибига кўра бир жинсли эмас, юмшоқ, катта ва нотекис сиқилувчанликка эга. Шунинг учун асос сифатида улар фақат зичлаштириб, цементациялаб, силикатлаштириб, битумлаштириб ёки термик усулда мустахкамлагандан кейингина фойдаланилади.

Чегаравий ҳолатларнинг иккинчи гурухи бўйича (деформациялар бўйича) асосларни хисоблаш иншоотнинг пойдевор устидаги конструкцияларнинг деформацияларини иншоотни меъёрида эксплуатация қилиш ҳоли бузилмайдиган чегаралар билан чеклайди.

Иншоотлар асосларини юқорида кўрсатилган чегаравий ҳолат бўйича хисоблаш муносабати билан тупроқларни баҳолаш пишиқлик (мустахкамлик) бўйича ва уларнинг юкланиш остида деформацияланиш қобилиятига кўра (сиқилувчанлиги бўйича) амалга оширилади. Тупроқларнинг мустахкамлигини баҳолаш ва пойдеворларни чегаравий ҳолатларнинг биринчи гурухи бўйича хисоблаш учун асос тупроқларининг сиқилишига хисобий қаршиликларини аниқлай олиши зарур. Асосларнинг юкланиш остида деформацияланиш қобилиятини баҳолаш ва пойдеворларнинг чўкишини аниқлаш учун тупроқларнинг сиқилувчанлик тавсифларини (хусусиятларини) билиш зарур.

Назорат саволлари

1. Асос нима?
2. Табий асос нима?
3. Сунъий асос нима?

XV. Пойдеворларни ва ертўлаларни заҳдан муҳофаза қилиш

Режа


15.1 Пойдеворларни заҳдан муҳофаза қилиш

Калит сўзлар: *ертўла, гудроизоляция, сақич, рубероид.*

15.1 Биноларни зах(намдан) ҳимоя қилиш

Пойдеворларни кам қаватли биноларда куруқ асосларда жойлашганда, Яъни ер ости сувлари чуқур жойлашганда асосан ёмғир ва қордан биринчи галда ҳимоя қилинади. Шу сабабли бинонинг ташқи томонидан, периметри бўйича асфальтдан отмостка қўйилади ёки япалоқ тош қатламига, ёғли лой қатламига терилади.

Ҳар қандай тупроқ асосида капиллярлик ҳолат бўлиб, ундан пойдевор баданига ўтиб бинонинг ташқи конструктив элементи билан боғланади. Намлик ва капиллярликни олдини олиш учун пойдевор ва асосий девор ўртасига гидроизоляция қўйилади. Бу процессни бажаришда 2 қатлам тол ёки цемент қориши масига сув ўтказмайдиган қориши мақомати қўшилиб, уларни аниқ отмосткани ва полни устига жойлаширилади. Шу билан бирга пойдеворни тупроқ ва полнинг бошланиши билан бирлашадиган юзасига иссиқ битумни суртилади. Агарда шўх сувлар пойдевор ва ертўлаларга қаттиқ таъсир кўрсатса бу ҳолатда пойдевор маҳсус ҳом-ашёда қилинади. Гидроизоляция қатламлари асосан биноларга сувнинг босимига қараб қўйилади. Мисол учун сувнинг босими 200мм бўлганда 1 қатлам гидроизоляция қўйилади, яъни босим 1250мм бўлганда 4 қатлам гидроизоляция қўйилади. Гидроизоляция гилами устига химоя қилувчи цемент қориши маси қалинлиги 20-30мм қўйилади, чунки сувнинг босими гидроизоляцияни ёриб ташламаслиги ва полнинг қатламига таъсир этмаслиги учун. Ертўлалардаги гидроизоляция, пойдеворни тайерлаш вақтида 100мм дан кам бўлмаган цементли қориши ёки асфальт қатламида қўйиб кетилади. Бир хил шароитларда



Кам қаватли бинолар элементларини намлиқдан химоялаш

а-құруқ грунтлар билан деворларни намлиқдан химоялаш, б-д ертүлани химоялаш, 1-девор, 2-пол, 3- гидроизоляция, 4-лентали фундамент, 5-отмостка, 6- бетонли асос, 7- майда лой, 8- темирбетон плита, 9- гишили химоя девори, 10-бетон, 11-иссиқ битум, 12-темирбетон асос.

гидроизоляцияни мураккаб конструкциянинг ер майдони ва уйнинг остига қўйиладиган дренажлар билан алмаштирилади. Дренаж ўрнатилганда ер Дренаж ўрнатилганда ер ости сувларини ер остида қолдиради.¹⁴

Назорат саволлари

1. Ертўлаларни захдан сақлаш учун қандай ишлар бажарилади.
2. Отмостка нима ва у қандай вазифани бажаради.

XVI. Деворлар ва устунлар.

Режа

¹⁴ В. В. Ермолова “Инженерные конструкции” М. 1991 г.

16.1 Девор ва устунлар ҳақида маълумот

Калит сўзлар: *устун (колонна), ригель, блокли гиштлар.*

16.1 Деворлар ва устунлар ҳақида маълумот

Деворлар – хонани атроф муҳит таъсиридан ҳимоя қилувчи ва бир хонани иккинчисидан ажратувчи вертикал тўсиқлардир.

Алоҳида таянчлар – бинонинг устёпмаларидан ва бошқа элементларидан тушадиган юкланишларни пойдеворларга узатувчи кўтарувчи вертикал элементлар (устунлар, таянчлар, стойкалар).

Таянч гишт, темир-бетон устунлар (тўғри тўртбурчакли, квадрат ёки доиравий кесимли), бетон тўлдирилган асбест цементли қувурли устунлар тарзида қурилади.

Деворлар қўйидаги талабларга жавоб берини керак:

пишиқ ва мустахкам бўлиши;

бинонинг оловбардошлиқ даражасига мос бўлиши, ёниш гуруҳига эга бўлиши ва оловбардошлиқ чегараси меъёрдагидан паст бўлмаслиги керак;

хоналарда зарур температура намлик режимини таъминлаши;

етарлича товуш изоляцияси хоссаларига эга бўлиши;

тежамкор бўлиши, яъни материални, юз бирлиги массасини минимал сарфлаши, энг кам меҳнат сарфлаши ва энг кам маблағ сарфлаши керак; архитектура – бадиий ечимида жавоб берини керак.

Деворлар қўйидаги белгиларга кўра таснифланади:

жойлашган ўрнига кўра: ташқи ва ички;

ишнинг хусусиятига кўра: уларга таянувчи устёпмалар ёки тўсинлар конструкцияларидан тушаётган юкланишларни қабул қилувчи кўтарувчи, юқорида жойлашган деворлардан тушадиган юкланишларни қабул қилиб оловучи ўзини ўзи кўтарувчи; факат тўсувчи вазифасини бажарувчи осма;

деворларни конструкцияси ва уни қуриш усулига кўра: йирик тошлардан (блоклардан), монолит, йирик панелли;

қўлланиладиган материалнинг турига кўра: тошли, ёғочли, синтетик материаллардан бўлади.

Териш деб алоҳида тошлардан (табиий ва сунъий) бажарилган конструкцияга айтилиб, улар орасидаги чоклар қурилиш қоришини (оҳакли – цементли, цементли – лойли ёки цемент) билан тўлдирилади.

Териш мустахкамлиги тош ва қоришининг пишиқлигига, тошлар орасидаги вертикал чокларнинг боғланиш тизимига, шунингдек намлик, температуралар, шамол, коррозияга боғлиқ бўлади.

Конструкция тўғри ишлаши учун терим қирқишининг учта қоидасига жавоб берини керак:

девордаги тошлар горизонтал қаторларда жойлаштирилиши, яъни асосий таъсир қилувчи кучларга перпендикуляр ҳолда жойлаштирилиши керак;

қатордаги тошлар вертикал чоклар – бўйлама ва кўндаланг чоклар билан ажратилиши керак;

кўшни қаторлардаги вертикал чоклар устма – уст, мос тушмаслиги керак, бундай мос келмаслик чокларнинг боғланиши дейилади.

Боғланишлар деворда тошларнинг биргаликда ишлашини ва юкланишнинг бир текис тақсимланишини таъминлайди.

Фиштли деворлар керамик ва силикат ғиштдан терилади. Стандарт ғиштнинг ўлчамлари 120x65x250 мм бўлади. Шунингдек баландлиги 88 мм бўлган бир яримта ғиштлар ҳам қўлланилади.

120x65 мм ёки 120x88 мм ўлчамга эга ғиштнинг ён сирти **ётқизма** дейилади. Шу сирти билан ётқизилган ғиштлар қатори ётқизма қатор дейилади. 65x250 мм ўлчамга эга ғишт сирти **ложковий** деб аталади. Бу сиртлари билан ётқизиб терилган ғиштлар қатори ложковий қатор дейилади. 250x120 мм ўлчамларга эга ғишт сирти тўшама дейилади.

Териш қалинлиги иссиқ-техник хисоб-китоблар билан белгиланади.

Деворларини териш яхлит ва *енгиллаштирилган* бўлади. Яхлит (узлуксиз) териш бир хил жинсли материалдан ташкил топади. Яхлит терилган деворлар оғир, меҳнат талаб ва иссиқ-техник сифатлари паст бўлади. Лойли ёки силикатли тўлиқ ғиштдан яхлит теришнинг камчилиги иссиқлик ўтказувчанлиги катта эканлигидадир. Бироқ пишиқлик шартларига кўра деворнинг қалинлиги анча кам бўлиши мумкин. Шунинг учун ташқи деворларни тўлиқ жинсли ғиштдан яхлит қилиб териш унинг пишиқлигидан тўлиқ фойдаланилган шароитдагина, яъни кўп қаватли уйларнинг пастки қаватларида иқтисодий жиҳатдан (тежамкорлик жиҳатидан) мақсадга мувофиқдир. Кам қаватли биноларда, шунингдек кўп қаватли уйларнинг юқори қаватларида ташқи деворларни териш учун ичи бўш ёки енгил (фовак) ғиштдан фойдаланиш ёки енгиллаштирилган теришдан фойдаланиш лозим.

Бундан нам хоналарнинг (ҳаммомлар, кир ювиш хоналарининг) деворлари мустасно бўлиб, улар одатда, тўлиқ жинсли хом ғиштдан ич томонида ҳимоя қилувчи буғдан изоляцияловчи қатлами бўлган ғиштдан терилади.

Яхлит (узлуксиз) теришда тошларнинг анча самарали турларидан фойдаланишга харакат қилинади: фовак ва ичи бўш ғиштлари, ичи бўш бетон блоклар. Ғиштнинг самарали турлари ва майда блокларнинг қўлланилиши деворларнинг қалинлигини камайтиришга имкон беради.

Териш қалинлиги доимо яримта ғиштнинг жуфт ёки тоқ сонига каррали бўлади. Ғиштли деворларнинг қалинлиги 120, 250, 380, 510, 640, 770 мм ва ундан ортиқ бўлиши мумкин. Горизонтал чоклар 10-12 мм қалинликда терилади; ғиштнинг баландлиги 65 мм бўлганда хар 4 қатор 300 мм ни, ғиштнинг баландлиги 88 мм бўлганда – териш қатори 100 мм ни ташкил этади.

Теришнинг фасад сиртига чиқувчи қаторлари юза (*ташқи верстаси*, ички томонга қараганлари – *ички верста* дейилади. Ташқи ва ички версталар орасидаги терилган қаторлар **забудка** деб аталади.

Тошларни теришнинг маълум бир тартиби термада **боғланиш тизими** деб аталади. Занжирли теришда кўндалангига терилган қаторлар узунасига терилган қаторлар билан навбатма –навбат алмашиниб келинади.

Кўп қаторли теришда бир неча узунасига терилган қаторлар битта кўндалангига терилган қатор билан қопланади. $x=65$ мм ли ғиштдан девор териб чиқища хар 3 та кўндаланг қўйиб терилган қаторлар битта узунасига терилган қатор билан ёпилади, баландлиги $x=88$ мм бўлганда 4 ёки 3 та кўндаланг қатор битта узунасига терилган қатор билан ёпилади. Кўп қаторли териш икки қаторли теришга қараганда анча содда, шунинг учун ғишт терувчиларнинг меҳнат унумдорлиги бу тизимда анча юқори бўлади.

Агар девор кейинчалик сувоқ қилинмаса, у ҳолда ғиштлар орасидаги вертикал ва горизонтал чоклар пардоз қилиниб, яъни чок зичланади ва унинг ташқи сиртига маълум бир шакл берилиб, деворларнинг ҳаво сингдиришини камайтириш учун қоришма билан тўлиқ тўлдирилиши керак.

Чок сиртига махсус асбоб билан ишлов берилади, у чокка валик, нов ва х.к.ларнинг шаклини беради. Тўлиқ жинсли ва бўш жинсли ғиштдан терилган деворларнинг фасад сиртлари, одатда, сувоқсиз териб чиқилади, аммо чоклари яхшилаб гулли қилиб пардозланади.

Агар деворнинг сирти сувалса, у ҳолда ғишт териш бўш чокли қилиб амалга оширилади, бунда девор билан сувоқ қатлами яхши боғланишини таъминлаш учун юза чоклари 10-15 мм га чукур қилиб тўлдирилмай қолдирилади.

Енгил (ғовак, ғовак – тешкли) ғиштдан қурилган деворлар уларнинг намлик хажми катта бўлгани туфайли унинг ташқи юзасини тўлиқ жинсли ғиштдан териш ёки уни суваш керак бўлади.


Назорат саволлари

1. Деворлар тўғрисидамаълумотберинг.
2. Устунлар нимава у қандайвазифанибажараради.

XVII. Балконлар, лоджиялар, эркерлар

Калит сўзлар: эркер, деформация, чоклар.

Деворлар билан бевосита боғлиқ бўлган биноларнинг архитектуравий – конструктив элементларига шунингдек балконларни, эркерларни ва лоджияларни киритиши мумкин (расм).



Кам ва кўп қаватли турар – жой бинолари маҳсус элементлари конструкциялари

а – балкон; б – лоджия; в – эркер

Балконлар – қаватлараро устёпма сатҳида ташқи девор ташки текислигидан 0,8 – 1,2м чиқиб турувчи, режада ўлчамлари ва шакли турлича бўлган, тўсиқ (суюнчиқ) билан тўсилган очиқ майдонча. Улар алоҳида хоналар учун ҳам, бир неча хоналар учун ҳам ёки хонадонлар учун ҳам мўлжалланиши мумкин. Кўндаланг деворлар алоҳида участкаларга тегишли экранлар ёки тўсиқлар билан ажратилган тасмасимон балконлар ҳам курилади.

Балконлар тўртта схема бўйича қурилади:

консоль плита девор билан сиқилади (девор етарлича оғир бўлиши керак);

плита деворларга ўрнатилган кранштейнларга таянади;

плита устунларга таянади;

плита асосий деворга (вертикал ёки қаватлараро қия) маҳкамланади.

Фиштили ва йирик панелли уйларда балконлар, одатда, биринчи схема бўйича қурилади. Деворлари юпқа бўлган йирик панелли биноларда балкон маҳсус устунлар билан тутиб турилади.

Балконнинг поли хоналар поли сатҳидан 50 – 80 мм паст қилиб ва бино деворидан бошлаб бироз қия қилиб қурилади. Темир – бетон плитанинг устидан гидроизоляцияли гилам елимланиб, у бўйлаб балконнинг қопламаси бўлиб хизмат қилувчи цемент сувоқ қилинади.

Балкон металл панжара, ғиштдан ёки темир – бетондан яхлит узлуксиз девор билан (унинг пастки қисмида ёмғир суви оқиб чиқиб кетиши учун тешикчалари бўлади), металл синч бўйича тўлқинсимон шишапластика билан тўсилади.

Лоджия – уч томондан деворлар билан тўсилган, фасад томонидан очиқ майдончадир. Лоджиянинг кўтарувчи конструкцияси – фасад томонидан тўсилган темир – бетон плитадан иборат.

Лоджия кўпинча кўринмайдиган, фасад томонидан очиқ бўлган хонани яратиб, бинонинг ҳажми ичига кириб туради.

Лоджиянинг уч хил тури фарқланади:
кўринмайдиган, яъни бино габаритида тўлик жойланадиган;
ташқи девор текислигига қисман кириб турадиган;
осма (чиқарилган), бинонинг ташқи деворлари текислигидан тўла чиқиб турувчи.

Дастлабки икки турида лоджиянинг темир – бетон деворлари кўтарувчи хисобланади. Чиқарилган лоджияларда – унинг деворлари осма бўлади.

Эркер – ташқи деворнинг ташқи сиртидан ташқарида жойлашган ва деворлар билан тўсилган ёпиқ балкон, яъни битта ёки бир нечта деразалар орқали ёритиладиган турар – жой хонасининг фасад текислигидан чиқарилган бир қисмини ифода этади. Эркер ташқи деворлар ҳажмидан чиқиб турувчи хонанинг бир қисмини ташкил этади. Эркерлар айниқса, шимолий ёки жанубий худудларда самаралидир, чунки уларнинг тузилиши туфайли хонада зарур инсоляция режимини тартибга солиш имкони вужудга келади. Бунда эркерлар фасадларнинг шаклини хар хиллаштиришга, уларни пластик жиҳатдан бойитишга имкон беради.


Конструкциясига кўра эркерлар 2 – қават сатҳида жойлашган консолли ёки бинога жипс қилиб қурилган, яъни пойдеворга таянган бўлади. Эркернинг кўтарувчи конструкцияси – устёпманинг темир – бетон плитасидир; ташқи тўсиғи худди бино деворлари каби бўлади.

Режада эркерлар тўғри тўртбурчакли, ярим доиравий, трапециясимон қилиб қурилади. Эркернинг деворлари одатда кенг деразаларга ёки яхлит ойнаванд қилинган бўлади. Эркерлар бинонинг бутун баландлиги бўйича ҳам, бир ёки бир неча қаватга ҳам қурилади.

Деформация чоклари

Деформация чоклари температура – чўкиш кучланишлари ва асоснинг нотекис чўкиши натижасида юзага келадиган, бинонинг деворларида дарзларнинг пайдо бўлишини олдини олади. Деформация чоки – бино деворини пойдеворидан карнизининг юқорисигача алоҳида қисмларга

ажратувчи, 30 – 150 мм масофадаги вертикал оралиқ бўлиб, у эластик материал билан тўлдирилади.



Деформация чоклари:

a-қўшилган кўндаланг деворларда; *б*-якка кўндаланг деворларда:

1 – шпунт; 2 – толь ёки рувероиддан иситкич билан бирга қистирма

Деформация чоклари вазифаларига кўра қўйидагича бўлиши мумкин: температурали – температура ўзгаришидан ёриклар пайдо бўлишининг олдини олиш учун ва чўкувчи бинонинг нотекис чўкишини бартараф этиш учун.

Температурали – чўкиш чоклари бино деворларини пойдеворига қирқади, чўкиш чоклари эса асоснинг нотекис чўкишини кутиш мумкин бўлган ҳолларда деворлар бутун бўйига кўра, пойдеворни ҳам қирқади. Бино деворларида чўкиш чокларини қуришда улар билан бирга температурали чўкиш (ўтириш) чокларини ҳам бир қўшиб қуриш тавсия этилади. Деформация чокларининг жойлашиши ва конструкциялари лойиҳада кўрсатилиши керак. Деворларни шамол уриб туришидан саклаш учун деформация чоклари шпунт кўринишида бажарилади ва улар толь ёки рувероидли иситкичли (минерал пахта ва бошқа) қистирма билан тўлдирилади.

Назорат саволлари

1. Балконлар, лоджия, эркерлар қандай вазифани бажаради.
2. Балконлар қандай уйларда қўлланилади.

XVIII. Пардеворлар, Ораёпмалар

Режа

18.1 Пардеворлар

18.2 Ораёпмалар

Калит сўзлар: *санитария узел, илок, шагал, чизаноқ, туф, қум, қипиқ*.

18.1 Пардеворлар

Пардеворлар хоналарни ажратувчи ва юкланишни қўтармайдиган, тўсинларда ўрнатиладиган юпқа ички вертикал тўсиқлардан иборатdir.

Туар – жой биноларида пардеворлар юзи одатда деворлар юзларидан катта бўлади. Пардеворлар тўсинларга юкланишни камайтириш учун енгил, товуш ўтказмайдиган, ёнғин хавфсиз, юпқа ва гигиеник бўлиши керак.

Пардеворлар қуйидагиларга кўра фарқланади:

вазифасига кўра – товуш изоляциясига талаблар юқори бўлган хоналараро, квартиralараро санитария узеллари ва ошхоналар учун намлика бардошлигига юқори талаблар қўйилади;

материалига кўра – гипсобетонли, гипслиқипиқли, ғиштли, ичи бўш керамик ва енгил бетон тошлардан, ёғочли, ёғоч толали ва ёғоч қипиқли плиталардан ва бошқалар. Барпо этиш усулига кўра – йирик ўлчамли элементлардан йиғма ёки майда донали материаллардан.

Ўлчами хонага мос бўлган гипсбетонли йирик панеллардан тайёрланган пардеворлар энг самаралидир. Улар гипс қоришимасидан маҳаллий материаллардан (шлок, шағал, чиганоқ, туф, қум, қипиқдан) иборат тўлдиргичлар билан аралаштириб, прокат усулида тайёрланади ва ёғоч рейкалардан 400x400 мм синч билан арматураланади.

Хоналараро пардеворлар бир қаватли (80-100мм) қилиб, квартиralараро пардеворлар – панеллар оралиги 50 мм бўлган икки қаватли қилиб тайёрланади. Бундай пардеворлар деворлар билан ёғоч рейкаларга қоқиладиган чўткали скобалар билан деворларга бириктирилади.

Кичик ўлчамли гипс плиталардан (800x400x80мм) тайёрланган пардеворлар тўсин конструкциясига ўрнатилади. Кам қаватли уйларни қуришда асосан пардеворлар кичик блокли тош материаллардан, шунингдек ёғоч материаллардан барпо қилинади.

Қалинлиги ярим ғишт (120мм) ва чорак ғишт (65мм) бўлган одатдаги ғиштли пардеворлар арматураланиб, кейин сувалади.

Қалинлиги 90,120 ва 190 мм бўлган майда блокли тош материаллар (шлакобетон, керамзитобетон, керамика)дан пардеворлар вертикал чокларини оҳак билан боғлаб, нам хоналарда эса цемент қоришка билан курилади.

Дурадгорлик (ёғоч) пардеворлар (ишлиов берилган тахтадан, ромли ёки филёнкали ва синчли) хонанинг бор бўйи бўйича ва шипга етмайдиган; яхлит, қисман ойнаванд ва баландлигининг 2/3 қисми ойнаванд бўлади. Улар ўз массасидан ташқари бошқа юкланиш бермайди. Уларни кўчириш ва монтаж қилиш осон.

Пардеворлар учун ариқча ва чизиқли қилиб фрезаланган тахталар ёки қалинлиги 36 ва 46 мм бўлган чоракликлар қўлланилади. Ромли (филенкали) пардеворлар эни 0.8-1 мм бўлган шитлардан тайёрланади. Шитлар боғламлар, ўрталиклар ва филёнкалардан иборат бўлади.

Синчли пардеворларда кесими (25-32) x (50-80) мм бўлган бруслардан иборат синч юмшоқ ёғоч толали ёки минерал паҳтали плиталар билан тўлдирилади.

Дурадгорлик пардеворлари узунлиги 2500-4500мм, эни 600 ва 1200 мм, қалинлиги 8-25 мм бўлган тўғри – тўртбурчакли гипсокартон тахталар (листлар) билан қопланади. Гипсокартон листлар пардеворларга қалпоғи кенг, узунлиги 40мм бўлган ингичка руҳланган ёки олифланган михлар билан қоқиб қўйилади. Гипсокартон листлар орасидаги чоклар листлар сирти билан бир текис қилиб шпатлёвкаланади.

Дурадгорлик пардеворлари яхлит ёки ойнаванд бўлиб, кўпинча жамоат бинолари интеръерларида қўлланилади. Улар шовқиндан кам изоляция қилса ҳам, лекин декоративдир.

18.2 Ораёпмалар

Ораёпмалар биноларнинг бир пайтнинг ўзида ҳам кўтарувчи, ҳам тўсувчи элементлари хисобланади. Улар ўз вазнидан ташқари фойдали (вақтинча) юкланишни, яъни одамлар, мебель ва хонадаги жиҳозлар массасини ҳам қабул қилиб, уларни деворларга ёки алоҳида таянчларга узатади.

Ораёпма пишиқ, бикр, оловбардош, узок муддат ишловчи, товуш ва иссиқлиқдан изоляцияланган, сув ўтказмайдиган бўлиши керак.

Паст қаватли биноларда ёғоч ёки пўлат тўсинлар бўйича темир – бетон тўсинлар, шунингдек армосиликатли ва керамик тўсинлар қурилади.

Темир – бетон том тўсинлари (расм) йиғма (плиталар кўринишида, йирик панелли ва тўсинли) ва монолит (опалубка бетонланадиган) бўлади.

Тўшамалар (оралиқлар мос ҳолда 4 м гача ва ундан ортиқ бўлганда қалинлиги 160 ва 220мм) деворлар ва прогонларга тиради, йирик панеллар бутун бир хоналарни қоплайди.

Улар яхлит, ичи бўш ва чодирсимон қилиб тайёрланади. Оралиқлари 3,6м гача бўлганда қалинлиги 140мм ли бир қаватли яхлит панеллар, 3,6м дан ортиқ оралиқлар учун эса қалинлиги 140-160мм бўлган олдиндан зўриқтирилган панеллар қўлланилади.




Темир-бетон ораёпмалар

Ичи бўш плиталар бир қатор афзаликларга эга: темир-бетоннинг ишлаш хусусиятига мос келади ва усти ҳамда паст қисми қовурғасиз сиртга эга, уларнинг қалинлиги 220 мм.

Пастга ва юқорига қараган қовурғали нов қўринишдаги чодирсимон панеллар 14-16мм қалинликда ишлаб чиқарилади.

Тўсинли ораёпмалар таврли профилга эга тўсинлардан иборат бўлиб, улар оралиғи гипсли ёки енгил бетон плиталар тўшамаси қўринишида тўлдирилади.

Ёғочли ораёпмалари одатда тўғри тўртбурчак кесимли ёғоч тўсинлардан ва тўсинлар оралиғи тўлдирилган ёғоч конструкциялар, пол, шидан иборат .



Тўсинли ёпма

Тўсиннинг баландлиги ёпиладиган оралиқнинг 1/10-1/20 қисмини, эни 6-12см ни, ёпиладиган оралиқ 4,8м дан ортиқ бўлмаслиги керак. Товуш ва иссиқлик изоляцияси тўшама ёрдамида амалга оширилади.

Назорат саволлари

1. Пардеворлар тўғрисида маълумот беринг.
2. Ораёпмалар тўғрисида маълумот беринг.
3. Ораёпмалар, қоплама ва унинг турлари.

XIX. Поллар

Режа

19.1 Қатламча

19.2 Пўкакли қопламалар

Калит сўзлар: *тўсин, паркет, плита, линолеум.*

Пол – қуидаги элементлардан ташкил топган кўп қатламли конструкцияди:

эксплуатацион таъсирларга бевосита бериувчи қоплама (соф пол);

қопламани полнинг пастда ётувчи элементи билан ёки тўсин билан боғловччи қатлам;

тўшаладиган қатлам (тайёрлаш), у соф полнинг мустахкамлигини таъминлайди ва юкланишларни қаватлараро ораёпмага ёки тупроққа тақсимлайди;

асослар, улар қаватлараро ораёпма ёки табиий тупроқ бўлиши (масалан, бинонинг ертўласида) мумкин.

Пол конструкциясида қўшимча қатламлар: иссиқлик, товуш ва гидроизоляция қатламлари бўлиши мумкин.


Полнинг номини қоплама тайёрланган материал бўйича (паркетли, плитали, линолеумли ва ҳ.к.) қабул қилинади.

Хоналарнинг вазифасига боғлиқ ҳолда поллар қуидаги асосий талабларга жавоб бериши керак: мустахкам бўлиши, яъни турли хил механик таъсирларга яхши қаршилик кўрсатиши, юкланишлар таъсирида букилмаслиги, сирпанчик бўлмаслиги, улар устида юрганда шовқин чиқармаслиги, устёпманинг умуман зарур шовқин изоляциясини таъминлаши, чанг чиқармаслиги ва осон тозаланиши керак.

Поллар эстетик гўзал, сув ўтказмайдиган бўлиши керак.

Полларнинг конструкцияси устёпманинг турига боғлиқ ва лойихада белгилаб берилади.

Пол тупроқ (грунт) утига ёки қаватлараро ёпмалар устига ўрнатилади. Пол конструкцияси ҳар бири функционал вазифага эга бўлган бир қатор қатламлардан иборат. Юқори қатлам – пол қопламаси.



Пол конструкцияси

а-бетон ёпма устидаги ёғоч пол; б – паркет таҳталаардан иборат пол.

19.1 Қатламча

Қатламча – қопламани пастда ётувчи қатлам билан боғловчи ва қоплама учун эластик асос бўлиб хизмат қилувчи қатлам. Оралиқ қатлам тарзида мастикалар, қофоз, картон ёки пергамин, ёғоч толали плиталар, синтетик елим қўлланилади. Сиртни текислаш учун цемент – қум қоришинаси, асфальт, енгил бетон ва бошқа тўшама қилинади.

Қалинлиги 80-100мм бўлган тўшама қатлам (оҳак-шағал, шлакли, тошли, лойли) тупроқ устига ётқизилади, у юкланишни асосга тақсимлаш учун хизмат қиласи. Юқори юкланишларлардан бетонли тўшама қатлами ётқизилади ва агар талаб этилса, у арматураланади.

Полни ер ости сувларидан химоя қилиш учун, шунингдек пол асосини (тупроқ ёки ёпмани) хонадаги (душхона, ванна ва ҳ.к.) сувдан химоя қилиш учун гидроизоляция қатлами хизмат қиласи.

Иссиқлик изоляция қатлами устёма устига, иситиладиган ва иситилмайдиган хона чегарасида (ертўла устидан ёки лоджия остидан) курилади. У ёғоч толали плиталардан, енгил бетондан ёки сочилувчан иситкичдан (шлак, керамзит) бўлиши мумкин.

Товушдан изоляциялайдиган қатлам қиздирилган қумдан, енгил бетондан ва бошқа материаллардан, шунингдек ҳаво қатлами тарзида бажарилади.

Поллар монолит, донали ва рулонли материаллардан бўлиши мумкин.

Монолит полларга (чоксиз) қуйидагилар киради:

бетонли асосда цементли;

террацали (*террацовые*) (юқори қатлами цемент қоришинасидан 20-25мм қалинликда мармар бўлакчалари билан бирга);

ксилолитли (*ксилолитовые*) (каустик магнезит, хлорли магнитнинг ва ёғоч қипиқларнинг умумий қалинлиги 25мм бўлган сув билан эритмаси); цемент – қумли қоришма билан сувоқ бўйича мастика қуймали.

Донали материаллар орасида пол ётқизиш учун қуидаги гурухларни ажратиш мумкин: паркет поллар; ёғоч поллар; гипстолали қопламалар (ёки ламинат); плитали қопламалар.

Паркет поллар бугун ёғочга ишлов бериш саноатида янги технологиялар туфайли иккинчи туғилишини бошидан кечирмоқда. Одатда табиий ёғочдан қилинган паркет поллар териш учун тайёрланган турлари бўйича (якка тартибда ёки саноатда тайёрланган) таснифланади.

Паркет поллар унча катта бўлмаган (12-17мм) ёғочлардан бетон ёки ёғоч асосга, юрганда пол ғичирламаслиги учун қалин қофоз устига ётқизилади. Ёғочларнинг ўзаро жойлашишига боғлиқ ҳолда паркет пол турли шаклда бўлиши мумкин (масалан, “арча”, “квадрат”). Паркет учун қаттиқ жинсли ёғоч (эман, қора қайнин ва бошқа.)дан фойдаланилади. Паркет полларидан ва паркет тўпламидан (мозайкали) қилинган поллар анча кам меҳнат талаб қиласиди. Донали ва шитли (щитового) паркетдан қилинган поллар турар–жой хоналари учун энг яхши пол хисобланади.

Ёғоч поллар конструкциясига кўра бир қатламли ва икки қатламлига бўлинади. Бир қатламли поллар силлиқланган (рандаланган) 29мм қалинликдаги шпунтланган тахталардан, икки қатламли поллар – диагонал рандаланмаган ёғоч тўшама (25мм) дан ва пол қопламаси рандаланган шпунтланган тахталардан (22мм). Ёғоч толали плиталардан қилинган поллар ёғочлидан тежамлироқ бўлиб, уларнинг қалинлиги 35-50мм.

Гипс толали листлардан тайёрланган поллар периметри бўйича 50 мм га сурилган ва бўйига кўра елимланган ўзаро бир – бирлари билан бириктирилган листлардан ташкил топади. Улар универсал бўлиб, уларни ўрнатишида “иссиқ пол” кабель иситиш тизимини ўрнатиш мумкин.

Гипс толали листлардан тайёрланган поллар экологик жиҳатдан соф, заарли моддалар ажратмайдиган, уларнинг кислоталилик даражаси инсон терисининг кислоталилик даражасига ўхшаш. Пол элементининг ўлчами 1500x1500x20 мм ва оғирлиги 18кг. Пол элементлари тез ва осон монтаж қилинади, бу қурилиш ишларини ўтказиш муддатларини қисқартиради. Полни монтаж қилиш “хўл” жараёнларни истисно этади, бу эса қишки қурилиш ва таъмирлаш шароитида афзалликларга эга.

Ламинат узунлиги 100-140см ва эни 20см атрофида бўлган юпқа (7-12мм) қат – қат тахталардан иборат. Ламинатнинг четларида бир – бири билан қулфлар бириктириш учун тишлар ва пазлар қўйилган. Юз қисми ёғочнинг турли жинслари, тош, металларнинг ранги ва фактурасига эга.

Ёғочнинг материали кўп қатламли тузилмани ташкил этади. Юқори, химояловчи қатлам сифатида меламин ёки акрил смоласидан иборат. Махсус жуда пишиқ пленка – “ламинатлаш” хизмат қиласди. Бу қатлам бутун буюм номини ифодалади. Юқори қатлам ташки таъсиrlардан, масалан, ейилиш, намлик ва кир таъсири кимёвий ва қуёш нурлари таъсиридан химоя қилишдек ўта муҳим вазифаларни бажаради.

Ламинация қилинган қопламанинг афзалликлари жуда кўп. Ламинацияланган пол ёғочли полдан фарқли равишда, пардозлашни, силлиқлашни ва лок қоплашни талаб қилмайди, қуёш нурларида қуймайди, кирдан осон тозаланади, хонадаги температура ўзгаришига таъсиричан эмас. Ламинат етарлича юқори даражада экологик, яъни инсон организми учун зарарли, заҳарли ажратмалари мавжуд эмас.

Плитали поллар керамиқ, синтетик материаллардан бўлиши керак.

Керамик плитка – бу минерал хом–ашё (лой, каолин, кварц қуми, флюслар, бўёвчилар ва бошқ.)дан олинган юпқа плитка бўлиб, полларни қоплаш, бинолар деворларини ва фасадларини ички қоплаш учун қўлланилади. Керамик плитка юқори эстетик ва эксплуатацион афзалликларга эга ажойиб пардозлаш материали хисобланади, шунинг учун қурилишда ҳамма жойда қўлланилади. Ҳамма керамик буюмлар каби керамик буюмлар, плитка қаттиқлик, мустахкамлик, гигиеник, ёнувчан эмаслик, ўтга чидамлилик, шунингдек кимёвий агентлар таъсирига чидамлилик каби сифатларга эга. Плитка шунингдек бикрлик ва нозиклик хусусиятлари билан ҳам ажралиб туради.

Табиий тошдан поллар (совук) жамоат биноларининг вестибюлларида, магазинларда, меҳмонхоналарда ва ҳ.к.ларда қурилади. Тошнинг қаттиқ жинслари (гранит, базальт ва бошқ.) каби анча мустахкамлиги кам бўлган жинслар (оҳактошлар, қумтошлар, мармар) ҳам қўлланилади.

Мармар поллар мозаикали ва брекчий (мармар бўлаклари - брекчиевых) плиталардан бўлади.

Мозайкали мармар поллар ишлаб чиқариш қолдиқларидан тўпланади ва расмга мувофиқ жойлаштирилади. Мармар бўлаклари қоришма билан боғланади. Брекчийли плиталардан мармар бўлакчалари орасидаги бўш жойлар мармар майдаси билан тўлдирилади. Цемент қоришмаси (1:2) 25мм қалинликда қуйилгандан сўнг қолипга уч миллиметри симдан пўлат тўр жойланади. Плитанинг қалинлиги 50мм.

Полимер плиткали қопламалар тўлдиргич ва боғловчи смолаларнинг мустахкам бирикмаси, ярим бикр материалдан иборат. Бу тураг – жой ва жамоат хоналари учун ниҳоятда ейилишга бардош, жуда узоқ ишлайдиган ва жозибали маҳсулотдир. У фақат қиймати кичик бўлгани хисобигагина эмас,

балки унча катта бўлмаган чиқиндиларининг миқдори хисобига ҳам жуда тежамлидир.

Поллар учун полимерли плитали қопламалар улар рулонли қопламалардан қулайроқ эканини тасдиқловчи бир қатор сифатларга эга. Поллар қоплаш учун рулонли материаллар орасида қуйидаги гурӯхларни ажратиш мумкин:

Пўкакли қоплама; линолеум, гилам – қопламалар (ёки ковроланлар).

19.2 Пўкакли қопламалар

Пўкакли қопламалар фақат экологик соғ хом-ашёдан – пўкак эманинг табиий пўстлоғидан ишлаб чиқарилади. Пўкак поллар анча катта юкланишларга бардош бериш қобилиятига эга. Бундай пол устида юриш анча осон ва қулай (ёқимли). Лок ёки мум билан химояланган пўкакли поллар тураг – жой хоналарида фойдаланиш учун тўғри келади.

Пўкак жуда эгилувчан, қайишқоқ, эластик материал бўлиб, у ажойиб тарзда сиқилади, юкланиш олингандан сўнг эса қайта ўз ҳолига тикланиши мумкин. Пўкакли қопламаларнинг юқори иссиқликни изоляция қилувчи хоссалари хонада қулай температурани сақлаб туришга имкон беради: қишида пўкак иссиқликни сақлайди, ёзда эса салқинлик беради. Пўкак шунингдек энг яхши товуш изолятори хисобланади.

Пўкак поллар товуш ва механик тебранишларини камайтиради, натижада шовқин камаяди ва акс садо йўқолади. Пўкак қопламалари бегона хидларни ўзига сингдирмайди, электрланмайди, статик электр тўпламайди ва чанг йиғмайди. Пўкак табиий антистатик бўлиб, аллергияга мойил кишилар учун жуда зарурдир.

Линолеум – кенг тарқалган ва демократик материалдир. У қиммат эмас ва узоқ муддатга чидайди. Дастреб линолеум фақат табиий материаллардан, жумладан, зигир ёғидан, табиий смоладан, ёғоч ёки пўкак унидан, **жут** (джутовая) матосидан тайёрланар эди. Энди эса линолеум деганда табиий материаллардан ишлаб чиқарилган қопламанинг ўзи эмас, балки ПВХнинг барча турлари хам тушунилади. Замонавий линолеумнинг машҳурлиги шу билан изоҳланадики, у етарлича сифатли ва унча қиммат бўлмаган материал хисобланади.

Ковролин – пол устига тўшаладиган энг оммабоп қопламалардан бири хисобланади ва нима учун шундайлигини тўла тушуниш мумкин – у чиройли, турли туман ва халқчил, қиши шароитида эса – амалда жуда зарур: уйда иссиқ тивит (жун) устида юришга нима етсин.

Ковролиннинг рангли гаммаси бошқа қопламаларга қараганда хилмачилдир, қиймати эса анча арzon. Полларнинг деталлари қаторига плинтуслар

ва галтеллар хам киради, улар деворларнинг чўкиши полнинг горизонталлигига таъсир кўрсатмаслиги учун махсус қолдириладиган 1-2 см ли тирқишларни беркитиб туради. Галтель доимо паркетга махкамланади, плинтус эса кўпинча деворларга махкамланади. Бунда галтель деворга бироз тегиб туриши керак ёки галтель билан девор ўртасига ёғоч толали плитадан қистирма қўйилса, у ҳолда яна ҳам яхши бўлади.

Плинтуслар ва галтеллар ёғоч, керамик ёки бетонли бўлиши мумкин. Мустахкамлиги турлича бўлган материаллар тоза полнинг чоклари унинг четларини муҳофаза қилиш учун мис ёки пўлат бурчаклар ўрнатилади.

Турли баландликда полларни қўйиш 10^0 гача қияликлар (пандуслар) ёки зинапоялар билан амалга оширилади. Полларда ёрилишлар ҳосил бўлишининг олдини олиш учун эни 6-12 мм бўлган деформацион чоклар қилинади.

Назорат саволлари

1. Поллар қандай турларга бўлинади?
2. Томлар қандай кўринишга эга бўлиши керак?

XX. Деразалар ва эшиклар

Режа

20.1 Деразалар

20.2 Эшиклар

Калит сўзлар: *частак, инсолиция, вентиляция.*

20.1 Деразалар

Дераза – бу хоналарни табиий ёритиш, инсолиция, вентиляция қилиш ва ташки мұхитни кўриб туриш учун мўлжалланган ёруғлик ўтказувчи шаффофф тўсиқдир.

Деразалар жойлашиши ва ўлчамлари билан бинонинг фасади ва интерьери композициясига таъсир кўрсатади. Деразалар хонани шовқиндан изоляция қиласи ва иссиқлик химояси талабларини қаноатлантиради.

Деразаларнинг бошқа турлари қўйидагилар хисобланади: товарларни намойиш қилиш учун мўлжалланган витриналар; деворларни фасад сиртининг ёруғлик ўтказувчи қисмлари – витражлар.

Деразаларнинг барча турлари пишиқ, пухта, индустрималь, иссиқ ва товушдан изоляцияловчи, фойдаланишда қулай, тежамли (ортиқча ойнаванд қилиш қурилишни ва бинодан фойдаланишни қимматлаштиради).

Курилиш меъёрлари ва қоидалари тураг – жой, жамоат, саноат ва бошқа бинолардаги айрим хоналарнинг ёритилганлигини тартибга солади. Бинодаги ёруғлик тушадиган бўшликларнинг хоналар полининг юзига нисбати камида 1:8 ва кўпи билан 1:5,5 бўлиши керак.


Деразани тўлдириш элементлари:

- дераза панжараларини осиш учун тўғри тўртбурчакли ром кўринишидаги дераза қутиси, у вертикал бруск-импост билан ёки горизонтал бруск-ўртачалик (средник) билан кучайтирилади;
- дарчалар, фрамугалар (горизонтал осмали ёки яширин панжаралар)дан, дарчалардан ташкил топган ойнаванд панжаралар;
- бетон, ёғоч, мармар, шиша, пластикадан дераза ости токчаси;
- руҳланган пўлат листдан ташқи сув оқизиши.

Дераза таснифи:

- вазифасига кўра: ташқи, ички (кўшни хоналар ўртасидаги узатиш деразалари, эшиклар тепасидаги фрамугалар);
- тавақалар сони: бир-, икки- ва уч тавақали;
- тавақаларни очилиш усулига кўра: панжаралари берк (очилмайдиган) ёки очиладиган; вертикал ёки горизонтал осмали;
- шиша қоплаш қаторлари сонига кўра: бир қаватли (иссиқ иқлимда ёки хоналар ичкарисида), икки қаватли (мўътадил иқлимда), уч қаватли (баланд биноларнинг юқори қаватларида ва Узоқ Шимол худудларида).¹⁵

Дераза бўшлиғи дераза блоки билан тўлдирилиб, у дераза қутисидан, ойна ўрнатилган дераза панжараларидан ташкил топади, унга тавақалар, фрамугалар, дарчалар, шунингдек дераза остидаги тахта токчалар киради.



Деразаларнинг турлари

¹⁵ Уайт Э., Б. Робертсон. “Архитектура. Формы, конструкции, детали”, Учебное пособие, Москва, 2005 г.

*1 – очилмайдиган; 2 – уч тавақали; 3 – күтариувчан; 4 – сурилувчан; 5 – икки тавақали; 6 – французча; 7 – бурилувчи (горизонтал); 8 – бурилувчи (вертикаль);
9 – дераза аккардеон; 10 – йиғилувчи; 11 – пастки осмали дераза; 12 – жалюзили;
13 – аралаш; 14 – чиқиб турувчи; 15 – құргошинланган;
16 – юқоридан осилган; 17 – панжараланган.*

Конструкциясига құра дераза блоклари бир қаватли (ойнаси бир ёки икки қаторлы), қүшилгандар (икки қатор ойналанган) ва алоҳида қүшилгандар (икки ёки уч қатор ойналанган) бўлади.

Панжаралар ва қутилар турли шаклдаги ва ўлчамдаги ёғочдан, металлдан, темир – бетондан ва пластмассадан бўлади. Ёғочли алюминийли блоклар кенг тарқалган.

Дераза қутиси дераза ромлари ўрнатилган боғламдан иборат. Дераза қутиси вертикаль ички брусларга эга бўлиши мумкин, улар импост деб аталади, горизонтал бруслари эса ўртачаси (средник) деб аталади. Импостлар кутининг бикрлигини таъминлайди ва ромларни илиш учун хизмат қиласи.

Дераза ромлари тавақали (очилмайдиган қисмли – тавақали) ва очилмайдиган қилинади. Дераза ромининг юқори қисми фрамуга дейилади.


Тавақалар, фрамугалар ва очилмайдиган ромлар ромга боғланган брусклардан иборат.

Бир қатордаги тавақалар сонига құра (балкон эшиклари) бир, икки ва кўп тавақали бўлади, очилишига құра – хона ичига очиладиган, ташқарига очиладиган, турли томонга очиладиган ва очилмайдиган ёки берк, шунингдек катта очиладиган – юқоридаги четки ўқи атрофида бурилиш билан, ташланадиган – пастки четки ўқи атрофида бурилиш билан, бурилиб – орқага ташлаб очиладиган, сурладиган тавақасини горизонтал текислик бўйича кўчириш билан, кўтариладиган тавақасини вертикаль текисликда кўчириш билан.

Ойналанган ром майдони қисмларга горбилкалар билан горизонтал ва вертикаль тор брускалар ёрдамида анча майда дераза кўзчаларини ҳосил қилиб қисмларга ажратилиши мумкин. Боғламларга ва горбилкаларда ойна ўрнатиш учун чоракликлар қилинади, улар *фальцалар* деб аталади. Пастки боғлаъмларда ташқи панжараларда (ромларда) чизиклар – ёмғир сувлари оқиб кетадиган ариқчалар қилинади.

Дераза ичкарига яхшироқ очилиши учун ички ромлар (панжаралар) каттароқ бўлиши, ташқари ромлар эса баландлиги ва эни бўйича кичикроқ бўлиши керак.

Дераза кутилари алоҳида ва умумий бўлади, алоҳида ташқи ва ички ромлар ажратилган, умумийсида блокка бирлаштирилган бўлади.



Дераза элементлари

- 1 – соябон; 2 – токча; 3 – юқори кашик; 4 – чети; 5 – осма вертикал боғлам;*
6 – дераза ойнаси; 7 – горбилок; 8 – сув оқизиладиган тахта;
9 – ўрталик; 10 – дераза роми (панжараси); 11 – жалюзи туридаги тавақа;
12 – фрамуга.

Кўшилган панжаралар (ромлар) кенг тарқалди, яъни айнан битта ошиқмошиққа махкамланган иккита панжара (ром). Улар юпқа деворларда кўлланиш учун қулай, лекин иссиқликни яхши сақламайди.

Иккита ойнадан иборат шишапакетли бир қаватли деразалар содда ва тежамлидир. Ойналар герметик тарзда шишали, металл ёки пластмассали рамкада четлари бўйлаб зич елимлаб чиқилган. Дераза блокига йиғилган элементлар осма ошиқ-мошиқлар, қулфлар (шпингалетлар), дасталар, форточка бурамалари, фрамугаларни очиш мосламалари билан таъминланади.

Дераза панжараларида ва эшикнинг балкон полотноларида очилиш периметри бўйлаб пенополиуретан, ғалвирак резина, антисептик таркиб шимдирилган жунли шнурдан тайёрланган зичлаштирувчи қистирмалар ўрнатилиди.

Оммавий қурилиш бинолари учун бир хил ўлчамдаги деразалар кўлланилади, деразалар, витражлар, балкон эшикларига ойна ўрнатиш учун елимланган шишапакетлардан фойдаланилади.

Деразалар ва балкон эшиклари игнабаргли жинсдаги дарахтлар: қарағай, арча, пихта, тилағоч, кедрдан тайёрланади. Турли жинсли дарахтларни битта

ийғма бирлигига (тавақа, фрамуга ва ҳ.к.) қўлланишга рухсат этилмайди, бундан қарағай, пихта, кедр ношаффиоф қоплама буюмлар мустасно.

Дераза блокининг ношаффиоф пардоз қопламаси (масалан, эмаль билан бўяш) оқ рангда бўлиши мумкин ва дизайнер ҳамда буюртмачининг розилиги билан бошқа рангда бўлиши мумкин. Шаффофт пардоз қопламаси шаффофт (ялтироқ) локлар билан амалга оширилади. Юза сиртлари қопламалари ялтироқ ва хира бўлиши, юза бўлмаган сиртларга антисептик ишлов берилади ёки бўялади.

Дераза блоки таркибига кирувчи ёғоч дераза токчаси тахталари асосан игна баргли дарахтлар ёғочидан, яхлит ёки олдин узунлиги бўйича елимланган кесимлардан тайёрланади. Дераза токчаси тахталари атмосфера таъсиrlарига бардош берувчи мойли, синтетик бўёқлар, эмаллар билан бўялади ёки декоратив қофозли қатламли пластик елимлаб чиқилади, қаттиқ баргли жинсдаги ёғочдан рандаланган ҳолда пардозланади ва шаффофт намликка ҳамда атмосфера таъсиrlарига бардошли лок билан қопланади.

Листли дераза ойнаси турли биноларнинг ёруғлик ўтказадиган бўшлиқларини тўлдириш учун қўлланилади. Магазинлар, қўргазма заллари, кафе, ресторонлар, клублар, вокзаллардаги катта бўшлиқлар (витражлар) витриналарга ўрнатиладиган силлиқланмаган ва силлиқланган ойна билан қопланади.

Листлар нақшли ойнадан эшиклар, тўсиқлар панжараларини қоплашда; листли, арматураланган пўлат тўр билан турар-жой, жамоат ва саноат биноларида фонусларни ойна билан қоплашда, балконларни, зинапояларни тўсишда; яssi тобланган шиша (ойна) – эшикларни қоплашда фойдаланилади.

Курилиш профиль шишасидан (ойнасидан) (швеллерли, ғадир – будур, қовургали) турли вазифани бажарувчи биноларда ёруғлик ўтказувчи тўсувчи конструкциялар қопланади.

20.2 Эшиклар

Эшик – бу девор ёки парлевор бўшлиғидаги харакатланувчи (кўчма) тўсиқдир. Эшик бўшлиғини тўлдириш элементлари: *П-симон эшик қутиси*, қутига осилган *эшик полотноси*. Эшиклар бино ичига кириш ва бирдан бирига ўтиладиган хоналарни ўзаро изолатсия қилиш учун хизмат қиласди. Уларнинг сони ва ўлчамлари хонага тўғри келган кишилар сони, бинонинг кўриниши ва бошқалар асосида бўйича аниқланади.

Эшикларнинг таснифи:

- **бинодаги жойлашган ўрнига кўра:** ташқи (хонадонга кириш), ички, шкафники (курилган шкафларда), хизматчи (ертўлага, чордоқقا кирувчи), асосий эшик (бинога киришда);

- **полотнолари сонига кўра:** бир тавақали, бир ярим тавақали (турли кенгликдаги икки полотноли), икки тавақали;

- **тўсиқнинг хусусиятига кўра:** берк, ярим ойнаванд, ойнаванд;

- **очилиш усулига кўра:** бир томонга очилувчи, иккала томонга очилувчи, сурилувчи, йифилувчи, айланувчи.

Жамоат биноларида одамларни эвакуация қилиш қулай бўлиши учун эшиклар ташқарига очилади. Туар-жой биноларида эшиклар ичкарига очилади, бундан санитария узеллари, ҳожатхоналар ва ванналар мустасно.

Эшик ўрни **эшик блоки** билан тўлдирилади. Эшик блокларини тайёрлаш ва монтаж қилиш дурадгорлик ишларига киради. **Эшик блоки** эшик қутиси ва қутининг вертикал брусиға ошиқ-мошиқларга осилган **эшик полотносидан** иборат.

Конструкциясига кўра эшиклар рамкали (филёнкали), яхлит ёки майдада бўшлиқли тўсиқ, остонали ва остонасиз, фрамугали ва фрамугасиз бўлади; **полотнолар сонига кўра** – бир ва икки полотноли, шу жумладан турлича кенгликдаги полотнолар билан; очилиш усули бўйича – икки тавақали эшик, тебранувчи, сурилувчи; **очиш усулига кўра** – ўнг ва чап; **ойналарнинг мавжудлигига кўра** – ойнаванд ва берк; **пардозланишига кўра** – шаффоф бўлмаган пардозлаш қопламали (эмаль бўёқ билан бўялган ёки декоратив листли ёки пленкали материаллар қопланган) ёки шаффоф пардозловчи локли қопламали. Юза ва юза бўлмаган сиртлар турлича пардозланади.

Ички эшикларнинг эшик блоклари остонали (хонадонларга кирувчи) ва остонасиз (хоналараро). Ташқи эшиклар блокларида остоналар товуш ва иссиқлик изоляциясини яхшилайди. Девор ва эшик қутиси орасидаги тирқиши беркитилади ва часпак билан ёпилади; кириш эшиги блокларида пенополиуретандан қилинган зичлаштирувчи қистирмалар қўйилади.

Кўчадан кирувчи эшиклар кўпинча ромли қилинади. Улар боғлам брусларидан филенкаларни тўсиқлар (шитлар), фанера, ДСП, ДВП, ойна, тахталар билан ичи ва усти тўлдирилиб тайёрланади.

Тўсиқли (шитли) эшиклар икки томонидан ДВП ёки фанера билан қопланган, рандаланган шпонли, қоғоз-қатламли пластикли, декоратив поливинилхlorидли пленкаси бўлган, декоратив қоғозли ёғоч ромни ифодалайди. Тўсиқли (шитли) эшиклар яхлит ва ичи бўш бўлади. Яхлитлари бирлаштирилган бруслардан, ичи бўшлари фанера тасмаларидан сийрак панжара, ДВП, қоғозли уялар, қипиклардан фойдаланиб тайёрланади. Қоплама периметр бўйича уч томондан маҳкамланади.

Эшик блоклари берк ёки ойнаванд полотнолар билан ва чоракка очилувчан ҳамда ойнаванд полотнолари тебранувчан қилиб чиқарилади.

Эшикларга ойна солиш учун шаффоф, нақшли ёки арматураланган 4-5 мм қалинилдиғи ойна қўлланилади. Ноёб биноларни (театр, музейлар ва бошқаларни) қуриш учун эшиклар қимматли жинсдаги ёғоч (дуб, ёнғоқ, қизил дараҳт) билан қопланади ва очик лок билан пардозланади.

Ташқи эшиклар тўсиқли (шитли), ромли (филенкали) ёки рейкалар билан тўлдирилиб тайёрланади.

Эшик блоклари эшик асбоблари (осма ошиқ-мошиқлар, эшик қулфлари) билан бирга тайёр ҳолда етказиб берилади.

Назорат саволари

1. Эшиклар, деразалар тўғрисида маълумот беринг.
2. Дераза таснифи тўғрисида тушунча беринг.
3. Эшик ва деразада қўлланадиган хом-ашёларни санаб беринг.

XXI. Томлар ва устёпмалар

Калит сўзлар: *мауэрлат, конек, чордоқ*.

Том икки конструктив қисмдан: кўтарувчи-устёпма ва устки, кўтарилиб туриладиган том усти ёпмасидан ташкил топади.

Устёпма қордан, шамолдан (вақтинча юкланиш) ва ўз массасидан тушган юкланишни (доимий юкланишни) деворларга ва айрим таянчларга тушган юкланишни узатади. Устёпма стропиллардан (темир-бетон ёки ёғоч) ва стропил фермалардан (темир-бетон, ёғоч, пўлат) ёки ромлардан, арклардан ва ҳ.к.лардан ташкил топган. Устёпма пишиқликка ва мустахкамликка хисоб қилинади.

Том усти хусусан ёпмадан (энг юқоридаги сув ўтмайдиган қобиқ), ёпма тагидаги ёғоч бруслардан панжара кўринишдаги асосдан ва ёғоч тўшамадан ёки темир-бетон асос устидан цементланган (асфальтланган) қатламдан иборат.

Томнинг тўғри конструктив ечими, шу жумладан унинг шаклини аниқлаш-унинг пухталигини, индустрialiлигини, тежамкорлигини муҳим шартидир.

Томлар **чордоқли** ва **чордоқсиз** турларга бўлинади.

Чордоқли томлар ўз навбатида қуйидаги турларга бўлинади:


томларга *иссиқлик режимига кўра* – совуқ ва иссиқ чордоқли ёки очик чордоқли;

бинонинг тортувчи вентиляциясидан ҳавони йўқотиш усулига кўра – вентиляцияядан ҳавони ташқарига чиқарип ташланадиган томларга (совуқ

чордоқ) ва вентиляциядаги ҳавони чордоқ ичиға чиқарадиган томлар (иссиқ чордоқ).

устёпманинг конструкциясига кўра – *темир-бетон* устёпма плиталаридан (иссиқлик изоляциясиз ёки иситкич билан) ёки монолит бетондан (шунингдек иситиш билан ёки иситмасдан).

Чордоқ устёпмаси совук тушган пайтларда юқори қаватдаги хоналарнинг иссиқлик ҳимоясини таъминлайди. Чордоқ хонасида бинонинг муҳандислик қурилмалари жойлаштирилади (марказий иситиш тармоғи қувурлари, вентиляция қутилари), ёритиш ва ҳаво алмаштириш учун туйнуклар (дарчалар) қурилади.



Чордоқли том


Сув оқиб тушиб кетиши учун томлар қия текисликлар – қияликлар кўринишида ишланади. Том қиялигининг бурчагига боғлик ҳолда у қия (қиялиги 5% дан ортиқ), бироз қия (2,5-5%) ва текис (яssi) (2,5% гача) томларга бўлинади. Томнинг қиялиги ёпма материалини ва қурилиш худудининг иқлим шароитини хисобга олган ҳолда белгиланади. Ёпма материалининг ҳар бир тури ўзининг мақбул ва чегаравий қиялигига эга бўлади. Масалан, рулонли икки қаватли ёпма материалдан қилинган томларнинг минимал қиялиги – 15%, листли ёпма пўлатдан қилинган томларники – 29%, черепицали томларники – 50 % бўлади.

Ташқи деворлар тепасида томларнинг чиқиб туриши осма дейилади. Сув қияликлардан ёпманинг осмасига олиб келинади ва бевосита ёки тарновлар ва сув оқизиши қувурлари ёрдамида ерга тушурилади.

Кам қаватли қурилишда одатда, сувни ташқарига чиқариладиган чордоқли қия томлар қўлланилади, кўп қаватли уйлар қурилишида эса қўшма қопламалар ва ички сув оқизишдан фойдаланилади.

Режада бинонинг ташқи қиёфаси чордоқли қия томлар шакллари билан белгиланади, улар материалига ва асосан архитектуравий ифодалаш талабларига боғлик бўлади.

Томлар бир, икки, тўрт қияликли (чодирсимон, вальмовали, ярим вальмовали), шу жумладан пирамидасимон ва гумбазсимон, шунингдек кўп қияликли бўлиши мумкин (расм).



Томнинг турлари

1-икки қияли; 2-вальмали; 3-ярим вальмали; 4-фронтонли мансардали; 5-мансардали; 6-бир қияли; 7-ёритиши фонари билан; 8-ясси қияликлари билан; 9-шедовли;

10-М-симон ендевали; 11-пентхаус; 12-ёйсимон; 13-ўқсимон; 14-гумбазсимон (цилиндрик); 15-ясси; 16-вилласимон; 17-гиперболик параболоид.

Икки қияли том – барча замонларда ишлатилган шакл, у яшаш ҳуқуқини, конструктив жиҳатдан ҳам, архитектура жиҳатидан ҳам исботлаб берган қия томнинг энг кўп тарқалган шакли.


Вальмоли том – томнинг ҳимоя қилувчи вазифасини таъкидлайди ва уйга салобатли кўриниш беради. Ургу бериш сифатида туйнуклар кўлланилади, улар турагар-жойнинг сифатини оширади. Агар оғма қиялик қирранинг фақат юқори ёки қуий қисмини қопласа, у яримвальмоли том дейилади.

Бир нишабли том – томнинг қиялиги мўлжал олиш нуқтаи назаридан ноқулай томонга қараган бўлади. Уйнинг функционал ечимиға жавоб берувчи томнинг шакли – қуёшли томонда ёруғлик берувчи ва қуёш иссиқлигини тарқатувчи катта деразалар учун жой бор.

Чодирсимон том – томнинг юқори нуқтасидан тугалланувчи чизиқлар ва аниқ шакл. Томнинг барча тўрт томондан симметрик кўриниши – унинг алоҳида ажralиб турувчи хусусиятидир.

Мансардали том – чордоқ фазосидан максимал фойдаланишни таъминлайди.

Чиқиб турувчи бурчакларни ҳосил қилувчи қияликларнинг кесишиши қовургалар дейилади; ҳосил бўладиган киравчи бурчаклар – тарновчалар деб, юкориги горизонтал қирра – конек деб аталади (расм).




Томнинг қисмлари

1-фронтал яқинидаги том қисми; 2-том осмаси; 3-конек; 4-фронтон;
5-вальма; 6-тарновча (ендова); туйнук (мансарда деразаси);
8-декоратив фронтон; 9-ёргулук фонуси

Агар қияликлар четки деворни ёпиб турса ва осма кўринишда чиқиб турса, у ҳолда фронтон ҳосил бўлади. Агар четки девор ёпмадан юқори кўтарилиган бўлса ва унинг устида парапет кўринишида чиқиб турса, у ҳолда шипеъ (тиш) ҳосил бўлади. Чордок чегараларида баъзида турар-жой хоналари – мансардалар назарда тутилади, бундай ҳолда икки қияликли том конекка параллел бўлган қўшимча қирраларга эга бўлиши, қияликлар эса турлича оғваликка эга бўлиши мумкин.

Қия томларнинг кўтарувчи конструкциялари қуидаги элементлардан иборат (расм).



Ёпманинг асосий элементлари

1-томнинг конеки; 2-стропила; 3-тўсин; 4-стропила; 5-мауэрлат;
6-устун; 7-стропиллар нарожниси; 8-қия тирговуч (диагонал боғланиш);
9-рафақ (консоль); 10-тўсин (ригель); 11-тўсин ости

Стропила – томнинг асосий кўтарувчи конструкцияси бўлиб, қияликлар ва уларнинг оғиш бурчагини белгилаб беради. Стропиллар қия ва осма бўлади.

Қия стропила деб қия қўйилган тўсинглар каби ишловчи, асосий элементлари қурилиш оёқлари бўлган стропилага айтилади. Уларнинг узунлиги 6,5м дан ортиқ бўлмаслиги (стандарт қирқилган материалларнинг максимал узунлиги), таянч орасидаги масофа 5м дан ортиқ бўлмаслиги керак. Оғма (қия) стропилалар стропила оёқларидан устунларга тиранувчи конекли прогондан ташкил топиб, устунлар ўз навбатида кўндаланг ва бўйлама кашаклардан иборат қуи (пастки) прогонга тирагиб туради.

Қия стропилаларнинг энг содда тури бир нишабли томларда қўлланилади. Стропила оёқлари деворларнинг юқори кесиги бўйича ётқизилган ва қурилиш оёқларидан деворга тушадиган юкланишни бир текис тақсимлаш учун хизмат қилувчи горизонтал бруслар – мауэрлатларга таянади.

Икки нишабли оғма стропиллар бино ичидаги таянчлар мавжуд бўлганда қўлланилади. Ички таянчлар бўйича, агар ички девор таянч бўлиб хизмат қилса, у ҳолда ётқизиб терилади, агар таянчлар алоҳида турадиган бўлса, у ҳолда прогонлар ётқизилади. Илгаклар ва ётқизиқлар бўйича ҳар 3-4 м да устунлар ўрнатилиб, улар юқори конекли прогоннинг таянчлари бўлиб хизмат қилади. Прогонга ва мауэрлатларга стропил оёқлари таянади. Бикирлик бериш учун бўйлама йўналишда юқори прогон томон тиргаклар келтирилади, бу эса унинг кесимини камайтиришга ва уни енгиллаштиришга имкон беради.

Агар юқори прогон томони билан мос тушмаса, конструкцияга кўндаланг йўналишда мустахкамлик бериш учун горизонтал тутқич киритилади. Стропил оғининг оралиғи 4,8 м бўлганда унинг остига тиргак қўйилади. Стропил оёқлари деворга қоқилган симчўткаларга сим билан бураб махкамланади.

Тўрт нишабли томларда одатда иккита вальмали қиялик бўлади. Вальмали қияликлар кесишган жойда ҳосил бўлади. Кесишиш жойларида диагонал стропила оёқлари ўрнатилади. Уларга қистирилган стропил оёқлари – мауэрлатга таянувчи пирожниклар киритилади.

Стропил фермалар (*учбурчакли, полигональ, сегментли*) кўтарувчи конструкция сифатида ички таянчлар бўлмаган катта кенглиқдаги биноларда қурилади. Стропил ферма бир-бири билан учлари бўйича биринтирилган стенжерларнинг ясси панжарасимон тизим қўринишида қопламанинг кўтарувчи элементини ифода қиласи. Стропиллар **материалига кўра** (*ёғоч,*

темир-бетон ва пўлат) ва шаклига кўра (учбурчакли, полигон, сегментли ва бошқа)га бўлинади.

Осма стропилалар стропил фермасининг энг оддий турини ифодалаб, унда оғма стропил оёқлари (ферманинг юқори тасмаси) распорни тортишга (ферманинг пастки тасмаси) берилади. Осма стропилалар 12 м гача бўлган оралиқларни қамраб олади.

Осма стропилали томларда чордок устёпмалари ферманинг пастки тасмасига полосали пўлатдан ясалган хомутларда осиб қўйилади. Бундай устёпма осма шип деб аталади.

Осма шиплар жамоат биноси интеръерининг ўзига хос элементи хисобланади. Улар кўриниши жозибадор бўлмаган муҳандислик коммуникацияларини, устёпманинг кўтарувчи элементларини (тўсинлар, фермаларни) бекитиб туради, хонага янги нисбатлар, ритм бағишлайди. Говак материаллардан тайёрланган осма шип аккустик муҳитни яратиш учун фойдаланилади. Бикир зич материал хонадаги товушни кучайтиради. Универсал заллар учун кўчма шитлар кўринишидаги осма шип қўлланилади, улар ёрдамида акслантирувчи экранлар каби залдаги аккустиканни тартибга солиш мумкин.

Осма шипда кўпинча конструкцияда яширган, ярим яширган ёки архитекторнинг ғоясига боғлиқ ҳолда яширган ёритгичлар жойлаштирилади. Ялтироқ ёки ярим ялтироқ материаллардан ишланган осма шип, агар ёритгичлар унинг устига жойлаштирилса, ёритилган шип эффектини бериш мумкин. Баъзида осма шиплар иситиладиган фазони камаётириш учун иситилган қилинади.

Осма шипларнинг конструкцияси кўтарувчи синчдан (одатда, металл кувурлар, бурчакликлар, таврлар, швеллерлар ва бошқа) ва унинг тўлдиригичлари (плиткалар, рейкалар, листлар)дан иборат бўлади. Йирик хоналарда устёпмага осиладиган осма шип билан устёпма орасидаги фазодан фойдаланишда, темир-бетон тўсинлардан иборат устёпма қўлланилади. Темир-бетон тўсинга синч осмалар ёрдамида осилади, осмалар эса монтаж қисмида устёпманинг йифма темир-бетон плиталари орасидаги чокларга қўйилади ва устёпманинг қулфланадиган деталларига пайвандлаб ёки дюбеллар билан отиб махкамланади.

Осма шип ёки унинг тўлдиригичларининг кўтарувчи элементлари сифатида гипсли ёки қипигидан тайёрланган плиталар, «акмигран» ва «акминит» плиталари, металл листлардан, асбестцемент листлардан ва бошқ. иборат плиталардан фойдаланилади. Товуш ютувчи шипларни қуришда минерал пахта плиталардан, перфорацияланган гипс ва металл плиталардан,

шунингдек “агмигран” плиталардан ва минерал пахта ҳамда ДВП дан юзи перфорацияланган қатламли икки қаватли плиталардан фойдаланилади.

Ёруғлик шиплари алюминий, пластмасса ёки ёғочдан қилинган панжараларда, тўлдиргичлари тўлқинсимон ёки силлик органик шиша листларидан, арматураланган шишадан, турли хил ярим шаффоф пластмассадан тайёрланади. Йиғма тўлдирмадан фойдаланилади, монолит шиплар металл тўр бўйича суваб қурилади.

Чордоқсиз томлар алоҳида ёки қўшилган қоплама конструкциясига эга бўлиши мумкин (2.25-расм). Панелли уй қурилиши ривожлана бошлини билан қурилиш шароитларида бажариладиган чордоқсиз қўшилган томлар кўлланилади.

Бундай конструкция иситкични ишлаб чиқариш жараёнида намланиши мумкинлиги ва эксплуатация даврида оммавий тешシリшлари туфайли паст эксплуатация сифатларга эга бўлиши билан ажralиб туради.

Кўшилган томнинг алоҳида конструкцияси варианти унинг эксплуатацион сифатларини унча кўп яхшиламайди.



Чордоқсиз том

Томнинг пишиқ-пухталиги ва чиройли кўриниши ёпиладиган материалларни танлашга боғлиқ. Уларни шартли равища **даслабки ҳомашё турига қўра** (органик, минерал); **қовушқоқ модда турига қўра** (битумли, қатронли); **тузилишига қўра** (қопламали, қопламасиз); **асоси мавжудлигига қўра** (асосли, асоси йўқ). Ниҳоят, **шакли ва ташқи кўринишига қўра**:

донали (листли) – асбестцементли листлар, плиткалар, лист пўлат, лой черепица, ёғочдан ёпма материаллари (тахта, плитка, юпқа тахтачалар);

рулонли – ёпма пергамин, рубероид, ёпма толь, гидройзол;

мастикали – битумли, чоксиз ёпмаларда фойдаланиладиган қатрон материаллар.

XX асрнинг иккинчи ярмида оммавий қурилишда тўлқинсимон асбестцемент листларидан устёпмалар кенг тарқалди. Листлар бруслардан тайёрланган панжарарага устма-уст жойлаштирилади. Бундай устёпмалар

курилиши оддий, чидамли, енгил, ёнмайди, чоклари унча кўп эмас, етарлича декоративдир. Бундай ёпманинг камчилиги унинг нозиклиги, механик таъсирларда ва температура деформацияларида ёриқлар пайдо бўлиши, шунингдек бугунги кунда уларнинг экологик эмаслигининг тан олинишидир.

Қалинлиги 25 мм, эни 120 мм гача тахталардан ташкил топган тўшамага жойлаштириладиган турли ўлчамдаги ясси асбестцемент листлардан том ёпмалари чидамли, енгил, ёнмайдиган бўлиб, бироқ уларда чоклар жуда кўп бўлганидан анча катта 30-45⁰ ли қияликни талаб этади.


Асбестцементли ичи бўш иссиқ плиталардан саноат бинолари устёпмалари қурилади. Плиталарнинг асосий тури ичидан иситгичи бўлган, четлари алюминий парчин михлар билан махкамлаб бириктирилган икки асбестцемент листлардан ташкил топган.

Томга ёпиладиган лист пўлат металл ёпмалар учун асосий материал хисобланади. Сувнинг тўсиқсиз оқиб туришини таъминлаш учун ёпма пўлат листлари четларини фальцларга букиб бириктирилади: қиялик бўйлаб турадиганлари қияликка қўндаланг қилиб ва том қирраларида эни бўйича ўрнатилади.

Металл устёпма панжарага кляммералар – ёпма пўлатнинг ингичка тасмалари билан махкамланади, уларнинг бир учи панжарага қоқилади, иккинчи учи эса фальцга ўтказилади. 700 мм дан сўнг панжарага Т-симон пўлат хоссалар қоқилади, унга ёпма осмаси махкамланади ва уни томизгич ҳосил қилиб букилади.

Новлар сувни сув олиб кетадиган қувурларга келтиради. Ҳозирги пайтда пўлат том ёпмалари якка тартибдаги қурилишларда фойдаланилади. Уларнинг камчиликлари: металл сарфи катта ва мунтазам бўяб турилиши зарурлигидан фойдаланиш қиймати юқори.

Бугунги кунга келиб, энг оммавий том ёпиш материали – металлочерепицадир. У бизнинг иқлимининг температура шароитига фақат чидамли экани билан эмас, балки томёпмани ҳақиқий черепицага ўхшаш жозибадор ташки кўриниши билан хам пўлатнинг ишончлилиги ва чидамлилигини бирга қўшиб, ўзини намоён қиласди.



Металлоочерепица листи

Металлоочерепицанинг афзалликлари:

чидамлилик – металлоочерепицанинг хизмат кўрсатишини хисобий муддати 50 йилга етади;

универсаллиги – барча турдаги томларни ёпиш учун қўллаш мумкин, бунда қиялик бурчаги 14 градусдан кам бўлган устёпмалар мустасно;

ёпмалар микдорининг кўплиги туфайли металлоочерепицани кенг температура диапозонида фойдаланиш мумкин, у 50 градусли совукларга ҳам, том сиртини 70 градус қиздиришга қодир жазирама қуёш нурлари таъсирига ҳам чидаш беради;

табиий агрессив муҳитларнинг истаган турларига, хусусан, ёмғир, ультрабинафша нурлар таъсирига, дўлга чидамлидир;

фойдаланиш чегараси чексиз – шаҳар ичida ундан ташқарида хусусий уй-жойлар томини ёпишдан тортиб то кўп хонадонли уйларни ва кўп қаватли саноат биноларини куришгача;

ёпманинг кичик солиштирма оғирлиги – профил кесимига ва бошқа омилларга боғлиқ ҳолда 1m^2 металлоочерепицанинг массаси тахминан 4-5 кг келади;

монтаж қилиш муддатлари қисқа ва оддий бор-йўғи икки ишчидан иборат бригада бир иш сменасида 100 m^2 юзали томни ёпиш имконига эга;

ташқи кўриниши жозибали, у ҳақиқий черепицага амалий жиҳатдан тўла ўхшайди;

ранг палитраси жуда кенг, ранг ва тусланишлари бошқа қурилиш элементлари билан қулай қўшилиб, бир бутун бирликни ҳосил қиласди;

мақбул қиймати – нархи юқори эксплуатацион кўрсаткичларига тўлиқ мос келади, ҳар қандай, ҳатто энг бюджетли лойиҳаларни амалга ошириш учун имкон беради.

Металлочерепица берадиган катта имкониятлар туфайли у билан ёпилган том жуда мураккаб шаклга эга бўлиши мумкин. Айни металл ёпмалар билан барча томларнинг 70 % ёпилади, бу уни барча ёпма материалларнинг етакчиси деб аташга имкон беради.

Замонавий том ёпмаси конструкцияларида пенопластли иситкичи бўлган икки ёки уч қатламли металл панеллар қўлланилади. Панеллар юпқа руҳланган пўлатдан ёки алюминий қоришмаларидан, иситкич ва гидроизоляцион ёки химоявий-декоратив қопламадан иборат.

Лойли черепица кам қаватли турар-жой қурилишида қўлланилади. Черепица – оловбардош, аммо нозик ва оғир материал, шунингдек у сувни оқизиб юбориш учун томнинг қиялиги катта (камидаги 50 %) бўлишини талаб этади.

Ёғоч ёпма материаллар тежамли, оддий, аммо жиддий камчиликларга эга: ёнувчан ва чирувчан, шунинг учун уларга оловбардош ва чиришга қарши таркиблар шимдирилади. Ёғоч ёпма материаллар асосан вақтинча бинолар қурилишида фойдаланилади.



Металлочерепициали ёпма

Ёпма плиткалари арча, қарағай, кедр, тоғтерак ёғочидан тайёрланади; уларнинг узунлиги 400-600 мм, эни камидаги 70 мм, қалинлиги учлари бўйича 3 дан 13 мм гача.

Гонт – кесимига кўра узунлиги 500-700 мм, эни 70-120 мм, қалинлиги 3-15 мм, йўғон бўйича учларига кўра тўғри тўртбурчакли тахтачалар. Гонт қарағай, арча, кедр, тоғтерак ёғочидан тайёрланади.

Томга ёпиладиган дронь (юпқа тахтача) – толалари бўйича 400-1000 мм узунликда, 90-130 мм кенгликда, 3-5 мм қалинликда кесиб олинадиган игна баргли ва юмшоқ баргли жинсдаги дараҳтларнинг бир қатламли полосаси.

Ёпма қипиқ – игна баргли ва юмшоқ баргли жинсдаги ёғочни бўлаклари, қисқа кесимлари; бўйи 400, 450, 500 мм, эни 70-120 мм, қалинлиги 3 мм.

Сиртга ишлов берилган битум (пергамин, рувероид, гидроизол) ёки қатрон моддалар шимдирилган (толь) томёпма картон асосида рулонли томёпма материаллари турли хил кенгликда 10-30 м узунликдаги рулонли кўринишида ишлаб чиқарилади.

Пергаминдан рувероидли материаллардан ёпма гиламнинг пастки қатламлари тайёрланади. Рувероид йирик ва майда донали сепилган томёпмали бўлади. Рувероидли томёпма ёғоч ёки бетон асос устига тўшалади, унинг устига цементли ёки асфальтли текисловчи қатлам ётқизилади (стяжка). Икки қатламли томёпмалари 15^0 дан ортиқ қияликда, уч қатламлилари $5-2,5^0$ қияликда қилинади, 4-5 қатламли томёпма қиялиги нолга teng бўлиши мумкин. Рувероидли гилам остидаги ёғоч асос – қалинлиги 16-19 мм, эни 50-70 мм бўлган брусклардан яхлит тўшама бўлиб, уни ишчи ёғоч тўшамага 45^0 бурчак остига ётқизилади.

Гидроизол (қопламасиз гидроизоляцион материал) биноларнинг ер ости қисми учун, текис ёпмаларни гидроизоляция қилиш учун қўлланилади.

Қумли ва йирик доналар сепилган қатронли томёпма рулонли материаллар ёпма гиламнинг устки ва пастки қатламлари учун мўлжалланган.


Картон асосли рулонли ёпма материаллардан ташқари чиримайдиган асосли материаллар мавжуд, хусусан, шишарувероид, металлоизол, фальгоизол, шишамато, гидростеклоизол ва бошқ. Томёпма шишарувероид ёпма гиламнинг юқори қатлами учун, елимловчи гидроизоляция, ёпмақатламнинг пастки қатламларини қуриш учун мўлжалланган. Гидроистеклоизолдан жамоат ва саноат биноларининг яssi томёпмалари қурилади.

Мастикали томёпма материаллар (битумли, битумли-резинали, полимерли ва бошк.) фойдаланиш усулига кўра иссиқ ва совуқ турларга бўлинади. Томёпмалар иссиқ мастикалар рулонли материалларни бир-бирига елимлаш учун, совуқ мастикалар эса томёпмаларни рулонли материаллардан қуришда қўлланилади.

Кейинги вақтларда жаҳоннинг кўп мамлакатларида қурувчилари ва архитекторларида битумли юмшоқ ёпма **Katepal** (руфлекс) – шишахолст асосли эгилувчан черепица оммалашди. Катепал томларнинг қия турлари учун универсал томёпма ҳисобланади.

Юмшоқ Катепал черепицасининг асосини газлама бўлмаган стеклохолст ташкил этади, унинг юқори қатлами рангли тош грануларидан, пастки қатлами эса ўзи елимланувчи модификацияланган юқори сифатли битумдан иборат (расм).

Катепал томёпмаси юқори даражада иссиқликка бардошликтни, совуқча чидамлиликни, пишиқликни таъминлайди ва турли иқлим шароитларида кўлланилиши имконияти туфайли ноёбдир. Юмшоқ томёпма – шовқинсиздир, у кўчадан келадиган барча товуш ва шовқинларни изоляция қиласди.



Эгилувчан черепицанинг тузилиши

Юмшоқ черепица ёмғир, дўл, кучли шамол каби атмосфера ҳодисаларига жуда яхши чидайди. Бу томёпма коррозия ва биологик емирилишга мойил эмас, чиримайди ҳам. Эгилувчан черепицанинг юқори қатлами рангли слонецили сочилмадан иборат бўлиб, у ёпмани ультрабинафша нурланишдан аъло даражада ҳимоя қиласди, шунингдек механик шикастланишларга чидамли. Монтаж қилиш ишларини ўтказишда у маҳсус асбобларни талаб этмайди. Бундан ташқари, мазкур эгилувчан черепицанинг ноёблигини шу билан ҳам белгилаш мумкинки, бунда у ўзининг ўзи елимланувчи резинабитумли массаси туфайли чокнинг тўлиқ герметиклигини таъминлайди (расм).



Эгилувчан черепицадан томёпма

Бу материални истаган рангга бўяш мумкин ва бунинг учун икки рангли технология қўлланилади, бу технология материалнинг ташки кўринишига алоҳида жозиба, шунингдек ҳажмдорликни бахш этади.

Материалнинг ранг палитраси фақат тўйинган рангларни ўз ичига олади, улар орасида қизил, зангори ўрмон, жигарранг – қизилларни алоҳида ажратиш мумкин.

Бугунги кунда қурилиш амалиётида кўпинча томёпмадан фойдаланилади. **Бардолин** – битумли черепица бўлиб, унинг марказий қатлами эластик шиша толасидан иборат. Бардолинга икки томондан битум шимдирилган, юқори қатлами минерал сепмага эга, пастки қатлами – кремнийли кумдан ташкил топган. Битумли черепица EN 544 Европа стандартига мувофиқ тайёрланади, у битум оксид билан шиша толали арматуралаш орқали ва гранулаланган қопламасининг турлича бўялиб тайёрланадиган қулай жойланадиган эластик, дарз кетишга бардошли, иссиқ ва совукқа чидамли, сувга чидамли, узоқ вақт ишлатиладиган материалdir. Енгиллиги билан ажралиб туради – унинг ўртача вазни $10 \text{ кг}/\text{м}^2$.

Турли хил рангли ва кичик ўлчамлари билан ўзига тортади ва эстетик жихатдан гўзалдир. Томёпма 30% ва ундан ортиқ қия бўлганда – Бардолин қопламаси томнинг ёғоч асосига (панжарасига) маҳсус михлар билан махкамланади.

Назорат саволлари

1. Томлар ва томёпма нима?
2. Томларда қандай ҳом-ашё ишлатилади?

ХХII. Бинолардаги коммуникация воситалари

Режа

22.1 Горизонтал коммуникациялар

22.2 Вертикал коммуникациялар

Калит сўзлар: *даҳлиз, коммуникация.*

22.1 Горизонтал коммуникациялар

Горизонтал коммуникациялар: даҳлизлар, галереялар, ўтиш йўллари, хоналар ва бинонинг вертикал коммуникациялари ўртасида битта қават чегарасида алоқани амалга оширади.

Жамоат биносининг бош коридорларини минимал кенглигини 1,8 м, иккинчи даражалиларнини – 1,2 м (узунлиги кўпи билан 10 м бўлганда) қилиб қабул қилиш тавсия этилади. Коридорлар қўйидаги турларга бўлинади: Бир томони қуриладиган коридорлар, икки томони қуриладиган коридорлар, аралаш қурилишли ва ташқи томонлари бўйича ва улар орасидаги хоналар билан қўшилган коридорлар. Коридорларда табиий ёритишни режалаштириш зарур, бунда коридорнинг икки чеккасидан ёритилганда унинг максимал узунлиги 48 м, бир чеккаси ёритилганда максимал узунлиги 24 м бўлиши лозим. Узунлиги бундан ортиқ бўлганда ораларидағи масофа 24 м дан ортиқ бўлмаган ёруғлик чўнтакларини, ёруғлик чўнтағи билан коридор чеккасидаги дераза орасидаги масофани кўпи билан 30 м қилиб ташкил этиш зарур. Ёруғлик чўнтағининг кенглиги унинг чуқурлигининг ярмидан кичик бўлмаслиги керак.

Горизонтал коммуникацияли хоналар тизими асосий хоналар билан алоқани коммуникацион хоналар – даҳлизлар ёки галереялар орқали бўлишини назарда тутади. Бу бош хоналарни ўтиб бўлмайдиган қилиб лойиҳалашга имкон беради. Горизонтал коммуникацияли бино ечимининг режали ихчамлиги ва тежамкорлиги бинонинг бирлик юзадаги ёки коммуникацион хоналар узунлигидаги асосий ва ёрдамчи хоналар юзларининг миқдори билан баҳоланади.

Горизонтал коммуникацион хонали режалаштириш тизими турли хил вазифани бажарувчи фуқаролик биноларини – ётоқхоналар, меҳмонхоналар, мактаблар, касалхоналар, маъмурий бинолар ва ҳ.к.ларни режалаштиришда кенг қўлланилади.

22.2 Вертикал коммуникациялар

Вертикал коммуникациялар: зинапоялар, лифтлар, пандуслар, эскалаторлар бинонинг қаватлари орасидаги алоқани амалга оширади.

Зинапояларга асосий талаблар: иссиқлик, эстетик, яхши ёритилганлик, қулайлик, ёнғин хавфсизлиги.


Ёнфинга қарши меъёрларга мувофиқ одамларни бинолардан эвакуация қилиш учун зинапоялар қуйидаги турларга бўлинади:

1 тур – зинапоя тўрида жойлаштирилган ички зинапоялар;

2 тур – ички очик;

3 тур – ташқи очик.

Зинапоялар қуйидаги элементларга эга (расм).



Zinapoya elementlari

1-зинапоя охиридаги суюнчик устуни; 2-балясина; 3-суюнчиқлар тутқичи; 4-зинапоя майдончаси; 5-бортча; 6- темива (косоур); 7-перехват; 8- зинапоялар марши; 9-қадам; 10-зинапоя ости; 11-зина чети; 12-пастки зинапоя

Вазифасига кўра зинапоялар асосий, ёрдамчи, аварияда фойдаланиладиган, ўт ўчириш, хонадонлар ичидаги, кираверишдаги ва бошқа турларга бўлинади.

Асосий зинапоялар қаватлар ўртасидаги кўчага чиқиш билан хар кунлик алоқа учун хизмат қиласди, ёрдамчи зинапоялар қаватдан қаватга чиқиш, ертўлага ва чордоқقا кириш учун, шунингдек ўт тушганда эвакуация қилиш учун хизмат қиласди. Махсус ўт ўчириш зинапоялари (нарвонлари) пўлатдан ясалади ва бино ёнига бинонинг хар бир нуқтасидан 100 м масофада ўрнатилади.

Авария вақтида фойдаланиладиган, шунингдек бинодан ташқарида жойлаштириладиган зинапоялар одамларни тез эвакуация қилиш учун хизмат қиласди. Йирик жамоат биноларида зинапоялар ва лифтлардан ташқари

эскалаторлар ҳам ўрнатилади. Бино ичидаги зинапоялар зинапоя катаги деб аталувчи хонани ташкил этиб, деворлар билан чегараланади.


Зинапоянинг асосий элементлари қия марш ва горизонтал майдончалар хисобланади.

Маршлар пастдан тўсиқ – косуарлар билан, айрим ҳолларда ён томондан – косуарлар билан тутиб турилувчи зиналар қаторидан ташкил топади. Косоурлар ёки тетивалар майдончалардаги кўтарувчи элементлар – майдонча тўсиқларига суюнади, улар ўз навбатида бинонинг кўтарувчи асоси конструкциясига таянади.

Қават сатҳида жойлашган зинапоя майдончалари қаватлар майдони дейилади, қаватлар оралиғидаги майдончалар эса оралиқ ёки қаватлараро майдончалар деб аталади. Қават доирасидаги маршлар сонига боғлиқ ҳолда зинапоялар бир, икки, уч ва тўрт маршли бўлади.

Биринчи қаватга цокол марши элтади.

Зинапояларда юриш хавфсизлиги ва қулайлиги маълум қоидаларга риоя қилиш билан таъминланади. Туар-жой уйлари зинапоялари маршининг қиялиги, яъни марш баландлигининг унинг горизонтал проекциясига нисбати зинапоянинг вазифасига боғлиқ. Асосий зинапоялар учун қиялик $1:2 - 1:1,7$; ёрдамчи зинапоялар учун $1:2,5$ гача; хонадонлар ичи зинапоялари учун $1:1$ бўлишига рухсат этилади, яъни 45° бўлиши, ертўлага олиб борувчи зинапоялар учун – $1:1,5$ бўлишига рухсат этилади.



Зинапоялар турлари

1-спиральсимон (яримдоиравий); 2-чорак айланишили; 3-чорак айланишили ўралган;

4-винтсимон; 5-учмаршили; 6-тўғри зинапоя марши; 7-икки маршили; 8-

геометрик;

9-каррали қайтувчан

Маршдаги барча зинапоялар бир хил ўлчамда бўлиши, маршдаги зинапоялар сони камида учта бўлиши (акс ҳолда қоқилиб кетиши мумкин) ва

